

31

X 72

316(02) N

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Абдугани Холбеков

**БОШҚАРУВ  
СОЦИОЛОГИЯСИ**  
*(ўқув қўлланма)*

2032195



«Akademiya»  
Тошкент 2007

**Такризчилар:**

с.ф.д., проф. Бекмуродов М.,  
ф.ф.н., доц. Кўчкоров А.

**Таҳрир ҳайъати:**

Назаров Қ.Н., Иргашев Ф.Р., Холбеков А.,  
Пахрутдинов Ш.И., Абулқосимов Ҳ.П., Ахмедов О.М.,  
Рахимова Д.Н., Умаров Б.З., Умарова Н.Т., Ҳасанов Р.Р.

**А.Ж.Холбеков. Бошқарув социологияси (ўқув  
қўлланма). -Т., Akademiya, 2007.**

Ушбу ўқув қўлланмада бошқарув социологиясига оид умумий тушунчалар, бошқарув илми тизимида социологик билимларнинг ўрни баён қилинган.

Қўлланмада бошқарув ва жамиятнинг ижтимоий таркиби, давлат хизмати институтлари, бошқарув жараёнида эмпирик социологик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш, раҳбар шахси, унинг касбий фаолияти, бошқарувнинг жамоатчилик билан алоқа омиллари ҳақида маълумот берилган.

Мазкур ўқув қўлланма Академия тингловчилари, щунингдек, бошқарув социологияси соҳасига ихтисослашган аспирант ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.

## КИРИШ

Ўзбекистон ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини яратиш соҳасида сезиларли ютуқларга эришмоқда. Инсонпарварлик жамияти барпо этиш жараёнида кўплаб соҳаларда, хусусан, давлат бошқаруви, давлат хизматчилари фаолиятини такомиллаштириш йўналишида янги муаммолар ҳам вужудга келиши табиий ҳолдир.

Маълумки, янги давлатчилик барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини яратиш ўз-ӯзидан бўлмайди. Бунда ривожланган давлатлар тажрибасидан кўр-кўронга нусха кўчирмасдан, ўз кучимизга таянган ҳолда мақсадимизга эришиш талаб этилади. Аввало, демократик институтларнинг мустаҳкил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, ислоҳотлар талабига жавоб бера оладиган давлат хизматчилари тизимини яратиш зарур. Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов таъкидлаганидек, биринчи навбатда, раҳбар кадрларнинг, давлат хизматчиларининг фуқаролик жамияти институтлари ҳамда одамлар билан ишлай олиш қобилиятларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш зарур<sup>1</sup>.

Албатта, мамлакатимизда давлат хизмати ва давлат хизматчиси фаолиятига оид қонунлар яқин вақт ичida қабул қилиниши аниқ. Бу ҳужжатларда давлат хизматчилиги соҳасидаги бой миллий-тарихий анъана-ларимиз билан бирга хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам ўз ифодасини топади. Шу маънода, ушбу муаммонинг, нафақат, назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам долзарблиги ошиб бориши табиий жараёндир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Эл-юрга вижданон, сидқидидан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг бурчи. / Ҳалқ депутатлари Кенгашининг Андикон вилояти навбатдан ташҳари сессиясидаги нутқ // Ҳалқ сўзи, 2004 йил 25 май.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида давлат бошқаруви тизими модернизацияси юз бериши табиий. Зоро, демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши концепциясида давлат бошқаруви муаммолари устувор аҳамият касб этади. Давлат бошқарув аппарати ва давлат хизматчилари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари эса бошқарувга оид фанларнинг, хусусан, бошқарув социологиясининг илмий тавсияларига ҳам таянмоги зарур.

Албатта, Ўзбекистонда давлат хизмати ва давлат хизматчилини фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари, замонавий раҳбар кадрлар тизимини яратиш муаммолари Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқитилаётган фанларнинг асосий йўналишларидан бўлмоги зарур.

Мамлакатимизда юксак малакали раҳбар кадрлар тайёрлаш, улар фаолиятининг асосий тамойиллари, давлат хизматининг умумий қоидаларига оид концептуал ғоялар Президент И.А.Каримов асарларида ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Лекин, бугунги кунда сиёсий, ҳуқуқий ва социологик адабиётларда давлат хизматчилари фаолиятига оид тадқиқотларни етарли деб бўлмайди. Бу соҳага яқин мавзулардаги айрим ишларнигина кўрсатиб ўтиш мумкин.<sup>2</sup> Таъкидлаш зарурки, айрим янги мустақил давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси олим ва мутахассислари томонидан давлат хизмати ва давлат хизматчиларига оид тадқиқотлар жадаллик билан олиб борилмоқда.<sup>3</sup> Бошқа хориж

<sup>2</sup> Давлат хизмати персоналини бошқариш (ўқув қўлланма) –Т.. Академия, 2002 ва бошқалар.

<sup>3</sup> Государственный служащий как человек и профессионал. –М., Инфра-М,1996; Государственная служба (комплексный подход). Учебное пособие. –М., Дело, 1999; Государственная служба: теория и организация. Курс лекций. Ростов-на-Дону. Феникс, 1998.

мамлакатларида ҳам ушбу мавзуу доирасида қатор махсус тадқиқотлар қилинган.<sup>4</sup>

Лекин бу каби адабиётлар мамлакатимиз ҳусусиятига доимо ҳам мос келавермайды, зоро ҳар бир мустақил мамлакат ўз давлат хизмати ва давлат хизматчилари тизимиға эга бўлиши табиий. Шу жиҳатдан ҳам мазкур муаммо ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ўқув қўлланма Академияда яратилган бошқарув социологиясиға оид дастлабки ишлардан ҳисобланади. У нафақат Академия тингловчиларига, балки бошқарув илми ва фаолияти билан қизиқувчи мутахassisсларга ҳам мўлжалланган.

---

<sup>4</sup> Управление персоналом // Баварская школа управления. — Мюнхен, 2002.

# **1-мавзу. Жамиятнинг ўзини-ўзи ташкил этиш тизимида бошқарув ва маъмуриятчилик. Бошқарув ва жамият ижтимоий таркибининг социологик тахлили**

Мамлакатимизда жамият сиёсий тизимининг янгилиниши кенг қамровли жараён бўлиб, бунда давлат бошқаруви ва хизматининг ўз ўрни бор. Дархақиқат, “давлат” деб аталувчи кенг маъноли тушунчанинг сиёсий-хуқуқий нуқтаи назардан изоҳланиши унинг асл моҳиятини очиб беришдаги асосий ёндашувлардан биридир. Давлат жамиятнинг кўп қиррали ва ўта мураккаб ҳаётини ташкил этувчи сиёсий институтдир. Зоро, муайян худудда яшовчи халқ ўз хуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари, шунингдек, суверенитетини ҳимоя қилувчи кафолат воситасига эга бўлиш мақсадида жамиятдаги барча муносабатларни ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи махсус ташкилот – давлатни вужудга келтиради, унга ваколатлар беради. Давлат ушбу ваколатлардан ўз фаолиятини амалга оширишда фойдаланади, фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди. Давлатнинг барча вазифаларини самарали амалга оширишида ҳамда ижобий натижага эришишда унинг бошқарув вазифаси алоҳида ва етакчи ўрин эгаллайди. Гап шундаки, бошқарув – давлатнинг ўз тузилмаларини саклаб туриш, фаолияти тартибини қўллаб-қувватлаш ва дастур ҳамда мақсадларини амалга оширишни таъминловчи асосий вазифаси сифатида намоён бўлади. Бошқача айтганда, давлат бошқаруви юкоридаги вазифаларни амалга оширишда раҳбарлик қилиш, тартибга солиш ва назорат қилишининг махсус ташкил этилган жараёнидир. Маълумки, давлат бошқаруви ҳар доим давлатнинг

махсус органлари ва давлат хизматчилари томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви тизими ўз моҳиятига қўра, давлатнинг жамиятни тартибга солиш, сақлаб туриш, та-комиллаштириш ҳамда унинг институционал, ҳуқуқий ва мафкуравий жиҳатларига мақсадли таъсир этиш мажмуудир.

Давлат бошқаруви тизимининг вазифалари: ўз таркибига кирувчи тузилмалар муносабатларини ташкил қилиш; маълум меъёрлар назорати остида ҳаракат қилувчи меҳанизмлар мажмуаси қўринишидаги фаолиятни тартибга солиш; аниқ мақсад йўлида маълум дастур асосида ривожланишни белгилаш кабилардан иборат.

Бу вазифаларнинг ҳал этилиши давлат бошқаруви-нинг асосий тузилмаси ҳисобланган **хукумат** зиммаси-га юклатилади. Махсус адабиётларда ҳукумат давлатнинг конституциявий нормаларини ижро этиш, ички ва ташқи сиёsatнинг асосий йўналишларини амалга оширувчи бош омил сифатида таърифланади. Унинг асосий вазифаларидан бири – ўз фуқароларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш. шунингдек, фуқароларига энг қулай ҳаёт шароитини таъминлашдан иборат.<sup>1</sup>

Ҳукумат – давлатнинг барча соҳадаги ишлари учун масъул бўлган, конституция асосида кенг ваколатлар берилган органи ҳисобланади. У, одатда, давлат тузумининг бошқарув шаклига қараб давлат бошлиғи (президентлик республикаси) ёки парламент (парламентар республика) раҳбарлиги остида фаолият кўрсатади. Ҳукумат ўзининг ким олдида масъул (жавобгар) эканлигига кўра, давлат бошқарувининг монархия, яъни мутлақ

<sup>1</sup> Бойдадаев М. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти курилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда та-комиллашувининг ҳуқуқий асослари. Ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т., 2001, 10-25 бетлар.

ёки чекланган монархия шаклида ҳам мавжуд бўлади. Мутлақ монархияда у қирол, подшоҳ ёки императорга бўйсунса, чекланган монархияда эса ўз ҳуқуқий мақомининг баъзи жиҳатлари бўйича монархга дахлдор, аммо парламент олдида масъул бўлади. Кўп мамлакатларда ҳукумат фаолиятининг йўналишлари, ташкил этилиши ва тугатилиши, қабул қиласидаган ҳуқуқий ҳужжатларининг тури, юридик кучи унинг конституциявий мақомидан келиб чиқади ва унга боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда дунё давлатларининг конституциявий ва давлатчилик амалиётидан келиб чиқсан, ҳукумат давлатнинг бошқа органлари орасида алоҳида ўринга эга. Бу эса унинг қуидаги ўзига хос белги ва хусусиятларидан келиб чиқади: биринчидан, давлат ҳокимиятининг уч тармоғидан бири – ижро ҳокимиятини амалга оширади; иккинчидан, олий давлат бошқаруви органи ҳисобланиб, давлат бошқаруви тизимиға бошчилик қиласиди; учинчидан, парламент ёки давлат бошлиғи олдида масъул ёки ҳисобдордир; тўртинчидан, парламентда қонунчилик ташаббусига эга; бешинчидан, конституция, қонун, фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қарор ва фармойишлар чиқаради; олтинчидан, чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлари мамлакат ҳудудида барча фуқаролар, мансабдор шахслар ва давлат органлари учун мажбурий кучга эга; еттичинчидан, таркиби, тузилиш тартиби, фаолиятининг асосий йўналишлари ва ҳуқуқий мақоми парламент ҳамда давлат бошлиғи ваколатларининг ўзаро кетма-кетлик тарзида амалга оширилиши натижасида конституция ва маҳсус қонун билан белгиланади, тартибга солинади ва ҳ.к.<sup>2</sup>

<sup>2</sup> Бойдадаев М. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши ва бошқарув тизмининг шаклланиши ҳамда такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. Ю.Ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. –Т., 2001, 10-25-бетлар.

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси ҳукуматнинг юридик табиати ва моҳиятини очиб беради. Ўзбекистон Конституцияси ҳамда «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддаларида Ўзбекистон ҳукумати - Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида тутган ўрни белгилаб берилган.

Маълумки, сиёсий жараёнлар давлат бошқарувига муҳтож. Шу маънода бошқарув асосий тузилмаларининг фаолият жараёнлари марказий ҳамда маҳаллий ҳокимият миқёсида кечади. Бундан ташқари, ҳукумат мамлакат фуқаролари, яъни ушбу сиёсат субъектлари билан ўзаро муносабат тизимида фаолият юритади. Зоро, сиёсат ҳамма жойда ва барча соҳаларда амал қиласи Сиёсат - жамиятдаги муносабатларни мақсадга мувофиқ равишда ташкил қилиш услубидир. Сиёсий жараён орқали жамият ўз имкониятлари, тараққиёт мақсади ва унинг реал натижаларини аниqlайди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон ўз тарихий тараққиёти ва анъанавий давлатчилик ривожини янгидан тиклаш, давлат ва жамият қурилиши ҳамда бошқарувида ўтмиш мутафаккирларининг илгор қарашлари, ижобий ғоялари, амалий тарихий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлари даноқ мустаҳкам бошқарувга ва ҳокимиятнинг ижтимоий институтларига таянди. Ўзбекистон учун Президентлик бошқарув шакли модели янгилик бўлиб, кучли ҳокимиятни амалга ошириш учун энг мақбул шакл сифатида намоён бўлди. Халқ томонидан мукобиллик ҳамда кўп партиявиyilik асосида бевосита сайланган, унинг олдида масъул бўлган Президент қонун ва адолат ҳимоячиси ҳисобланади. «Ўтмишда адолат ғояси, -

дейди И.А.Каримов, - мансабдор шахс олдига кўйила-  
диган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик  
негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат  
мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихи-  
миздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, қудрат-  
ли, эркин демократик давлат қура олмаймиз».<sup>3</sup>

Адолатпарварлик ва қонунийлик гояларини уйғун-  
лаштириш орқали ўтмиш ва бугунни бирлаштиришга  
эришилади, халқ тарихий мероси мустаҳкамланади,  
яъни миллий давлатчиликда инсон манфаатлари асос  
қилиб олинади. «Жамики дунёвий неъматлар орасида  
энг улуғи - инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу  
асосда “фуқаро - жамият - давлат» ўртасидаги ўзаро  
муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга ин-  
тилдик»,<sup>4</sup> деган фикр ҳам асослидир.

Замонавий бошқарув шакли аҳолини ҳуқуқий ва  
ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини амалга оширишда  
намоён бўлиши керак. Шу маънода давлатимиз раҳба-  
ри И.А.Каримов ташаббуси билан 2007 йилнинг “Иж-  
тимоий ҳимоя йили” деб эълон қилиниши ҳам алоҳида  
аҳамиятга эга. И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Адо-  
латпарварлик гояси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини  
қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат гояси  
қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши  
бўлмоғи шарт».<sup>5</sup> Ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг меъ-  
ёрий-ҳуқуқий ҳужжати инсон манфаатлари ҳимояси-  
ни кафолатловчи, унга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини,  
ҳаётий муаммолари ҳамда эҳтиёжларини қондириш

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий  
тамоилилари. – Т., Ўзбекистон, 1995. 3-ж. 13-6.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Ўзбекистон  
— келажаги буюк давлат.-Т., Ўзбекистон, 1996. 1-ж. 124-6.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий  
тамоилилари. – Т., Ўзбекистон, 1995, 3-ж. 52-6.

борасида ижтимоий таянч бўла оладиган қоида ва моддаларни ўзида мужассамлаштириши лозим. Бусиз инсоннинг тўла мустақил бўлишини ҳам, давлатнинг инсонпарварлигини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Қонун бўйича ҳам, амалиётда ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлай олмаган, кафолат беролмаган жамиятни демократик жамият. деб ҳисоблаш мушкул.

Хуллас, мустақилликнинг дастлабки босқичларидаёқ И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган давлат ва жамият қурилиши ҳамда бошқарув стратегияси, илгор гояларга таянилди. «Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-хуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг катъий позициясидир»,<sup>6</sup> деганда Президентнинг айнан илгор гоялардан келиб чиққани сезилади.

Ҳокимиятнинг Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенташи шаклида ўз аксини топган вакиллик органлари институтининг ривожи ҳам давлат бошқаруви тизими тараққиётида демократлашувнинг узвийлик қўришиларидан бири ҳисобланади. Шулардан биринчиси, яъни Олий Мажлис, ҳатто, ўз номланишига кўра, тарихий узоқ даврларга бориб тақалувчи миллий-анъанавий қурилмалар моҳиятига мос келади Конституцияга кўра, Олий Мажлис қонун яратувчи ва қабул қилувчи ягона давлат органи ҳисобланади. Унда депутатларга, мамлакат Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужалик суди, Республика Баш прокурори ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти Олий органига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилган.

<sup>6</sup> Правовое государство - независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т. IV.-Т., Адолат, 1994. с.128-175.

Президентлик ва вакиллик ҳокимиятининг ўзаро муносабатида шу нарсага эътибор қаратиш лозимки, уларнинг биринчиси тўлалигича якка бошчилик хусусиятини сақлади. Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ҳам «Хўжмдор - бошқарув ишида, буйруқларни ҳалққа етказишида бирорни шерик қилишдан ўзини сақлаши, айниқса, бошқарувда ошночилик қилишдан тийилиши лозим»,<sup>7</sup> деб ҳисоблаган.

Ўзбекистон Конституциясининг 93-моддасида ушбу фоя «Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишига ҳақли эмас» деб баён қилинган. Шу билан бирга, «Темур тузуклари»га кўра, давлат бошлиғи ижроия ҳокимият вазифаларини ҳам ўз зиммасига олади. «Хўжмдорларнинг буйруқлари қандай бўлишидан қатъий назар, - дейилади унда, - улар амалга оширилиши лозим, хеч бир фуқаро уларнинг ижросини тўхтатиб қўя олувчи куч-қудратга эга бўлмаслиги лозим, гарчи бу фармонлар ачинарли оқибатларга олиб келадигандек кўринса ҳам»<sup>8</sup>. Ўзбекистон Конституцияси 94-моддасида ушбу қоида қонуний мустаҳкамланиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституция ва қонунларга асосланиб, уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга фармонлар, қарор ва фармойишлар чиқаради Албатта, Ўзбекистон Республикаси Президенти чиқарадиган ҳуқуқий ҳужжатлар мустақиллигимиз ва давлатчилигимизнинг энг муҳим асоси бўлган Конституция мазмунидан, ҳалқ манфаатларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Конституциясининг асосий принципларидан бири - конституция ва қонуннинг устунлиги

<sup>7</sup> Амир Темур тузуклари. –Т., «Ҳалқ мероси» нашриёти, 1992. 21-б.

<sup>8</sup> Уша манба, 17-бет.

хисобланади, унинг 15-моддаси Ўзбекистонда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинишини эътироф этса, ушбу модданинг иккинчи қисми - давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар, деб белгиланган.

Президентлик ва вакиллик олий ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар тизимида Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган қонун ва қарорлар ўз моҳияти ҳамда аҳамияти жихатидан Президент томонидан тасдиқланаидиган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиша асос ҳисобланади. Қонунларни ижро этиш, уларга риоя қилиш ва амалга ошириш жамият ижтимоий-сиёсий тизими яхлитлигини сакланила муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

Хуллас, давлат бошқаруви концепцияси давлат ва жамият қурилишининг тарихий-миллий, анъанавий гояларига асосланиб, унга таънади. Шубҳасиз, жаҳон маданиятининг бугунги даражаси ва шароитида фақат-тина мазкур гояларнинг ўзига хос тавсияларидан тўлиқ фойдаланишнинг имкони йўқ. Зеро, мутафаккирларимизнинг гоялари ўша даврдаги феодал давлатга боғланган ҳамда ўз мазмун-моҳиятига кўра ҳокимиятнинг адолатлилигига. ҳукмдор ва давлат хизматчиларининг маърифатпарварлигига қаратилган эди. Ўзбекистонда демократик хуқуқий давлат ва футқаролик жамиятни қуриш, унинг бошқарувини шакллантириш ҳамда давлат хизматини ташкил этиш замонавий давлат, жамият қуриш манфаатларига мосдир. Мустақил Ўзбекистоннинг ўз давлатчилиги ва давлат бошқарув тизимининг шаклланиши учун замин бўлган Конституцияси халқимизнинг маънавий, маданий мероси, миллий тафаккури. қадриятлари, кўп асрлик давлатчилиги тажрибаси ҳамда хуқуқий анъаналарини ўзида тўла акс эттирган. Шу билан

бирга, замонавий жамиятнинг ўзини-ўзи ташкил этиш тизимида мос тарзда бошқарув тизими ҳам ривожланиб бориши ҳисобга олинган.

Бу ўринда, бевосита бошқарув феноменининг мазмун-моҳияти, хусусиятлари ҳақида мавжуд ёндашувлар ва қарашлар изохига тўхталиш зарур.

Маълумки, бошқарув мураккаб тизимларнинг (биологик, социал, техник ва ҳ.к) муҳим элементи ва функцияси бўлиб, унбу тизимларнинг тузилишини саклашта, унинг фаолияти режимини кўллаб-қувватлашга, фаолият мақсадини амалга оширишга хизмат қилади. Шу маънода, бошқарувнинг умумий қонуниятлари кибернетика фани томонидан ўрганилган ва ўрганилмоқда. Бошқарувнинг хусусий жиҳатлари эса бошқа фанлар томонидан тадқиқ қилинади.<sup>9</sup>

Умумий маънода бошқарув фани бошқарув фаолиятини амалга оширишга оид билимларни яратади, тизимлаштиради ва тарқатади. Шу маънода у чегаравий фан бўлиб, иқтисод, менежмент, социология, психология, кибернетика, информатика элементларини ўзида қамраб олган. Бошқарув технологиялари ва услублари бошқарув фани предмети бўлиб хизмат қилади.

Бошқарув ҳар қандай жамоага, ташкилот, ҳудуд, соҳа, хуллас, инсонлар билан боғлик бирлашмаларга хосдир. Чунки инсон бор жойда ўзаро мулоқот ва фаолият натижаларини айирбошлашга эҳтиёж сезилади. Шунинг учун бошқарув объекти ниҳоятда қенгdir. Булар - иқтисод соҳалари, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги ёки транспорт тизими; ҳудудий бирликлар (вилоят, туман, шаҳар); ишлаб чиқариш жабҳалари (таксимот муносабатлари, маҳсулот сотиш ва ҳ.к.) ва бошқалар бўлиши мумкин.

<sup>9</sup> Теория управления. Учебник. Изд. 2-е/ Под общ. ред. А.Л. Гапоненко, А.П.Панкрухина. —М., Изд-во РАГС, 2005, с.18

**Бошқарув субъекти бўлиб турли шахслар ва уларнинг бирликлари (директор, ректор, шаҳар ҳокими, бўлим бошлиги ва ҳ.к.), яъни бошқарув объектига таъсир ўтказувчилар бўлиши мумкин.**

Бошқарув социологиясида бошқарувга қўйидагича таъриф берилади: **Бошқарув - ташкилот маҳсус органининг функцияси бўлиб, энг кам воситалар (вакт, куч, заҳиралар) сарфлаган ҳолда энг юқори натижага эришиш бўйича аниқ ташкил этилган фаолиятдир.**<sup>10</sup>

Шу ўринда бошқарув моделлари ҳақида ҳам тўхталишга тўғри келади. Тарихан шундай ҳолат вужудга келдики, XX аср давомида бошқарув амалиёти, хусусан менежмент ўз тараққиётининг бир қанча босқичларини босиб ўтди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Бошқарув моделлари

Автократик	Иктисодий	Янги
Ҳокимият	Иктисодий мажбурулаш	Ижодий иштирок
Обрў, кўрсатма	Моддий рағбатлантириш	Коллективизм, маънавий рағбатлантириш
Шахсий тобелик	Мотивация	Тарафдорлик
Тейлоризм	Иктисодий рағбатлар	Иқтисодий ва маънавий рағбатлар
Ижрочилик	Ташаббускорлик	Ялпи ижод

XX аср бошларига келиб, автократик бошқарув модели кенг тарқалди. Бу модель раҳбар ҳокимиятига, унинг тўғридан-тўғри кўрсатмаларига асосланар эди. Бунда ҳар бир ходимнинг ўз бошлигига шахсан бўйсуниши устувор бўлиб, ижрочилик юксак қадрланган.

<sup>10</sup> Холбеков А., Идиров У. Социология (изоҳли луғат-маълумотнома). —Т., Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашириёти, 1999, 24-бет

Ўтган асрнинг ўрталаридан автократик бошқарув ўрнига иқтисодий тизим кириб келди. Бу тизим ҳокимиятга эмас, иқтисодий мажбурлашга, обрў ва кўрсатмага эмас, моддий рағбатлантиришга, шахсий тобеликка эмас, балки мотивацияга таянар эди. Бу тизим ҳар бир ходимнинг оддий ижрочилиги билан эмас, балки энг фаол ходимларнинг ташаббуси билан ажралиб турад эди.

XX асрнинг 60-йиллари ўрталарига келиб, ривожланган мамлакатлар бошқарув амалиётида бошқарувнинг на автократик, на иқтисодий моделлари ташкилотлар, муассаса ҳамда фирмаларнинг муваффакиятига хизмат қила олмай қолди. Бошқарувнинг кайси турларини қўллашдан қатъий назар, фирмалар рақо-батда ютқаза бошлади. Ўтган асрнинг сўнғиги ўн йиллигида бошқарувнинг барча мавжуд моделлари ўз кучини йўқотиб, натижада унинг ўрнини бошқарувнинг янги модели эгаллай бошлади. Бу модель ижодий иштирок, иқтисодий ва маънавий рағбатларни ўзаро уйғунлаштириш, колективизм, ўз ишига ҳамда ташкилотга садоқат каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган эди. Бунда ишига фидойи инсонлар бирлиги олдинги ўринга чиқди. Бу ҳолатни яхши шаклланган футбол командасиiga ўхшатиш мумкин. Бундай бошқарув тизимида бир пайтлар ўзининг “ялпи футбол” усули билан дунёга донг таратган Голландия терма командаси мисол бўлади. Зеро, бошқарувнинг янги модели хар бир кишининг бутун кучи ва заковатини ташкилот фаолиятига йўналтиришга асосланган эди.

Маълумки, жамиятнинг ўтиш давридаги асосий социал эҳтиёжларидан бири - ташкил этиш ва бошқарув тизимини такомиллаштиришdir. Аслида, бошқарув функцияси инсон ҳаётининг барча соҳаларида объектив жараёнлар натижасида ошиб боради. Бозор муно-

сабатларига ўтиш жараёнида у янада кучайиб, уни ташкил этиш янада мураккаблашади.

Инсонлар ўртасидаги ҳодиса ва жараёнлар, алоқалар социал фаолият кўриниши сифатида **социал бошқарувнинг аҳамиятини** янада оширади Социал жараёнларни ўрганиш ва уларни тизимли равишда бошқариш орқалигина жамиятнинг социал эҳтиёжлари қондирилади. Социал жараёнларни бошқаришнинг аниқ стратегияси жамият ривожининг иқтисодий ва социал вазифаларини муваффакиятли ҳал этиш имконини беради. Шу маънода, барча ривожланган мамлакатларда социал бошқарув муаммоларига катта аҳамият берилади.<sup>11</sup>

**Собиқ шўролар даврида маъмурий-буйруқбозлиқ тизими мавжуд бўлганлиги туфайли бошқарув муаммоларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиши етарлича эътибор берилмади. Энг ачинарлиси, бошқарувнинг ҳам обьекти, ҳам субъекти бўлган инсон бутун бошқарув тизими нинг марказида бўлиши зарурлиги эътиборга олинмади.**

Мустақиллик туфайли инсоннинг жамиятдаги ўрни, бошқарув тизимидағи мавқеи тубдан ўзгарди. Биз эндиликда бошқарув ўзига хос социал жараён эканлигини, одамларнинг тафаккур тарзи, характеристи, мижози ёки маълумот даражасини ҳисобга олиш бошқарувни барча даражаларда самарали таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини англаб етмоқдамиз. Одамларни бошқариш, аввало, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги туфайли мураккаб вазифа ҳисобланади. Бу ўринда инсонларнинг хатти-ҳарарати, хулқ-атвори қонуниятларини чуқур ўрганиш ва билиш талаб этилади. Инсон, унинг ижтимоий табиати, шахс ва социал муҳит муносабатлари, одамнинг

<sup>11</sup> Социальный менеджмент. Учебник для вузов/С.Д.Ильинкова, В.Н. Журавлева, А.Л.Козлова и др.: Под ред. С.Д. Ильинковой. -М., Банки и биржа, 1998, с.4



социал жараёндаги ўрнини бирор-бир лабораторияда аниқ ўрганиб бўлмайди.

Бошқарилувчи объектга, бир томондан, ривожла-нишни, иккинчи томондан мувозанатни таъминлаган ҳолда мақсадли таъсир кўрсатиш хусусиятларини ўрга-ниш замонавий ҳаётнинг кундалик эҳтиёжига айлан-моқда. Шунинг учун амалий билимлар тизимиға **соци-ал менежмент** фани киритилмоқда. Биз унинг тарихи-га қисқача тўхталиб ўтамиз.

Социал менежмент асосчиларидан бири А.Файоль “маъмурият назарияси”ни яратган эди. Агар Ф.Тэйлор ҳамда Г.Эмерсон бошқарув муаммоларини цех ва кор-хонага нисбатан таҳлил қилган бўлса, А.Файоль асо-сий эътиборни олий даражадаги бошқарувга қаратади. У асослаб берган бошқарув принциплари, нафақат, иқтисодда, балки ҳукумат фаолиятида ҳам, ҳарбий соҳада ҳам, савдода ҳам қўлланиши назарда тутилган, яъни улар универсал хусусиятга эгадир.<sup>12</sup>

А.Файоль бошқарув тизимиға оид бешта универсал элементларни асослаб берган, бу ҳар қандай ташки-лотга хос: 1) режалаштириш; 2) ташкил этиш; 3) раҳ-барият; 4) координация; 5) назорат.<sup>13</sup>

Бошқарув соҳасида машҳур япон мутахассиси М.Ога-ва бошқарув назариясининг асосий концептуал ёнда-шувларини дунёдаги йирик фирма ва корпорациялар-нинг бошқарув фаолияти амалиёти билан умумлашти-ришга ҳаракат қилади. Шу асосда М.Огава марказда менеджер-маъмуриятчи эмас, балки менеджер-етак-чи турган бошқарув тизими кўпроқ самарага эга бўла-ди, деган фикрга келган. Унинг фикрича, бундай раҳ-бар кучли “социал ақл”га ва демократик бошқарув

<sup>12</sup> Социология. Энциклопедия / Сост. А.А.Гриценов, В.Л.Абушенко, Ф.М.Евелькин, Г.Н.Соколова, О.В. Тарасенко. –Мн., Книжный дом, 2003, с. 1074.

<sup>13</sup> Қаранг: ўша манба.

кўйникмаларига эга бўлади. М.Огава “Амалий менежмент” китобида (1990 й.) раҳбарнинг, яъни етакчининг фаолият тамойилларини қўйидагича ифодалайди:<sup>13</sup>

1) мақсадни тушунтириш ва концепцияни (стратегияни) олға суриш;

2) концепцияни амалга ошириш бўйича асосий йўналишни ишлаб чиқиши;

3) танланган йўналишни (курсни) қўл остидагиларга мунтазам равишда ўргатиш;

4) аниқ мақсадни илгари суриш ва қўл остидагилар билан ҳамфикрлиликни мустаҳкамлаш (аҳил жамоани яратиш);

5) умумий ғояларни мужассамлаштирган режа ишлаб чиқиши (қўл остидагиларга таянган ҳолда);

6) режани қатъий тарзда фаол амалга ошириш (қўл остидагиларга таянган ҳолда).<sup>15</sup>

Шундай қилиб, М.Огава тактиф этган бошқарув моделига кўра, менеджер-етакчининг қобилиятини қўл остидаги одамлар гуруҳи учун умумий мақсад ва вазифалар қўя олиш, гуруҳни уни амалга оширишга сафарбар этиш, одамларда мақсадга эришиш ишончни шакллантириш, бунда уларнинг фикрини ҳисобга олиш, қолаверса, вазият талабларидан келиб чиқиб, бу фикрларни ўзгартира олиш, яъни одамларнинг интилишларини натижалар билан боғлай олишига қараб баҳолаш мумкин.

Бошқарув социологияси мутахассисларининг фикрига кўра, ташкилотлар ҳам миллатлар каби ўз маданиятига эга.

Бошқарув маданияти ташкилот маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. У қадриятлар мажмуасини, яъни бошқарилаётган корхона, муассасаса ёки ташки-

<sup>14</sup> Социология. Энциклопедия / Сост. А.А.Гриценов, В.Л.Абушенко, Ф.М.Евелькин, Г.Н.Соколова, О.В. Тарасенко. —Мн., Книжный дом, 2003, 1075-бет.

<sup>15</sup> Уша манба.

лот аъзолари риоя этадиган хулқ-атвор ва хатти-ҳаралатлар намуналари, кайфият, рамзларни қамраб олади. Бугунги кунда япон компаниялари энг ривожланган корпоратив маданиятга эга эканлиги таъкидланади. Хусусан, дунёга машҳур “Тойота” компаниясида маъмурият ва корхона ишчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосига “Бешикдан қабргача Тойота билан” концепцияси қўйилган. Унинг хусусиятлари: а) “бир умрга ёлланиш”; б) турар-жой билан таъминлаш, яъни бўйдоқ ишчиларга ётоқхона беришдан тортиб ёш келин-куёвларга уй бериш, болали оиласаларга компанияда ишлаб чиқарилган йигма уйларни сотиш; в) уй-жойлар сотиб олиш учун кредитлар ажратиш, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан арzon нархда таъминлаш; г) имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш; д) бўш вақтни мазмунли ташкил этиш (мусиқа тўграклари, спорт секциялари, туризм ва ҳ.к.).

Албатта, бу каби тадбирлар малакали ишчи ва хизматчиларни компанияга мустаҳкам bogлашта хизмат қиласди. Шу сабабли “Тойота” компанияси раҳбарлик сиёсатининг қоидаси қўйидагича: “Бошқарувнинг энг муҳим муаммоси - одамлар билан муносабатлар муаммосидир. Одамлар, маҳсулот ва пул - бизнеснинг энг асосий элементлари, лекин одамлар - энг муҳими. Нафакат бошқарув, балки бизнеснинг ҳар қандай жиҳати одамлар жамоасидаги ўзаро яхши муносабатларга боғлиқдир.”<sup>16</sup>

Бошқарув социологиясида бошқарувнинг тузилиши ва функцияларига устувор даражада аҳамият берилади. Шунинг учун маънода бошқарув фаолияти вазифалари ва унинг тузилмаси, асосий компонентларига (элементларига) тўхталиб ўтиш зарур. Булар қўйидагилар:

<sup>16</sup> Социология. Энциклопедия / Сост. А.А.Грицанов, В.Л.Абушенко, Ф.М.Евелькин, Г.Н.Соколова, О.В. Тарасенко. –Мн., Книжный дом, 2003, с.1076.

- 1) ташкилотнинг асосий мақсади ёки “мақсадлар дарахти”ни аниклаш, унга эришиш учун ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда ташкилотнинг фаолияти ва ривожланиши концепциясини шакллантириш;
- 2) корпоратив маданиятни шакллантириш, яъни персонални ташкилотнинг умумий мақсади (мақсадлари) йўлида бирлаштириш, бошқача айтганда, ходимларни ташкilot мақсади учун жисплаштириш ва унга эришиш учун самарали фаолиятга йўллаш;
- 3) ташкilot мақсадига эришишда персонални мотивациялаш;
- 4) ташкilotда ташкилий тартибни шакллантириш, яъни барқарор, узоқ муддатли иерархик (погонали) алоқалар, стандартлар, меъёр ва лавозимлар тизими ни вужудга келтириш. Бу тизим, асосан, ҳужжат шаклида расмийлаштирилади (масалан, ташкilot низоми);
- 5) Ўзгаришлар технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, зеро бошқарув қатъий ўзгаришларга қоби-лиятлилик, уларнинг зарурлигини англаш билан бел-гиланади;
- 6) бошқарув диагностикасини аниқ белгилаш - энг кўп ва энг кам бошқарувчанлик нуқталарини, шунингдек, бошқаришга зид нуқталарни аниклаш. Бундай ҳолатлар ҳар бир ташкilotда юз бериши мумкин. Бошқарув диагностикасини аниклаш, бир томондан, бошқарув миқёси, бошқа томондан бошқарув услугуб ва воситалари ўртасида юз берадиган зиддиятнинг олдини олиш имконини беради. Амалиётда “Цех директори” ибораси машҳур. Бунга кўра, бир цех бошлиги хизмат погоналари бўйлаб кўтарилиб, заводни, шаҳар, ҳатто, вилоятни цехни бошқаргандек бошқаришга ҳаракат қиласди. Бундай ҳолатда бош-

қарув обьектида, нафақат, заиф бошқарув зоналари, балки бошқарилмаслик нүкталари ҳам вужудга келадики, бу тизимни самарали бошқариш миқёсими (диапозонини) торайтириб құяды;

- 7) бошқарув қарорини амалға ошириш бүйіча тасавурға эта бўлип. Бунда бошқарув қарорларининг амалға ошишини ҳисоблаб кўриш муҳим;
- 8) қабул қилинган қарорлар бажарилишини назорат килип тизимини ишлаб чиқиш Бунда қарорни амалға оширишнинг рағбатлари аниқланади, шунингдек, уларни бажаришни хоҳламаётган шахслар, гуруҳ ва ташкилотларга нисбатан чоралар (санкциялар) ишлаб чиқилади.<sup>17</sup>

Маълумки, XIX ва XX асрлар чорраҳасида жаҳон иқтисодиётида етакчилик мавқеи, асосан, техникадаги илғорликка боғлиқ бўлган эди. Бу даврда Германия бир қанча фан йўналишлари, хусусан, кимё. физика ва бошқа соҳалардаги янгиликлар, уларни амалиётта жорий қилиш натижасида етакчиликка эришган эди.

XX аср бошида эса жаҳон иқтисодиётида АҚШ биринчиликка эришди. Бу, айниқса, автомобилсозлик, агротехника, авиация соҳасида, ўтган аср иккинчи ярмида эса компьютер техникаси ва телекоммуникация воситалари соҳаларида кўзга аниқ ташланди.

Лекин иқтисодий жиҳатдан кучли мамлакатлардан бири Япония фан-техниканинг бирор соҳасида етакчи бўлмаган, радиоэлектроника соҳасидаги муваффақиятларни ҳисобга олмагандა (масалан, бутун дунёга машҳур “Панасоник” корпорацияси), бирор-бир ишлаб чиқариш соҳасида ҳал қилувчи устунликка эришмаган. Япония улкан ютуқларга биргина фаолият соҳаси, яъни бошқарув соҳасидаги янгиликлари эвазига эришди. Япон

<sup>17</sup> Социология. Энциклопедия / Сост. А.А.Гриценов, В.Л.Абушенко, Ф.М.Евелькин, Г.Н.Соколова, О.В. Тарасенко. – Мн., Книжный дом, 2003, с.1076-1077.

менеджерлари бошқарув фаолиятидаги энг муҳим омил - кадрларга, одамларга муваффакиятнинг бош захираси сифатида муносабатда бўлиш зарурлигини ҳаммадан тез ва яхши тушуниб етди. Айнан шу нарса энг муҳим капитал эканлигини, уни қадрлаш зарурлигини исботлади. Японлар, бошқарув назариясини амалда жорий этиш билан узвий тарзда боғлай олди.

Хуллас, ўтиш даврида жамиятимиз сиёсий ҳаёти-нинг кейинги тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бошқарув тизимини ислоҳ этиш анъаналари ўзининг муҳим босқичини бошдан кечирмоқда. Бунда амалга оширилаётган давлат хизмати ислоҳоти туб ўзгаришларни таъминлаб бериши табиийдир.

## **Такрорлаш ва мустақил ишлаш учун мавзулар:**

1. Ўзбекистонда жамият ижтимоий таркибида юз берётган ўзгаришлар.
2. Худудларнинг ижтимоий таркиби хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш масалалари.
3. Ўз худудининг ижтимоий портретини аниқлаш ва билишда раҳбарнинг масъулияти.
4. Бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳудудларнинг ижтимоий-мулкий табақалашуви, ижтимоий-этник, ижтимоий-профессионал, ижтимоий-территориал хусусиятларини ўрганиш муаммолари.

## **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни де-

- мократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этицидир. –Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Абдураҳмонов Ф.Р. Мустақиллик ва миллий манбаатлар. –Т., Ўзбекистон, 1994.
  4. Атамирзаев О., Каюмов А. Народонаселение Узбекистана: демографическая ситуация, политика, экология // Экономика и статистика, 1996, № 5.
  5. Исҳаков Ф. Население Узбекистана: проблема миграции. // Диалог, 1991, № 7.
  6. Каххаров А.Г. Некоторые социологические аспекты региональных экономических проблем. // Социологические исследования, 1993, №6.
  7. Ортиков Т.О. О правовом статусе общественных объединений // Общественные науки в Узбекистане, 1993, №2.

### **Амалий машгулот режаси**

1. Бошқарувнинг социологик концепциялари
2. Жамиятнинг ижтимоий-таркибий тузилиши.
3. Раҳбар ва жамоа.
4. Аҳоли миграцияси.
5. Ижтимоий-этник бирликлар.

## **2-мавзу. Давлат хизмати институти. Рахбарлик фаолиятини такомиллаштириш муаммолари**

Давлат хизмати ҳақида гапирганда, унинг давлатни мустаҳкамловчи, давлат ҳокимиятини замонавийлаштирувчи ҳамда давлат бошқаруви даражасини оширувчанлик ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Айнан давлат хизмати ҳолати муайян давлатнинг нафақат ўз фуқаролари томонидан ҳурмат қилинишини, балки дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва обрўсини ҳам кўп жиҳатдан белгилайди.

Давлат хизмати давлат бошқарувининг муҳим институти ҳисобланади. “Давлат хизмати” тушунчаси “давлат бошқаруви аппарати”, “ижро ҳокимияти аппарати”, “давлат бюрократияси”, “раҳбар кадрлар” ибораларига тенг ҳолда ишлатилади.<sup>1</sup>

“Институт” тушунчаси юридик ва сиёсий фанларда, қолаверса, бошқарув социологиясида анчадан бери ишлатилиб келинади. Хусусан, юристлар “институт”ни муайян соҳага оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва ички бирлика эга ҳукуқий меъёрлар йиғиндиси, деб ҳисоблашади.<sup>2</sup> Сиёсий фан вакиллари эса, уни, нафақат, бошқарув воситаси сифатида, балки бошқарувчилар ва уларнинг қўл остидагилар, жамиятнинг юқори ҳамда қути қатламлари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларнинг тартибланган механизми сифатида талқин этади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Комаровский В.С. Государственная служба и СМИ (курс лекций). -Воронеж, Изд-во им. Е.А.Болховитинова, 2003, с.7.

<sup>2</sup> Старилов Ю.Н. Институт государственной службы: содержание и структура // Государство и право, 1996, №5, с.14.

<sup>3</sup> Политические институты на рубеже тысячелетий. Отв. ред.. К.Г. Холодовский. - Дубна, 2001, с. 4-5.

*Социологлар фикрича, социал институтлар ичидә энг асосийси - сиёсий институтлардир, сиёсий институтларнинг энг муҳими - бошқарув институтларидир<sup>4</sup>*

Хуллас, давлат бошқаруви учун муҳими амалда мавжуд бўлган тузилмалар, институтлар ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиш тамойилларидир. Бошқача айтганда, институт - давлат бошқарувини таъминлайдиган, унинг мақсад-вазифалари ҳамда давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайдиган давлат хизмати воситасидир. *Давлат институти* - давлат тузилмасининг маълум “автономия”га эга қисмидир. Масалан, *хукумат институти* ўз фаолият соҳасига эга. Шу билан бирга, давлат институти муайян тарзда маълум алоқа ва муносабатларнинг услуби ҳисобланади. Бу муносабатларнинг “моддий субстрати”, яъни реал асоси давлат бошқаруви аппарати ҳисобланади. *Давлат бошқаруви аппарати*, бир томондан, барча давлат органларининг, шу жумладан, давлат раҳбари, парламент, куролли кучлар, дипломатик муассасаларнинг мажмуини ташкил этса, иккинчи томондан, бошқарув аппаратини, яъни раҳбар кадрлар, уларни бошқарувчи олий ижро органларини ифодалайди.<sup>5</sup>

Шу ўринда муҳим масала - давлат бошқаруви институтларини тавсифлашга ҳам тўхталиш зарур. Бу ҳам бўлса, россиялик олим В.С.Комаровский ҳокимиётнинг учламчи бўлинишини эмас, балки тўртламчи бўлиниши концепциясини илгари суради. Унинг фикрича, ҳокимиётнинг қонун чиқарувчи, ижро, суд ва назорат турлари амал қиласди. Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимиёт институтлари - парламент, референ-

<sup>4</sup> Зборовский Г.Е., Костина Н.Б. Социология управления. Учебное пособие. -М., Гардарики, 2004, с.157.

<sup>5</sup> Чиркин В.Е. Основы сравнительного государствоведения. -М., 1997, с. 97-99.

дум, вакилли қонунчиллик институти; ижро ҳокимияти институтлари - президент, ҳукумат, давлат бошқаруви аппарати; суд ҳокимияти институтлари - оддий, хўжалик, махсус судлар; назорат ҳокимияти институтлари - конституцион назорат, омбудсман, прокуратура аудит институти ва ҳ.к. дан иборат.<sup>6</sup>

Давлат бошқаруви моҳияти тўғрисида ҳам турлича фикрлар мавжуд. Хусусан, россиялик ҳуқуқшунос Г.В.Малъцев давлат хизматини “давлат органлари ваколатларини ижро этишни таъминлаш бўйича касбий фаолият” деб баҳолайди.<sup>7</sup> Баъзи олимлар фикрича, давлат хизмати - давлат муассасалари, ташкилотларида мансабга эга бўлган ва давлатдан ўз меҳнати учун ҳақ оладиган, давлат функцияларини бажаришдан иборат меҳнат фаолиятидир.<sup>8</sup>

Ҳуқуқшунос олим Г.В. Атаманчук давлат хизмати бўйича турли ёндашувларни таҳлил этиб, унинг моделларини курсатиб ўтади. Уларнинг асосийлари:<sup>9</sup>

- меҳнат модели - давлат хизмати меҳнат фаолиятининг аниқ туридир;
- “сервис” модели - давлат хизмати замонавий давлат томонидан жамиятга ўзига хос хизмат кўрсатиш тизимиdir;
- сиёсий модель - давлат хизмати сиёсий раҳбарларни маъмурий қўллаб-қувватлаш ва улар сиёсатини ҳаётга жорий этиш воситасидир;
- либерал-бозор модели - давлат хизмати капитал, товаr, хизматлар, меҳнат каби бозор муносабатлари элементидир;

<sup>6</sup> Комаровский В.С. Государственная служба и СМИ (курс лекций).-Воронеж, Издво им. Е А.Болховитинова, 2003, с.9.

<sup>7</sup> Малъцев Г.В. Служба государственная. Политическая энциклопедия. В двух томах. -М., 1999, с. 412-413.

<sup>8</sup> Государственная служба (комплексный подход). Учебное пособие. -М., 1999, с.10.

<sup>9</sup> Атаманчук Г.В. О реформировании государственной службы // Государственная служба России: проблемы становления и развития. — М., 2001, с. 42-44.

- давлат-маъмурий модели - давлат хизмати оммавий ижтимоий-хуқуқий институт бўлиб, давлат замонавий жамият фаолиятида кўп қиррали ўринга эга. Шу маънода давлат ҳокимиятининг барча кўринишлари хуқуқий доирада бўлади, бунда давлат (барчанинг бирлиги сифатида) ва маъмуриятчилик (давлат бошқаруви сифатида) бирлашади.<sup>10</sup>

Кўриниб турибдики, ҳозирги даврда давлат-маъмурий модели мақбул, бундай ҳолда у ҳуқуқий, ташкилий ва социал институт сифатида яхлитлик қасб этади. Умуман олганда, давлат бошқаруви давлат хизмати мазмунини ташкил этади. Давлат хизмати эса давлат манфаатларини амалга оширади, қонуний мажбурлашни юзага келтиради.

Бошқарув ҳақида гап кетар экан, “**бюрократия**” тушунчаси ҳақида сўз юритмасликнинг иложи йўқ. Давлат хизмати, шунингдек, раҳбарлик фаолиятини такомиллаштириш масалалари бюрократия ҳодисаси билан боғлиқ. Бу бошқарув ва амалдорлар ўртасидаги алоқага дахлдор масаладир. Оммавий маъмурий фаолият – давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилидир. Давлат хизмати ҳокимият ва бошқарувнинг муҳим институти сифатида бюрократия билан боғланиб кетади.

Машхур немис социологи, файласуф ва тарихчи Макс Вебер (1864-1920) “Хўжалик ва жамият” (1922 й.) асарида замонавий ташкилотнинг асоси сифатида рационал (оқилона) бюрократия концепциясини ишлаб чиқкан эди. Унинг фикрича, рационал бюрократия тарихан ўз умрини яшаб бўлган патриархал ташкилот ўрнига келган бўлиб, унга юқори малакага эталик, ҳис-

<sup>10</sup> Атаманчук Г.В. О реформировании государственной службы // Государственная служба России: проблемы становления и развития. — М., 2001, с. 42-44.

сиётга берилмаслик, қонунни аниқ бажариш, тартибилик ва анъаналарнинг бир хиллиги хосдир.<sup>11</sup>

М.Вебер фикрича, бюрократик ташкилот – замонавий жамиятда бошқарувнинг мураккаб вазифалари ни ҳал этиш ва амалга ошириш йўлидаги энг оқилона (рационал) институционал мосламадир. Бюрократия – сиёсий раҳбарга тўлалигича бўйсундирилган бошқарув қуроли. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, “бюрократия” атамаси “давлат хизмати” атамасига тенг, шунга қарамай улардан биринчиси расмий истеъмолдан чиқиб кетмоқда. Давлат хизмати амалда қонунни механик тарзда ижро этиш ва қўллаш доирасидан чиқиши билан у “кратияга”, яъни бюрократияга, администраторияга, маъмурий ҳокимиятга айланади – қолади. Айнан шу сифати билан у жамиятни қизиқтиради.<sup>12</sup>

Демак, давлат хизмати бюрократиясиз бўлиши мумкин эмас.“Бизни ким бошқаради: ҳалқ ишончига сазовор бўлган одамларми ёки ким сайламаган ва легитимликка эга бўлмаган амалдорми?” - деган савол мунозарали бўлиб қолаверади. Хуллас, бюрократик ҳокимият манбалари масаласига тўхталиш лозим.

Бу ўринда бошқарувчиларнинг давлат бошқаруви жараёнидаги стратегик вазиятига эътибор бериш зарур. Давлат хизматчиларининг қандай реал ҳокимиятга эга эканликларини АҚШ мисолида кўриш мумкин. Хусусан, АҚШ конгресси қонун ижодкорлиги соҳасидаги ваколатларининг бир қисмини бошқарув тузилмалари – вазирлик ва маҳкамаларга ўтказади, чунки улар бу борада муайян билим ва тажрибага эгадир. Одатда, қонунларни Америка қонуншунослари қабул

<sup>11</sup> Вебер М. Политика как призвание и профессия // Вебер М. Избранные произведения. – М., 1990, с. 644-706.

<sup>12</sup> Комаровский В.С. Государственная служба и СМИ (курс лекций). – Воронеж, Изд-во им. Е.А.Болховитинова, 2003, с. 28-29.

қилади, Президент эса умумий кўринишда имзо чекади. Шунинг учун ҳам қонун ҳужжатлари мавҳум бўлиб қолади. Маъмурий тузилмалар эса бундай қонунларни ишчи ҳолатга келтириш, яъни ноаникликларни бартараф этиш, уларни қўллаш билан овора бўлади. Натижада вазирликларнинг шундай фаолияти туфайли бъязи ҳолларда қонун бошқача мазмунга эга бўлиб қолади<sup>13</sup>

Демак, бюрократия доимо ҳам бошқарув самародорлиги билан боғлиқ эмас. Аслида у бошқарув жараёнларини расмийлаштиради, маҳкамачилик, тўрачичликни кучайтиради. Жамиятнинг демократлашувига тўсик бўлаётган иллатлардан бири айнан бюрократиядир. Президент И.А.Каримов “Бошлиқ қанча кўп бўлса, адолат шунча кўп бузилади”, деб тўғри таъкидлайди. Дарҳакиқат шундай. Ҳозир айрим ташкилотлар бошқарув аппаратида ходимлар сони ҳаддан зиёд кўп, аммо зарур мутахассислар, айниқса иқтисодчилар, юристлар, психологлар кам. “Социолог” мутахассислиги бўйича давлат органлари ва жамоат ташкилотларида ишлаттганлар йўқ ҳисоби.

Бюрократиянинг сиёсий адолатта зидлиги шунда намоён бўладики, у ҳал этилмаган ижтимоий муаммоларнинг мураккаблашувига, кескинлашувига олиб келади. Зўравонлик, иш фаолиятини яхши билмаслик, мансабдорларга кўр-кўrona итоат этиш, расмиятчилик, сансалорлик, бўйруқбозлик, кўзбўямачилик каби иллатлар натижасида протекционизм, маъмуриятчилик-буйруқбозлик каби салбий ҳолатлар вужудга келади. Бюрократизмни ифодаловчи бундай салбий кўринишлар авж отмаслиги учун ошкоралик мухити, демократия, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш зарур.

<sup>13</sup> Фрітчер А.-Л., Россе Б.-Х. Как работает Вашингтон. -М., 1995, с. 116-123.

Кўпгина сиёсатшунослар, хусусан, Поппер, Джилас, Михельс бюрократияни хукмрон синф деб талқин этишган.<sup>14</sup> Конун-қоидалар бюрократия учун эмас, одамлар учун бўлиши муаммоси ҳанузгача ҳал бўлган эмас. Таниш-билишчилик, қариндош-уругчиликка ишониш, имтиёзларга эга гурухларнинг бошқалар ҳисобига бойиши бюрократия учун айни муддаодир. Баъзи мутахассислар сиёсий ва ижтимоий адолатни амалга оширишни бюрократизмни жиловлаш билан боғлайди. Жамият сиёсий тизимини шундай ташкил этиш керакки, унда бюрократияни демократлаштириш воситасида жамиятнинг барча соҳаларидан сиқиб чиқариш мумкин бўлсин.<sup>15</sup>

Бошқарув хокимияти соҳасидаги мавжуд муносабатлар сабабли моддий неъматларни мансаб ёрдамида эгаллаб олиш хавфи бор. Асосий хавф шундаки, бюрократия бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасидаги сиёсий ўзаро ҳаракат механизмини “давлатлаштиради”. Бу жамоат ташкилотларининг аҳамиятини долзарб қилиб қўяди. Афсуски, мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари, хусусан, қасба уюшмалари фуқароларнинг ҳуқуқини ҳамма вақт ҳам дадил туриб ҳимоя қила олмайди.

Маълумки, ҳар бир ижтимоий ҳодиса муайян гурухлар фаолияти билан боғлиқ. Чунки ижтимоий гуруҳ ўзида бетакрор турмуш тарзини мужассамлаштиради. Бюрократия ижтимоий ҳодиса сифатида ўзида нафақат бюрократия қатламини, балки турмуш тарзи, яъни бюрократизм – тўрачиликни ҳам мужассамлаштиради.

<sup>14</sup> Ноттурно М. Открытое общество и его враги: сообщество, авторитет и бюрократия //Вопросы философии, 1997, № 11, с. 101.

<sup>15</sup> Барабашева Н.С., Венгеров А.Б. Право и распределение. – М., Изд-во МГУ, 1988, с.9.

Албатта, бюрократия аниқ сиёсий күчга ҳам эга. Биринчидан, сиёсий қарор қабул қилиш жараёнида у ахборотнинг бош манбаи бўлиб, маслаҳатчилик ролини бажаради. Зоро, қарор мавжуд ахборот асосида қабул қилинади, давлат хизматчилари эса ахборот оқимини самарали назорат қила олади. Сиёсатчилар эса ўз ходимлари хабар килган нарсаларнигина билади. Ахборот эса хизматчилар фаолиятига боғлиқ тарзда кечикиши ёки қайта ишланиши мумкин. Ахборотни назорат қилиш, унинг ҳаққонийлигини аниқлаш – давлат хизмати ҳокимиятининг бош манбаидир.

Хуллас, сиёсат ва бошқарув, сиёсатчилар ва бошқарувчилар, сиёсий ва маъмурий элиталар ўртасида мураккаб муносабат мавжуд бўлиб, бу соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада С.Эйзенштадтнинг модернизация назарияси (1963 й.) машҳур бўлиб, унда муаллиф анъанавий, ўтиш даври ва замонавий жамият шароитидаги “сиёсатчилар”, “бюрократлар” ўзаро муносабатларининг учта гурӯҳини тавсифлайди:<sup>16</sup>

1)анъанавий модель – “хукуматга йўналтирилган бюрократ” – мансабдорнинг сиёсий ҳокимият олдидағи хуқуқсизлиги, хизмат поғонаси бўйлаб кўтарилиш кафолатининг йўқлиги билан ажралиб туради. Бунда мансабдор хукмдорлар ва давлатнинг шахсий хизматкорлари даражасида бўлади, давлат хизмати эса сиёсат билан тўлик қўшилиб кетади;

2)транзитор модель – “ўзига йўналтирилган бюрократия” – мансабдорнинг сиёсий-хуқукий интизом-сизлиги билан характерланади, бунда мансабдор авторитар давлат назоратидан чиқсан, аммо хали демократик давлат ва фуқаролик жамияти томонидан назоратга олинмаган бўлади, юқори мансабдор шахслар ўз шах-

<sup>16</sup> Қарант: Комаровский В.С. Государственная служба и СМИ (курс лекций). – Воронеж, Изд-во им. Е.А.Болховитнова, 2003, с. 32-33.

сий манфаати йўлида ҳаракат қиласи, бошқарувда расмиятчилик ва хўжакўрсинчилик устувор бўлади;

З) *модернизацион модель* – “жамиятга йўналтирилган бюрократ” – давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ва социал ҳимояланганилиги, хизмат поғонаси бўйлаб ўз вақтида кўтаришилари, корпоратив рухнинг ривожланганилиги билан ажралиб туради. Бунда давлат хизматчисининг сиёсатдан нисбатан мустақиллиги унинг ҳукуматта бўйсунниши билан мутаносиблик касб этади, шунингдек “қўйи”-дан демократик назорат мавжуд бўлади.

Бюрократик ҳокимият манбалари масаласи алоҳида эътиборга молик. Мутахассислар фикрича, бундай манбалар қўйидагилар:

- мансадор шахсе ва манфаат гурухлари ўртасидағи алоқалар. Бюрократия бир томондан ҳукумат, иккинчи томондан, тадбиркорлик, касаба уюшмалари ва бошқа гурухлар ўртасида бош воситачи бўлган ҳолда ҳокимиётнинг реал воситасига эга кучли иттифоқ ёки бирлашмалар тузиш қобилиятига эга бўлади, масалани қарорлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳал қилиш имкониятига эга бўлади;

- тацкилотлар ва уларнинг бошқарув аппаратлари ўртасидаги операционал алоқалар (мансадорлар сони ва нисбати, уларнинг амалда бўлиш муддати, кундалик иши тартиби за мазмуни, тарихан шаклланган мақом, обрў ва ҳ.к.) ҳолати шундан далолат берадики, давлат хизматчилари қўлида катта ҳокимият мавжуддир;

- лоббизм, яъни обрўли мансабдор шахслар томонидан саноатчилар ва молия соҳасига оид гурухлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолатлари.<sup>17</sup>

Хулоса қилиб айтганда, бюрократиянинг кучайиши эҳтимоли бўлган ҳокимиётни назорат қилиш, давлат

<sup>17</sup> Комаровский В.С. Уша асар, 41-43 б.

хизмати ва жамият ўртасидаги мулоқотни йўлга қўйиш, умуман давлат манфаатининг корпоратив мақсад билан алманиб қолишининг олдини олиш зарурати хар доим мавжуддир.

Мутахассислар фикрича, давлат хизматчилари, умуман, бошқарувчилар ҳокимиютини назорат қилишнинг ички тури (ўз-ўзини тартибда ушлаш, қатъий касбий меъёрлар, давлат ва жамиятга хизмат қилиш ва б.) билан бирга, ташқи тури ҳам мавжуд. Бу ҳолат “эътиборли давлат хизмати” моделида ўз ифодасини топган, унинг тамойиллари қўйидагилардан иборат:

- давлат хизмати таркибини демократлаштириш, “репрезентатив” (“вакилли”) бюрократияни шакллантириш;
- бошқарувнинг “шаффофф” лигини кучайтириш, очик ахборот сиёсатини амалга ошириш, жамоатчилик билан ишлаш хизматини йўлга қўйиш;
- сиёсий-маъмурий бошқарувнинг замонавий технологияларини (анкеталаштириш, фокус гуруҳлар билан ишлаш, ижтимоий реклама, сиёсий маркетинг ва ҳ.к.) ўзлаштириш ва йўлга қўйиш;
- фуқаролик жамияти институтлари, ноҳукумат ташкилотлар, мустақил ишчи гуруҳлари ва б.

Хуллас, сиёсий ҳолислик хар қандай маданийлашган жамиятнинг зарурий меъёри бўлиб, давлат ҳокимиютининг обрўси ва қадрини кўтаришда давлат хизматчиларининг ўрни салмоқлидир.

Мутахассислар фикрича, “давлат хизмати” тушунчасининг кенг ва тор маънодаги мазмунини ажратиши лозим. Кенг маънода “давлат хизмати” тушунчаси давлат, муассаса ва ташкилотларда, яъни хусусий сектордан ташқари соҳаларда ишлаётган барча одамларни қамраб олади. Бундай ёндашувда хусусий мулк билан банд бўлмаган корхоналар, яъни мактаблар, ил-

мий муассаса, милиция ходимлари ва бошқалар давлат хизматига мансуб ҳисобланади. Тор маънода “давлат хизмати” тушунчасига фақатгина давлат ҳокимияти органлари персонали (биринчи навбатда - функционерлар) ҳамда марказий ва маҳаллий даражадаги бошқарув персонали мансубдир.<sup>18</sup>

Демак, давлат хизмати - давлат органлари ваколатларининг ижросини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган касбий фаолият тури.

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида уни, нафақат, тизимли янгилаш, балки ташкилий-техник жиҳатдан ҳам мустаҳкамлаш зарурати мавжуд. Бошқача айтганда, бошқарув тизимининг янги андозаларини ишлаб чиқиш, бошқарув меҳнатини илмий ташкил қилиши, замонавий давлат хизматчилари авлодини яратиш зарурати мавжуд.

Албатта, давлат бошқаруви аппарати ва давлат хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий жараён билан бевосита боғлиқлар. Бу соҳадаги ўзгаришлар ижтимоий сиёсат билан ҳамнафас кечиши зарур, айниқса, “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастурининг амалга оширилиши катта аҳамият касб этади.

Жамоатчилик фикрини социологик ўрганиш орқали фуқароларни бошқарув ишига жалб қилиш тамойилини самарали такомиллаштириш зарур. Жамоатчилик фикрини тўла ҳисобга олиш бошқарув фаолиятини амалга ошириш учун ҳам илмий, ҳам демократик асос яратади.<sup>19</sup>

<sup>18</sup> Государственная служба (комплексный подход). Учебное пособие.-М., Дело, 1999, с.10-11

<sup>19</sup> Бойдандаев М. Узбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. Ю.Ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. –Т., 2001, 57-62 бетлар.

Давлат бошқаруви органлари томонидан жамоатчилик фикрини ўрганиш тизимини такомиллаштириб бориш давлат ҳокимиияти органлари, давлат хизматчилири амалга ошираётган тадбирлар аҳоли томонидан қайдаражада қабул қилинаётганингини, қандай муаммолар долзарблигини, уларни ҳал қилиш йўлларининг қайбири мақбул эканлиги, фуқаролар нималарга тайёр ва нималарга тайёр эмасликларидан хабардор бўлиш имкониятини беради. Жамоатчилик фикри социологик тадқиқотлар билан бир қаторда, фуқароларнинг давлат органларига ёзма мурожаатларини ўрганиш ҳамда давлат хизматчиларининг аҳоли ва меҳнат жамоалари билан учрашувлари каби тадбирлар асосида ҳам ўрганиши мумкин. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳалари ҳақида умумлаштирилган маълумотлар тўплаш имконини беради.

Тадқиқотлар кўлами фақатгина тадқиқотларнинг жорий вазифаларини кўриб чиқиши билангина чегараланмаслиги лозим. Уларни тўплаш ва умумлаштириш, фаолият давомида улардан маълумот базаси сифатида фойдаланиш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистонда ислоҳотлар, гарчи улар босқичма-босқич ва давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати орқали олиб борилаётган бўлса-да, аҳоли айрим қатламлари турмуш даражасининг муайян пасайиши билан бирга кечмокда. Айниқса, қишлоқ жойларда бу кўзга яққол ташланади. Аҳоли ўртасида ишсизликнинг энг юқори кўрсаткичи ҳам қишлоқларга тўғри келмокда. Бунга аҳолининг муркий табақаланишининг кескинлашуви жараёнини ҳам кўшиш мумкин. Республика аҳолиси миллий-этник ёки диний мансублик белгиларига қараб эмас, балки ижтимоий аҳволига қараб табақаланади. Бу маҳаллийчилик ва уруг-аймоқчилик муаммолари мавжудлиги билан янада мураккаблашади.

Аммо бу масала бўйича социологик тадқиқотлар деярли ўтказилмаяпти. Яқин келажакда тантлик юзага келишининг сабабини кўрсатувчи харита тузиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим. Бундай ишларни амалга ошириш ахборот хизмати кўрсатишнинг ривожланган тизими бўлгандагина мумкинdir. Бундай ахволни яхшилаш учун бошқарув тизимида ахборот алмашиш тизимини тўла ислоҳ қилиш зарур. Сиёсий тизим бўйича оммабоп асарлар муаллифлари Макс Дж.Скидмор ва Маршалл Картер Триппларнинг ёзишича, ҳатто энг фаол ҳукуматнинг ҳам барча ижтимоий-сиёсий муаммолар билан тўлиқ шуғулланишга қурби етмайди, демак, ўз вақтида тўпланган маълумотлар тизими турли муаммолар қўлами ичидан бирон-бир муаммонинг устуворлигини тез аниқлаш имконини беради.<sup>20</sup>

Бошқарув аппаратининг самарали фаолиятини ташкил қилишда эксперимент усулидан ҳам кенг фойдаланиш зарур. Қайд қилиш лозимки, республикада ҳокимлик институтини жорий қилиш тарихи бунга мисолdir. 1991 йил нояброда республика Олий Кенгаши дастлаб Тошкент шаҳрида шундай институт ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. 1992 йилда республика бўйича ҳокимлик институти қонунлаштирилди. Конституция қабул қилингандан сўнг маҳаллий давлат ҳокимияти ҳақидаги қонун билан тартибга солинди.

Бошқарув амалиётидаги вазиятни баҳолаш усули ҳам самаралидир. Вазиятни баҳолаш тўғри қарор, айниқса, тезкор қарор қабул қилиш (*иловага қаранг – А.Х.*) учун қулай шароит яратади. Ўз моҳиятига кўра, бу маслаҳатлашиш усулидир.

Маълум ҳолатларда, шунингдек, ҳал қилинаётган масаланинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, «фокус -

<sup>20</sup> Скидмор М.Дж., Трипп М.К. Американская система государственного управления. (перевод с англ.). -М., СП Квадрат, 1995. с.281.

гурух» деб аталувчи усулдан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда текширув ўтказувчи мутахассислар муайян вазиятни таҳлил қилиб, мазкур муаммо хусусида келишилган фикрни натижа тарзида ишлаб чиқади.

Бошқарув аппаратининг мақсади қанчалик долзарб ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик бўлмасин, унга эришиш асосий вазифа даражасида талаб этилади. Бу мақсад қўйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган: ислоҳотларни охирига етказиш; аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш; жамиятнинг яратунчалик қобилиятини инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини ҳал қилишга, шунингдек, конституциявий асослари, қонунлар ва олий ҳокимијат органларининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларини амалий бажариш асосида тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашдан иборат.

Мустақилликка эришилгандан сўнг давлат бошқаруви аппаратининг яхлит тизимини шакллантириш зарурати вужудга келди. Бу республикамизда тегишли вазирлик ва давлат қўмиталари тузишни тақовоzo этди. Бунинг учун кенг кўламда ташкилий-таҳлилий ҳаракат қилиш лозим эди. Бирок, жаҳон жамоатчилиги назарига тушиш учун бўлган табиий интилиш, шунингдек, миллий манфаатларни химоя қилиш ва амалга ошириш талаби ушбу жараённи тезлаштиришни талаб этди. Натижада, қисқа давр ичida янги бошқарув тизимини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан эски маъмурий-буйрукбозлик тизими, унинг бошқарув органлари барҳам топди. Ижро ҳокимијати органларининг иш тартиби тубдан ўзгарди, улар қонун доирасида режалаштириш ва тақсимлаш эмас, балки иқтисодий сиёsatни мувофиқлаштириш

вазифалари билан шуғулланиб, фаолият кўрсата бошлади. Тугатилган вазирликлар ўрнига бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритишга қодир бўлган хўжалик бирлашмалари, ассоциациялар, корпорациялар, холдинг компаниялари юзага келди.

Албатта, бошқарув тизимидағи бундай ўзгаришлар давлат аппарати бўғинларининг мулоқот имкониятини янада оширди, марказий идоралар ходимларининг қуий ходимлар билан алоқаларини енгиллаштириди, марказий органларда қарорлар тайёрлаш жараёнида қуий бўғиннинг эҳтиёжи ва шароитлари ҳисобга олинишига ёрдам берди. Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмаслиги боис, бошқарув аппарати фаолиятига бошқарув фаолиятини илмий ташкил қилишнинг янги ютуқларини, шунингдек, бошқарув қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, қабул қилиш ва ижросини ташкил этишнинг самарали усусларини тадбиқ этиш талаб этилди. Республика мизда ҳаётий жараёнларга асосланиб ва ўтиш даврида давлат қурилишининг муҳим масалаларини ҳал қилиш заруратидан келиб чиқиб, собиқ тузум бошқарув амалиётига хос бошқарув вазифалари марказлашувининг кучайишига нисбатан мойилликни бартараф этиш жоиз эди.

Президент И.А.Каримов бошқарувнинг мамлакатимиз хусусиятига боғлиқ жиҳати – худудий яхлитлик ва равон ривожланиш масаласига эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари республикамизни кема билан, унинг таркибий қисмлари бўлмиш вилоятларни эса ушбу кеманинг ажралмас қисмлари билан таққослади. Ўтиш даври қийинчиликлари денгиздаги тўфонга қиёс қилиниб, унга бардош бериш ва енгиш учун бирдамлик, жипслик зарурлигини таъкидлади. Ушбу фикр чуқур маънога эга бўлиб, мамлакат истиқболли тараққиётида ўта зийраклийни талаб этишини англашти. Зоро, ислоҳотларни амалга ошириш давомида табиий равиш-

да юзага келадиган тўсикларни енгиб ўтиш зарурдир. Президентнинг фикрига кўра, «ушбу мураккаб даврда, давлат ҳокимиюти органларини номарказлаштириш бошбошдоқликка ва ижтимоий-иктисодий соҳадаги танглиknинг чуқурлашувига олиб келиши мумкин».<sup>21</sup>

Буларнинг барчаси давлат бошқаруви тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кентгайтиришни талаб этади. Хўш, бу масаланинг истиқболлари қандай?

Аввалимбор, бошқарувнинг ташкилий тузилмаларига жиддий эътибор қаратилмоғи лозим. Боншқарув тузилмаси ва унинг аппарати ҳар қандай ташкилотнинг яхлит организми сифатида амал қилиши ва ривожланишни таъминловчи, бир-бири билан барқарор ўзаро алоқада бўлган қирраларнинг тартибга солинган мажмуаси эканлигини яна бир бор таъкидлаш зарур.

Ўзекистон Республикасида давлат бошқаруви аппарати тузилмалари таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар вертикал ва горизонтал шаклларда мавжуд. Горизонтал алоқалар - битта даражадаги муносабат бўлиб, ўз характеристига кўра мослашувчандир. Вертикал тузилмалар эса бошқарувнинг юкори, ўрта ва қуий бўғинлари бўлишини назарда тутади. Айнан шундай тузилмалар давлатнинг ижро ҳокимиюти органлари - вазирликлар, давлат қўмиталари, турли идора за ташкилотлар учун хосдир. Бундай бошқарув погоналарининг ҳар бири муайян мақсадга асосланади ҳамда унга эришиш йўлида таркиб топади. Бундай бошқарув погоналари ўнлаб, ҳатто ундан кўп ҳам бўлиши мумкин.

Давлат бошқарув аппарати тузилмаларида чизиқли ва вазифавий алоқалар ҳам қайд этилган. Ҳудди шу тамойил асосида бошқарув органлари ташкил топади.

<sup>21</sup> Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. -Т., Ўзбекистон. 1996. 10-6.

Чизиқли алоқалар деганда идора раҳбарининг ташкилот иши, унинг тузилмалари ва вазифаларини мувофиқлаштириб туриши тушунилса, вазифавий алоқалар за вазифавий бошқарув органлари деганда аниқ вазифаларни амалга ошириш тушунилади. Коидата кўра, чизиқли алоқалар вазирликларга хос бўлиб, вазифавий алоқалар эса давлат қўмиталарига хосдир.

Бошқарувнинг ташкилий тузилмасини шакллантириш субъектнинг мақсад ва вазифаларига мос келиши, ижодий мустақиллик ва меҳнат тақсимотининг мувофиқлиги, бошқарув органи ва ҳар бир ходим ваколатлари ҳамда масъулиятининг аниқ белгиланганлиги, вазифа, мажбурият, ваколат ҳамда масъулиятлар ўтасидаги ўзаро мутаносибликтининг бўлишини ҳисобга олганда самарали бўлади. Шу билан бирга, бошқарувнинг ҳам субъекти, ҳам обьекти муҳитида анъаналар ва менталитет каби омилларни ҳисобга олиш ҳам зарур. Айни пайтда, мамлакат тараққиётининг ижтимоий-маданий шароитини, иқтисодий вазиятни ҳам ҳисобга олиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти қайд қилганидек, бизда барпо этилган демократик институтлар шаклан демократик мезонлар ва гарб андозаларига ўхласа-да, мазмун-моҳиятига кўра, афсуски, замон талаблари даражасида эмас.<sup>22</sup> Бу ерда ушбу тузилмаларнинг мазмуни, мақсади ва моҳияти халқимизнинг миллий ўзига хослиги ва менталетига мос келиши лозимлиги назарда тутилаяпти. Бошқача айтганда, ўзгача ижтимоий-маданий шароитда муваффакиятли фаолият кўрсатаётган бошқарув тузилмаларидан кўр-кўронга андоза кўчириш мақсаддага мувофиқ эмас Негаки, улар бизнинг миллий заминимизда исталган ва кутилган натижани қўлга киритишни тўлалигича кафолатлай олмайди.

<sup>22</sup> Каримов И.А. Халқимизнинг йули мустақиллик, озодлик ва губислоҳотлар йўлидир. -Т., Ўзбекистон, 1996, 35-6.

Давлат муассасалари фаолиятига бозор муносабатларини жорий қилиш вақти ҳам келди. Қолаверса, ҳозирги даврда демократик ислоҳотларни чуқурлаширишнинг янги вазифаларидан келиб чиқиб, давлат бошқаруви аппарати зиммасига ўзини ўзи такомиллаштириш борасида жиддий вазифа юклатилган.

Ислоҳотлар бошқарув тизимиға, шунингдек, унинг шакли, мазмуни ва бошқа тизимий хусусиятларига кучли таъсир ўтказувчи омил сифатида намоён бўлади. Бошқа томондан, давлат тизимининг бир қисми бўла туриб, бошқарув аппаратининг ўзи ислоҳотлар бошқарувчиси сифатида майдонга чиқади.

Шу билан бир вақтда, икки хил интилиш, яъни бошқарувнинг истиқболли вазифаларининг марказлашуви ҳамда айrim вазифаларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотларига ўтказилиши жараёнлари ҳам давом эттирилиши зарур.

Мамлакатимизда бошқарув тизимининг муҳим тенденцияси – давлатнинг ислоҳотлар ташаббускори эканлиги бўлиб, у умуммиллий вазифаларни амалга оширувчи, фуқаролик жамияти қуришни ташкилий, ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи тизимга ҳам айланниб бормоқда. Шу билан бирга, бошқарув органларини замонавийлаштириш борасида ҳам амалий қадамлар ташланмоқда.

Ўтиш даврига хос муаммолар комплекс хусусиятга эга бўлиб, табиийки, раҳбар кадрлар тайёрлашда ҳам учраб туради. Бу жабҳада ҳам ўз ечимини кутаётган муаммо, эскилип билан янгилик орасида зиддият мавжуд. Бугунги шароитда янги замонавий кадрлар сиёсатини шакллантириш вазифаси объектив, илмий ёндашувни талаб қиласи. Ўзбекистон Республикаси бошқарув органлари - Президент девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталяри, маҳкамалар, вилоят ва туман ҳокимиятлари, халқ

депутатлари вилоят Кенгашлари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, касаба ва матлубот уюшмалари, шунингдек, муассасалар, бирлашма, ташкилот ва корхоналарда бошқарувни амалга ошираётган раҳбар шахслар ва ходимлар фаолиятини демократлаштириш, тұрачилик ва қонунбузарлыкнинг олдини олиш - мамлакатимизда ислоҳотларни амалга ошириш ва самарали бошқарув тизимини шакллантиришда мухим роль ййнаши шубҳасиздир.<sup>23</sup>

Шу жиҳатдан қараганда, жаҳоннинг илгор мамлакатлари билан ҳозирги раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимизни қиёсий солишириш ҳам мақсадда мувофиқдир. Қысқа тарихий даврда бекітес юқсалишга, халқ фароволигига әришган Япония миеолидә қадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш механизми түгрисида бироз фикр юритамиз.

Аввало, Японияда ҳам ҳокимият учта тармоқ - Парламент, Суд, Ижро ҳокимияти - марказий ҳукумат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларидан ташкил топғанстигини таъкидлаш жоиз. Ҳукумат тизими қўйидагича:

Ҳукумат ⇨ Префектуралар ⇨ Шаҳарлар ⇨ Районлар  
(47 та) (669 та) (факат йирик шаҳарларда 12 та)

⇨ Кичик шаҳарлар  
(1.9993 та)

⇨ Қышлоқлар  
(570 та)

<sup>23</sup> Раҳбар ва ходим. —Т., Академия, 1998, 163-164-бетлар.

Бош Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг Конституция ҳамда қонунлар билан белгиланган ҳуқуқлари алоҳида белгилаб қўйилган. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 май ва 1999 йил 26 марта даги қарорларига мувофиқ давлат хизматчилари ни лавозимга тайинлашнинг қуидаги асосий тамойиллари белгиланган:

1. Давлат хизматчилари фаолияти тамойиллари:
  - ◆ номзодларга нисбатан тенг муносабат тамойили (хизматга қабул қилишда очик имтиҳонлар ўтказиши орқали);
  - ◆ натижалилик тамойили (шахсий интилишларни чегаралаш орқали).
2. Давлат хизматига қабул қилиш:
  - ◆ Япония ишга жойлаштириш амалиёти (ўқув юртларида ўқиши тугатиш билан ишга жойлаш);
  - ◆ давлат хизматига қабул қилинган хизматчилар учун маҳсус қоидалар;
  - ◆ ишга қабул қилиш бўйича имтиҳон турлари;
  - ◆ ишга қабул қилиш бўйича имтиҳон топшириш учун ёзма мурожаат қилувчилар сонининг ўзгариши динамикаси;
  - ◆ ишга қабул қилиш бўйича имтиҳон ўтказиш тартиб-қоидалари;
  - ◆ ишга қабул қилиш бўйича имтиҳонлар таркиби;
  - ◆ синов муддати.
3. Хизмат лавозими бўйича кўтарилиш.
4. Давлат хизматчисининг бурч ва вазифалари.
5. Ўзини халқаро ташкилотларда синаб кўриш, вакътинча ишсизлик, ишдан кетиш ва ҳ.к.
6. Ишдан кетиш:
  - ◆ вазифани топшириш, нафақага чиқиш;
  - ◆ давлат хизматига қайта жойлашиш тизими.

Мазкур олти босқичли тамойил давлат хизматига киришдан тортиб то қарилек нафақасига чиққунгача бўлган даврни қамраб олади.

Японияда давлат хизматига жойлашиш бирмунча мураккаб. Масалан, 1998 йилда давлат ва жамоат ташкилотларига хизматга жойлашиш учун имтиҳон топшириш бўйича мурожаат қилганлар сони:

- I босқич имтиҳонлари - 35 754 киши;
- II босқич имтиҳонлари - 64 242 киши;
- III босқич имтиҳонлари – 92 586 киши.

Давлат хизматчилари маъмурий бошқарувини ташкил этиш бўйича иккита асосий - “Давлат хизматчилари тўғрисидаги” (1947 й.) ва “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари хизматчилари тўғрисидаги” қонун (1950 й.) мавжуд. Ушбу қонунлардан келиб чиққан ҳолда Япония кадрлар бошқаруви қўйидаги хусусияти билан ажралиб туради:

*1. Кадрларни ўстиришга қаратилган чоралар:*

- ёшларни бир вақтда, бирваракайига ишга қабул қилиш (айниқса, университет ва ўрта мактаб иккинчи босқич битирувчиларини);
- узоқ муддатли ишлаш амалиёти жорий этилганлиги («Умрбод ишга ёлланиш»), меҳнат бозори ёпиқ характеристерга эгалиги, хизматчининг нафакага кетгунча ишга қабул қилиниши;

- ходимларни узоқ муддат давомида ўқитиб бориш (босқичли ўқитиши);

- кадрларни меҳнат стажи ва ёшини ҳисобга олган ҳолда иш билан таъминлаш ва хизмат лавозими бўйича кўтариш;

- ходимлар меҳнатига меҳнат стажи ва ёшини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўлаш тизимининг жорий этилганлиги;

- хизматчилар соғлигини сақлаш ҳамда ижтимоий таъминот бўйича яхлит тизим яратилганлиги ва бошқалар.

*2. Кадрларни тайёрлаб боришига (ўқитишига) қаратилган чоралар;*

- кадрларни ишга жойлаштиришдан олдин тайёрлаш (ўқитиш);

- меҳнат кўнинкласига эга бўлмаган ёшларнинг ишга қабул қилиниши;

- қисқа вақт оралиғида кадрлар хизмат вазифалари ни ўзгартириб бориш (кадрлар ротацияси);


- ходимларни хизмат вазифаси бўйича бўлимлар аро алмаштириб туриш ва раҳбарлар гурухини шакллантириш;

- ходимларнинг ўз ташкилоти, корхонаси ёки муассасасига «қарашлилигини», «алоқадорлигини» төран ҳис қилишларига эришиш;

- компаниянинг барча аъзоларига нисбатан танлов тамоилиининг амал қилиши, бу кадрларни тайёрлашда, айниқса, катта аҳамиятта эга (1-чизма).

### *1-чизма*

#### **Япония бошқарув кадрларининг хизмат поғонаси бўйлаб кўтарилиши**



Японияда давлат хизматчилари икки турга ажратилган:

1) умумий характерга эга хизматчилар, бунга маъмурий идоралар ва оператив бошқармаларда ишлайдиган давлат хизматчилари киради;

2) бошқа характердаги давлат хизматчилари, яъни маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида ишлайдиган хизматчилар.

Японияда урушдан кейинги ривожланишнинг илк йиллариданоқ «Давлат хизматчилари» тўгрисида кодекс ва қонунлар қабул қилинган. Давлат хизматчиларининг моддий таъминланиши йўлга қўйилган бўлиб, энг муҳими, раҳбар кадрлар ўз ишига юксак масъулият билан қарашни шакллантира олишган. Бир сўз билан айтганда, давлат хизмати улар учун аниқ қасбга айланган.

Мамлакатимизда жойларда бонқарув кадрларини танлаш, ўқитиш, малакасини ошириш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг мансаб погоналари бўйлаб кўтарилишлари мониторингини ташкил этишнинг ҳукуқий, ижтимоий ҳамда ташкилий механизми ва услубларини шакллантириш соҳасидаги ишлар яхлит тизимга келтирилиши зарур. Шу билан бирга, кадрлар потенциали ва у билан боғлиқ муаммоларни иқтисодий, молиявий жиҳатдан ҳал этиш, раҳбар кадрларнинг тармоқлараро ҳамда ҳудудлараро алмашиши, шунингдек, уларнинг юқори лавозимга кўтарилиши, аттестациядан ўтказилиши каби ишларнинг ҳам мукаммал тизими, меъёр ва мезонларини шакллантириш эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа тегишли қонунлар давлат кадрлар сиёсатининг мустақиллик талаблари даражасида ҳукуқий асосларини яратища замин бўлди. Мустақилликнинг ўтган йиллари тажрибаси шуни кўрсатдики, гарчи кадрлар тайёрлашнинг ҳукуқий тизими яратилган, бу борада муайян ўзгаришлар амалга оширилган бўлса-да, дав-

лат ва жамиятни бошқариш жараёнида баъзи муаммолар ўз долзарбилигини сақлаб қолмокда. Буни Президентимизнинг раҳбар кадрлар тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш масалалари бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари исботлайди.

Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва социал соҳалини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, ўз навбатида, маҳаллий кенгашлар фаолиятини кенгайтиришни, жойларда нодавлат, жамоат тизимларининг мавқеини оширишни талаб этади. Зоро, давлат ҳокимиюти марказий органларининг ваколатларини маҳаллий ижтимоий-демократик тузилмаларга босқичма-босқич ўtkазиш аҳолининг кенг қатламларини давлатни бошқаришга фаол жалб этишни кўзда тутади. Шу муносабат билан маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ишини ташкил этишининг шакл ва усусларини такомиллаштириш, ҳокимият тузилмалари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг мустаҳкам тизимини шакллантириш бугун муҳим масала бўлиб турибди.

Бугунги кунда туманларда кадрлар тайёрлаш тизими ҳам талабга жавоб бермайди. Кадрлар заҳираси асосан ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлимидан, ташкилот, корхона ва муассасалардан олинган маълумот асосида шакллантирилади. Қонунга асосан, ташкилотларга раҳбар вилоят раҳбари буйруғи билан тайинланади, бунда бирламчи хужжат ҳокимнинг тавсияномаси ҳисобланади. Раҳбарликка ўтаётган шахс шу соҳани бошқарадиган вилоят ҳокими ўринбосари “сұжбати”дан, баъзан республика ташкилоти “тасдиги”дан ҳам ўтиши керак бўлади.

Хуллас, раҳбар кадрлар тайёрлаш, танлаш, жойжойига қўйиш ва хизмат погоналари бўйлаб кўтарилишнинг илмий асосланган, синалган тизимини яратиш жойлардаги бошқарув муаммоларини ҳал этишга

ҳам хизмат қиласи. Шу ўринда раҳбар қадрлар фаолияти билан боғлиқ миллий хусусиятларимизга хос тарихий меросни ҳам назардан четда қолдирмаслик зарур. Ёзма манбалар гувоҳлик беришича, раҳбар маънавияти, умуман, комил раҳбар сифатлари масаласи мутафаккирлар, тарихчи ва файласуфларни қадимги даврлардан юқ қизиқтириб келган. Хусусан, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Кайковуснинг «Қобуснома», Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» ва Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асалари фикримизга далиллар.

Форобийнинг мазкур асарида баён қилинган фозиллар шахри ҳокимининг ўн икки фазилати бугунги кун раҳбарлари учун ҳам тегишлидир.

Аллома фикрича, фозиллар шахри ҳокими, биринчидан, тўрт мучаси соғ бўлиб, ўз вазифасини бажаришда бирор аъзосидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим, у соглом бўлгандагина вазифасини осон бажара олади.

Иккинчидан, бундай шаҳар ҳокими фаросатли бўлиб, сухбатдошининг фикр-мулоҳазаларини тез тушуниши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини билиши зарур. Бу Президентимиз бугунги раҳбардан талаб қилаётган сифат - раҳбар катта масалалар билан бир қаторда, кичик масалалардан ҳам хабардор бўлиши, тажхил қила олиши ва қарорлар қабул қилиш қобилияти билан боғлиқдир.

Учинчидан, у кўрган, эшитган, хабардор бўлган воқеликларни хотирасида сақлаб қолиши, зарур тафсилотларни унутмаслиги лозим.

Тўртинчидан, у зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарса, воқеликнинг кўзга кўринмас кирралари ни ҳам тез илғаб олиши зарур.

Бешинчидан, у фикрини аниқ ва лўнда тушунтира олиши, чиройли сўзлар билан ифодалай билиши зарур.

Бутун реал асосга эга бўлган, чиройли сўзлар билан одамлар қалбига кириб, сўз санъати ёрдамида уларни жипслаштириш, уларни ортидан эргаштира олиш раҳбар олдига бош масала қилиб кўйиляпти.

**Олтинчидан**, у доимо ўз билимини бойита бориши, ўқиши, ўрганишдан сира чарчамайдиган, бунинг машақ-қатидан қочмайдиган маърифатли бўлиши зарур.

**Еттинчидан**, таом ва ичимликлар истеъмол қилишда, аёлларга яқинлик қилишда очофат бўлмаслиги керак, қиморбозлик каби ўйинлардан узоқ бўлиши зарур.

**Саккизинчидан**, у ҳақиқатпарвар бўлиши, одил ва ҳақгўй одамларни севиши, ёлгон ва ёлғончиларни ёмон кўриши зарур. Бу сифат Соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч - адолатда» деган шиори билан ҳамоҳанг, лекин, нега бизнинг қон-қонимизга сингиб кетмаяпти? Президентимиз И.А.Каримовнинг «Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди», деган сўзлари қоида сифатида ҳар бир раҳбар фаолиятининг асосий тамойилига айланмоги керак.

**Тўққизинчидан**, у ўз қадрини билувчи, номус-ориятли бўлиши, пасткашликлардан юқори туриши, олий-химмат бўлиши, улуг ва буюк ишларга интилиши зарур.

**Ўнинчидан**, бу дунё бойликларига қизикмайдиган, мол-дунё кетидан қувмайдиган бўлиши зарур.

**Ўн биринчидан**, адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, жабр-зулм ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам адолат қилувчи, барчани адолатга чақиравчи, ноҳақ жабрлангандарга мадад берувчи, ўзи суйган гўзалликларни, яхшиликни бошқаларга ҳам раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи одилона иш тутиб, ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатга нисбатан муросасиз бўлиши зарур.

**Ўн иккинчидан**, ўзи зарур деб билган вазифаларни амалга оширишда қатъиятли, журъатли, жасур бўли-

ши, қўрқоқлик ва иккиланишларга йўл қўймаслиги зарур.

Форобий фикрича, мабодо, шу хислатларнинг бар-часини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, икки киши шу хислатларга эга бўлса (яъни, бирида - бу, иккинчисида - у хислатлар бўлса), ана шу фозиллар гурухини юрт раҳбарлигига қўйиш зарур.

Мазкур сифатлар бугунги кун раҳбари учун ўзига хос кодекс, раҳбар кадрлар тизимини шакллантиришда муҳим манба бўлиши керак. Бундан ташқари, раҳбар, албатта, зарур қобилият соҳиби бўлиб, тутма раҳбарлик салоҳиятига эга, айниқса, инсоф-иймонли бўлиши кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда катта аҳамиятга этадир.

Биз юқорида “давлат хизматчisi” тушунчасига тўхтаган эдик, энди бунинг кенг ва тор маънода қўлланилишини айтиш лозим. Кенг маънода, давлат хизматчisi - ҳар қандай давлат ташкилотининг (бошқарув органи, ҳарбий хизмат, таълим, соғлиқни сақлаш) профессионал ақлий меҳнат ходимиdir. Тор маънода – давлат ҳокимияти органларидаги профессионал бошқарувчи мансабдордир.<sup>24</sup>

Замонавий маҳсус адабиётларда давлат хизматчisi сифатлари (малакаси) масаласига катта эътибор қаратилади. Хусусан, қатор Farb мамлакатларида мавжуд вазият талаб ва камчиликлар ҳисобга олиниб, 18 кўрсаткичдан иборат рўйхат тузилган. Бу кўрсаткичлар бўйича эксперtlар сўрови натижасида қўйидаги натижа олинган (2-жадвал).<sup>25</sup>

<sup>24</sup> Государственная служба: теория и организация. Курс лекций. Ростов-на-Дону, “Феникс”, 1998, с.463.

<sup>25</sup> Государственная служба / Кадровая политика. Зарубежный опыт. Выпуск 2. –М., 1995. с.62.

**2-жадвал**

**Давлат хизматчисининг устувор сифатлари**

Давлат хизматчиси учун зарур сифатлар	Мухимлиги бўйича ўрни	
	Голландиялик экспертлар таснифи	Бошқа Фарб давлатлари экспертлари таснифи
Таҳлил қилиш қобилияти	1	2
Сиёсий ва ижтимоий ақл-заковат	2	8
Амалий тажриба	3	11
Ижодий ёндашув	4	2
Масъулият ҳиссеси	5	12
Киришимлилик	6	7
Холислик	7	3
Аниқлик, ҳалоллик	8	1
Муваффақиятсизликларга нисбатан қаршилик кўрсата олиш	9	4
Ўзини ҳукумат сиёсати билан уйғунлаштириш	10	13
Содиклик	11	6
Қатъиятлилик	12	18
Атрофдагиларга эътиборлилик	13	14
Одамларни яхши билиш, тушуниш	14	15
Сиёсатда иштирок этишга тайёрлик	15	5

Янги усуллар ва бошқарув техникасига мойиллик	16	10
Давлат хизматчиси карьерасига мойиллик	17	16
Вазиятта қараб иш тутиш қобилияти	18	17

Давлат хизматчиларининг “касбий бошқарув қобилиятлари” кўрсаткичи бўйича улар қобилиятини баҳолаш анъанаси ҳам мавжуд:

- бошқарув командасини шакллантириш ва тузиш;
- стратегик истиқбол, ташкилот мақсадини белгилаш;
- муаммони ҳал этишнинг бир неча вариантларини (муқобилларини) тақдим қилиш;
- режа, дастур, лойиҳани тадбиқ қилиш имконини аниклаш;
- ҳозиржавоблик;
- муаммони ҳал этишнинг инновацион лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- турли шароитда фаолият кўрсатиш қобилияти;
- аҳоли манфаатлари, демократия ва ижтимоий адодат талабларига жавоб берувчи сиёсий йўналишни қатъий амалга ошириш ва бошқалар.<sup>26</sup>

Мамлакатимизда давлат хизматчилари мақоми ва фаолиятининг турли йўналишлари ҳақида ишланмалар етарли эмаслиги сабабли яна хориж тажрибасига мурожаат қиласиз.

Германия давлат хизмати ва давлат хизматчиси фаолиятига оид амалиёт умумий тарзда Бавария бош-

<sup>26</sup> Мальцев В.А. Государственный служащий современного типа. М., Н.Новгород, 1992, с.513-514.

бошқарув мактаби томонидан чоп этилган “Персонални бошқариш” китобида баён қилинганд. Қуйида унинг реферат тарзидаги баёнини келтирамиз:<sup>27</sup>

- 1) Бошқарув.
- 2) Персонални бошқариш.
- 3) Кадрлар менежменти, унинг уч модели:
  - 1.Фарбий Европа модели
  2. Америкача модел
  3. Япония модели

#### **А) Давлат хизматида персонални бошқариш:**



Давлат хизматидаги ҳодимлар категориялари

##### *I. Мансабдорлар*

###### **а) Уларнинг ҳолати:**

Мажбуриятлар ↔ Чиновник ижтимоий  
ҳолатининг мустаҳкамлиги

-хизмат бурчи	-тўловлар
-топшириқни бажариш	-таъминот
-хизмат сирини сақлаш	-беморлик пайтида таъминлаш
-бир умрга ёлланиш	

###### **Б) Давлат хизматига нисбатан имконият:**

- маълум доирадаги хизматни бажариш қобилияти;
  - маълумот;
  - имтиҳон.
- } хизматта жойлашиш

<sup>27</sup> Управление персоналом. // Баварская школа управления. Мюнхен, 2002, с.29-81.

**В) Лавозимда күтарилиш:**

I. Мансаблар 4 гурух

1) оддий	}	масъулиятли
2) ўрта		
3) юқори		
4) юксак		

Лавозимга күтарилиш қуйидагиларга боғлиқ:  
-касбий лаёқат;  
-қобилият;  
-меҳнат тажрибаси.

Лавозимда күтарилиш учун қуйидагилар белгилаб  
кўйилган (юқори ва юксак мансаб учун):

- 1) муддат;
- 2) мансаб оклади;
- 3) хато ва жиноят учун жазолар.

*II. Хизматчи ва ишчилар.*

**Г) Персонални бошқариш иқтисоди.**

**а) омиллар (самараадорлик):**

- кадрлар;
- жихозлар;
- бюджет ва молия;
- ташкилот;
- бошқарув органи ваколатлари.

**б) Персонални бошқариш иқтисоди воситалари:**

- штат жадвали;
- штат бирликлари;
- назорат (санкциялар, жазо ва жарималар).

**Д) Персонални бошқариш органлари.**

- 1) Кадрларнинг статистик ҳисоби /Германияда жами 5 млн.га яқин/;
- 2) Персонални бошқариш органларининг вазифалари:
  - персонал эҳтиёжини аниқлаш, уни режалаштириш
  - персонални ривожлантириш
  - кадрлар ҳақида ғамхўрлик
  - кадрлар ҳисоби бўйича ахборот таъминоти

**Ж) Персонални тўлдириб бориш.**

**а) Кадрларга бўлган эҳтиёжнинг вужудга қелиши:**

- кадрлар қўнимсизлиги;
- кўшимча эҳтиёж (вазифалар кўпайишига қараб).

**б) Кадрларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш (ўрга ппц):**

1. Режалаштирилган вақт оралиги (2 йил, 3-5 йил).
  2. Вазифа динамикасини аниқлаш.
  3. Персоналнинг режалаштирилаётган таркибини аниқлаш.
4. Кадрларнинг амалдаги таркибини аниқлаш.

**в) Кадрларга бўлган эҳтиёжни кондириш:**

- Ўз бошқарув органлари ҳисобидан кадрлар таркибини тўлдириш.
- Бошқа органлар ходимлари ҳисобидан кадрлар таркибини тўлдириш.
- Ишчи кучи бозори орқали кадрлар таркибини тўлдириш.
- Ташки даъвогарлар.
- Танлов эълон қилиш.

**г) Кадрларни танлаш**

- 1) Кадрларни ички танлаш (ички резервлар ҳисобидан)

Меъёрлар:

- Ёши
- Хизмат йиллари.
- Мазкур жойдаги ишлаган йиллари.
- Мансаб даражаси.
- Олдинги ишлаган жойидан маълумотнома.
- Алоҳида билимлари (чет тилини билиши) ва ҳ.к.

2) Кадрларни четдан танлаш (*сұхбат*)

- Иш фаолияти билан танишиш.
- Сұхбат.
- Синов (тест).

д) Персонални құллаш

а) режалаштириш (*персонал түггрисидаги ахботтот тизими*);

б) Персонални ривожлантириш:

- Ходимларнинг ўз вазифасини тушунишлари.
- Ворисийлик.
- Ишонч.

в) Персоналга раҳбарлик:

- Ходимларнинг бошлиғига нисбатан муносабати.
- Ташкил этиш тамойиллари.
- Мехнат тақсимоти (ихтисослашув).
- Иерархия (хизмат поғонаси).
- Бошқарув усуллари:

-авторитар.

-кооператив.

-либерал.

г) Раҳбар ходим сифатлари:

- шахс;
- одамларни тушуниш ва уларга раҳбарлик қилиш қобилияти;
- соҳани билиш;
- таълим даражаси;

- нотиқлик;
- қарорлар қабул қилиш қобилияти.

Албатта, қабул қилиниши кутилаётган “Давлат хизматчиси түгрисидаги” Конун мамлакатимизда давлат хизмати тизими соҳасидаги муносабатларни түлиқ изга солади деб умид қилса бўлади. Шунингдек, давлат хизматчиларига оид муаммолар ҳал бўлади.

Хозирги кунда Ўзбекистонда жамият ҳаётини ислоҳ этишининг асосий йўналишлари бўйича салмоқли натижага эришилди. Лекин, амалга оширилаётган ислоҳотлар учун раҳбар кадрлар тайёрлаш устувор вазифалигича қолмоқда. Бугунги кун талаби билан ёндашсак, замонавий давлат хизмати тизими инсон, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилишга тайёр, ижтимоий масъулиятли раҳбар кадрларни ўзида бирлаштирувчи мукаммал механизм каби ишлаши лозим. Касби бошқарувчи бўлган бундай шахсларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ривожидаги ўрни бекиёсdir. Шу маънода, раҳбар кадрларни касбий тайёрлаш, улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи долзарбdir. Лекин шу пайтгача раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимида “кўмаклашувчи” таълим анъаналари устувор бўлиб келмоқда. Бундай таълим тайёр шаклдаги билим бериши туфайли раҳбарнинг касбий маҳорати ва маънавиятини тўлақонли шакллантира олмайди. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов раҳбар кадрлар икки мухим талаб – ўз ишига масъулият билан ёндашиш ва ўз соҳасига оид юқори малакага эга бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу кўрсатма аслида касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларни яхлит тизим сифатида қарашнинг ўзига хос концептуда омили бўлиб, раҳбар кадрлар тайёрлаш моделининг ҳам асоси бўлди. десак янглишмаймиз. Дарҳақиқат,

Ўзбекистонда инновацион, тез тараққий этувчи, профессионаллик ва шахсга йўналтирилган таълимга ўтишни давр такозо қилмоқда. Бу бўлғуси раҳбарда тизимли тафаккур қилиш маданиятини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бунда асосий мақсад профессионаллик билан бирга, раҳбарликка ўзини тайёрлаётган шахснинг умрбод давлат ва жамиятнинг фидойи хизматчи-си бўлишга эришиши ҳисобланади. Албатта, мазкур вазифани ҳал этиш янгича ёндашувни талаб қиласди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бу соҳада маълум тажриба тўпланган. Академияда тингловчилар билимини чуқурлаштириш, уларниң касбий қобилиятини ўстириш, замонавий гуманитар технологияларни, бошқарувда инсон омилини қўллаш тажрибасини акс эттирувчи амалий тайёргарликни кучайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўқув жараёвининг муҳим қисмини жонли мулоқот шаклини даги вазиятли таҳлил, ишчи ўйинлар, практикумлар, тренинглар ташкил этмоқда. Бундай машгулотларда иштирок этувчи ҳар бир тингловчи иш жараёнида турили усусларни қўллаш тажрибасини ўзлаштиради.

Раҳбар кадрларнинг сифатли касбий тайёргарлигини таъминлаш ўқув жараёнининг самарадорлик дара-жасини кўтариш, унинг амалиёт билан алоқаларини мустаҳкамлаш, янги ўқув технологияларини ишлаб чиқиши ва амалга киритиш имкониятларини берувчи илмий-услубий асосларни яратишни талаб қиласди. Ушбу ўқув даргоҳининг профессор-ўқитувчилари ўз вазифаларини тезкор ва фаол бажарувчи, маҳсус иш шароити ва усулига, малакавий ва шахсий тавсифга эга педагогларнинг ўзига хос гурухи ҳисобланади. Раҳбарлик фаолияти учун кадрлар тайёрлаш соҳасида ишлаётган педагоглар жамиятни ислоҳ этишда фаол иштирок этув-

чи, унинг долзарб масалалари, мақсад ва вазифалари ни амалга оширувчи раҳбарларни тайёрлай олади.

Академияда ўқув жараёнини замонавийлаштиришнинг концептуал таянч нуктасидан бири шундан иборатки, тингловчи таълимнинг шунчаки истеъмолчиси бўлиб қолмаслиги зарур. Шу маънода, ўқитувчи таълим-тарбия объектидан унинг фаол субъектига айланётган тингловчини тушуниши лозим. Бу жараён Академия ўқитувчисидан бир-бири билан узвий боғланган икки асосий вазифа - тингловчи шахсиятининг ривожланиши ва ўқув жараёнини оптималлаштиришни ягона мақсадга бирлаштиришни талаб этади. Натижада, ўқитувчи ва тингловчининг ҳамкорликдаги ижоди юзага келади. Айнан шундай ёндашув замонавий раҳбарни шахс ва профессионал мутахассис сифатида тайёрлашнинг моделини ташкил этиши зарур.

Академияда таълимнинг янги концептуал йўналишининг иккинчи таянч нуктаси шуки, ўқув жараёни доирасида таълим-тарбия вазифаларини босқичма-босқич амалга ошириш, яъни тингловчининг ахборот (умумий ва маҳсус билимларни ошириш, замонавий назарияни ўзлаштириш) ва тезкор (амалий кўникмани шакллантириш) тайёргарлиги асосида унинг профессионал-шахсий ривожланишини таъминлашга қаратилади. Бунинг натижаси ўлароқ, касбий маданият ва замонавий раҳбар шахсий сифатларини шакллантиришда на-моён бўлади. Бунда таълим тамойилларига тизимли ёндашув, ўқув жараёнини яхшилаш бўйича методологик асослар аниқ белгиланади. Шу билан бирга, бўлгузи раҳбарлар касбий маҳоратини оширишда янги ўқув технологияларининг ролига алоҳида эътибор берилади. Раҳбар шахсини чуқур ўрганувчи услублар қўлланади, замонавий аудио-видео техника, компьютер воситалари орқали ўқув жараёни такомиллашади.

Ўқув жараёнида тингловчининг шахсий-касбий ва бошқарув салоҳиятини мониторинг тарзида кузатиш тизимиға ўтиш Академиядаги янги таълим концепциясининг учинчи таянч нұктасидир. Бундай мониторинг тизими киравчы, давом әтувчи ва чиқувчи диагностикани ўз ичига олган ўқув жараёнини қамраб олади. Бунда учламчи услуб - тингловчиларнинг ўқув жараёнига киришгандык даражасини назорат қылувчи, уларнинг ўзини-ўзи такомиллаштириш индивидуал дастурини ишлаб чиқиши, яъни ҳар бир тингловчининг шахсий-касбий ўсишини кузатиб бориши, ниҳоят битиравчи шахсий-касбий ривожланишининг якуний интегратив даражасини аниқлаш бўйича услубларни киритиши режалаштирилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар Академиянинг “Бошқарув социологияси ва психологияси” кафедраси базасида ташкил этилган психодиагностик тестлар банкига таянган ҳолда олиб борилади. Шунингдек, ушбу вазифани Академия ўқув режасига 2007 йилдан бошлаб киритилган “Акмеология” фани бажаради. Мазкур фаннинг биринчи маротаба айнан Академияда таълим тизимиға киритилаётганлиги ҳам диккатга сазовордир. Зоро, “акмеология” фан сифатида мөхияттан тармоқлараро соҳа бўлиб, шахснинг юксакликка кўтарилиши, раҳбарнинг юқори ривожланиш даври муаммоларини ўрганади. Шунингдек, 2006/2007 ўқув йилидан бошлаб “Лидерлик ва бошқарув маданияти”, “Бошқарув психологияси”, “Бошқарув социологияси”, “Партология”, “Фуқаролик жамияти институтлари”, “Сиёсий технологиялар”, “Бошқарувда ахборот технологиялари” каби фанлар ўқув жараёнига модернизациялаштирилган тарзда жорий қилина бошланди. Академияда “Раҳбарнинг касб маҳорати” лабораториясини ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам бу соҳадаги амалий ишлар салмоғини оширади.

Юқорида айтиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш таълимнинг ривожланаётган назарий қоидалари билан бир қаторда, унинг амалий тизимини ҳам такомиллаштиришни талаб этади. Ўкув жараёни самарадорлигини ошириш ва профессор-ўқитувчилар фаолиятини яхшилаш муваффақият гаровидир. Раҳбар кадрлар ўз касбий ва шахсий муаммоларини ҳал этишда ёрдам берувчи юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж сезади. Айни пайтда, мутахассислар, яъни сиёсатшунос, социолог, руҳшуносларнинг малака ва кўникмаларини ошириш ҳам давр талабидир. Шу мақсадда ўтган ўкув йилида Академиянинг 30 дан ортиқ профессор-ўқитувчилари ва ходимлари хорижий мамлакатлар турдош академияларида, хусусан, Россия Президенти хузуридаги Давлат хизмати академиясида (РАГС) бўлиб, малака ошириб қайтди.

Академияда таълимнинг замонавий концепциясини амалга оширишда бошқарувнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришта катта зътибор қаратилади. Ўкув жараёнининг мақсад-вазифалари, илмий-услубий асослари, мазмуни ва шакли, зоситаларини замон талабларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга мослаш зарур.

Академияда самарали ўқитиши моделини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар раҳбар кадрларнинг касбий фаолиятига қаратилган. Бунда тингловчиларда ҳар қандай шароитда ҳам тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантириш асосий меъёр ҳисобланади. Раҳбар шахс фаолиятининг бош мақсади давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият барқарорлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг ривожланиши ва фаровонлигига эришишдир. Ҳозирда бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Дав-

лат хизмати ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу соҳадаги муҳим ўзгаришларга асос бўлади. Табиийки, мураккаб ва зиддиятли ижтимоий-иктисодий, сиёсий, гоявий-мафкуравий шароитда ҳам ҳар қандай муаммоларни ҳал қила оладиган юқори малакали раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёж ошиб боради. Бунда кенг доирадаги билим, профессионал тажриба, қийин шароитда фаолият кўрсатишга тайёрлик, ютуққа бўлган интилиш муҳимдир. Академияда ўқув жараёнини ташкил этиш шу мақсадга йўналтирилмоқда. Фанларнинг танланishi, янги ўқув дастурлари ва қўлланмаларнинг чоп этилиши, умуман, яхлит ўқув моделини ташкил этишда икки муҳим омил - ижтимоий буюртма ҳамда тингловчилар кутаётган натижга асосий омил бўлиб қолмоқда.

Биринчи омил ҳақида шуни таъкидлаш жоизки, бошқарув соҳаси юқори маданиятли, етук мутахассис, ижодкор, масъулиятли бошқарувчилар тайёрланнишини талаб этади. Шу маънода, Академияда ўқиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли бўлиб, юқори савияли раҳбар кадрлар тайёрлаш аниқ йўналишда олиб борилиши зарур. Тингловчиларда одатий тафаккурдан муаммовий тафаккурга ўтиш сезилгандагина ўқитиши самарали натижка беради. Тингловчиларда бирор қарор қабул қилишдан олдин вазиятни жиддий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, нафақат, касбий фаолиятнинг назарий асосларини ўзлаштиришни, балки замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда амалий вазифаларни ҳал қилиш кўникмаларини эгаллашни талаб этади. Шу маънода, Академия тингловчилари юқори даражадаги аналитик (таҳлилий) мушоҳадага эга бўлиши, вазиятни ҳар томонлама оқилона таҳлил қилиш, хulosha чиқариш, тегишли тавсия ишлаб чиқиши, муаммони ҳал этиш бўйича келажакка қаратилган лойиҳа тайёрлай олиши зарур. Академияда "Стра-

тегик таҳлил” фанининг ўқитилаётганлиги айнаш шу мақсадга қаратилган.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар қандай касбнинг обрўси касбий маҳорат даражаси билан белгиланади. Раҳбарлик “касбларнинг касби” бўлиб, кишига улкан масъулият юклайди. Шу боис, раҳбар кадрларни тақлаш ва уларнинг касбий маҳоратга интилишини доимо разбатлантириб бориш лозим. Ушбу масалани ҳал этиш бора-сида қатор жараёнларни кўрсатиш мумкин.

Шуни таъкидлаш зарурки, раҳбар касбий маҳоратининг кўрсаткичларидан бири меҳнат фаолиятида муваффақиятта эришиш ва ундан қоникишдир. Бу бошқарув фаолияти натижасида, меҳнатнинг аниқ ташкил этилишида, ўз касбий фаолиятига руҳий тайёргарликда янада аниқ намоён бўлади. Касб маҳорати фаолият жараёни экан, у шаклланиш, ривожланиш ва натижага эришиш босқичларидан иборат. Демакки, у фаолият, ижод ва маҳорат бор жойдагина рўёбга чиқади.

Касбий маҳорат ривожланишининг омиллари ижти-моий эҳтиёж билан ҳам белгиланади. Жамият турли соҳалари учун малакали кадрлар зарурлиги уларни қадрлаш билан боғлиқдир. Раҳбар шахс фаолияти билан унинг жамиятдаги мавқеи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг юқори обрўга эга бўлиши ҳам ўз касбий маҳоратини оширишга ундовчи куч ҳисобланади. Аксинча, касб мавқeinинг пасайиши раҳбар кадрларнинг ютуқ ва келажакка бўлган интилишини сусайтиради.

Яна бир масала шуки, раҳбарда касбий билимлар даражаси ва тажрибаси унинг шахсиятига ҳам боғлиқдир. Яъни, шахснинг индивидуал хусусиятлари, интеллектуал, ҳиссий хислатлари, маънавий олами, ахлоқи, муомаласи ҳам катта роль ўйнайди. Шу жихатдан, раҳбар шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим модели психологик таъминотни ҳам такозо қиласи. Раҳбар шахслараро мулокот одобини, ўзаро ҳамкорлик,

одамларга, қолаверса, уларнинг бир-бирларига таъсир этиш механизмларини яхши билиши зарур. Чунки, раҳбар индивидуал ва жамоага йўналтирилган стратегияни амалга оширади. Бундай ҳолатда индивидуал масъулиятни тўғри таъминлаш, умумий мақсадга эришиш учун ҳамкорликдаги ишни ташкил этиш, ниҳоят, умумий натижага эришишда ҳар бир шахснинг ҳиссасини тўғри баҳолаш мухим ўрин тутади.

Академияда янги таълим стратегиясининг яна бир мухим таянч нуктаси раҳбарларда мулоқот қобилиятини ўстиришига қаратилган интерфаол машгулотлар салмоғини оширишdir. Бинобарин, тингловчиларда интерфаол маданият кўникмаларини шакллантириш мақсадида дарс жараёнига вазият таҳлили, кейсстади, тренинглар, тақдимотлар, ишчи уйинлар, "ақлий ҳужум" каби ўқитиш услублари кенг жорий этилмоқда. Бу каби машгулотлар раҳбарда ўзи ва атрофдагиларга холис баҳо бериш, турли воқеликларга одилона қараш маҳоратини, бошқаларни эшитиш ҳамда улар учун қайгуришга мойиллик туйгуларини шакллантириши, шубҳасизdir. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Чунки бошқарув илми бир жойда қотиб қолмайди. Бугунги кунда шахсни бошқариш учун уни ҳар томонлама билмок лозим. Демак, раҳбар кадрларда бошқарув соҳасидаги фаолиятга касбий тайёргарликни таҳлил килиш, шу асосда уларни аттестациядан ўтказиш меъёrlарини, индивидуал ва касбий камчиликларни бартараф этиш ҳамда муваффақиятга интилишни шакллантириш каби тамойиллар ҳам мухимдир. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда психодиагностик ёндашувлар зарур. *Психодиагностика* раҳбар шахснинг мухим касбий сифатларини, ўзини-ўзи такомиллаштиришга руҳий тайёргарлигининг даражасини аниқлашга, шу асосда тегишли тавсиялар беришга йўналтирилган.

Хозирги кунда раҳбар асосий тайёргарликка эга

бўлиш билан бирга, маҳсус билимларини ҳам мукаммаллаштириб бориши, бошқарувнинг янги технологияларини ўзлаштириши катта аҳамият касб этади. Бу эса пухта ишланган малака ошириш тизими орқали амалга оширилади. Мазкур соҳада ҳам Академияда замонавий тизим шаклланди, дейиш мумкин.

Албатта, раҳбар ходимларни шахсий йўналтирилган ҳолда касбий тайёрлаш концепциясини амалга ошириш осон иш эмас. Бу амалиётчилар, педагог ва олимларнинг саъй-ҳаракатларини таълим беришнинг мақбул намунаси ва уни амалга ошириш воситаларини аниқ ишлаб чиқиши мақсадида бирлаштиришни назарда туради.

### **Такрорлаш ва мустақил ишлаш учун мавзулар**

1. Ўзбекистонда давлат хизмати институтининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Раҳбар қай тариқа жамоатчилик фикридан самарали фойдаланиши мумкин?
3. Жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмаслик қандай натижаларга олиб келиши мумкин?
4. Бошқарув қарорларини қабул қилишда жамоатчилик фикри.

### **Адабиётлар**

- 1 Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок керак. 10-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2003 йил 25 апрель.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т., Ўзбекистон, 2005.
4. Бекмуродов М. Мовароуннахрда жамоатчилик фикри тарихи. –Т., Фан, 1994.
- 5 Современная западная социология (Словарь). –М., Наука, 1990.
6. Холбеков А.Ж. Жамоа фикри // Туркистон, 1997, 23 апрель.
7. Холбеков А.Ж. Шарқ ва гарб мутафаккирларининг социологик таълимоти. –Т., Университет, 1996.
8. Холбеков А., Идиров У. Социология. Изоҳли лугат-маълумотнома. –Т., Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашиёти, 1999.

### **Амалий машгулот режаси**

1. Давлат хизмати институти.
2. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати институти.
3. Бошқарувда жамоатчилик фикри омили.
4. Жамоатчилик фикрининг объекти ва субъекти.
5. Жамоатчилик фикри динамикаси.
6. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда уни бошқарув тизимида қўллаш муаммои ва истиқболлари.

## **3-мавзу. Бошқарувда эмпирик социологик тадқиқотлар натижаларини қўллаш**

Мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий истиқлол тоясига мос тарзда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт асосларини қуриш ҳамда бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларга реал баҳо беришда эмпирик социологик тадқиқот натижалари ўзига хос аҳамият касб этади. Хусусан, бошқарув тизими ва жамоадаги вазијатга реал баҳо беришда социологик сўров натижаларига таяниш ҳам муҳимдир. Эмпирик социологик тадқиқот натижалари воқееликни акс эттириб, ҳаётий жараёнларни баҳолаш ва прогнозлашда муҳим аҳамиятта эга. Зоро, эмпирик социологик тадқиқотлар асосида жамоатчилик фикри мужассамдир. Ўз навбатида "...жамоатчилик фикри - фуқаролик жамиятигининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу".<sup>1</sup>

Бошқарувда социологик сўров маълумотларидан кенг фойдаланишнинг ижобий жиҳати шундаки, социологик тадқиқотлар асосида ижтимоий жараёнларнинг реал ҳолати ўрганилиб, жамият аъзоларининг ижтимоий воқеаларга муносабати таҳлил этилади. Жараёнларнинг эмпирик жиҳатлари тадқиқ этилиб, назарий хулоса ҳамда муаммо ечими йўлидаги таклиф ва тавсиялар жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади. Бу эса жамият ва жамоани бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари ҳаётида жамоатчилик фикри азалдан юқори мақомга эга бўлиб келган. Кўпгина анъанавий ижтимоий институтлар, маҳалла ва ўзини-ўзи идора қилувчи ташкилотлар, асосан, жамоатчилик фикрига таянган. Шундан келиб чиққан ҳолда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Узбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуарлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари //Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва матърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. -Т., Узбекистон, 2003. 26-6.

ижтимоий хабардорлик, қолаверса, жамоатчилик мұхокамасига ижтимоий фикрларни олиб чиқиши анъанавий жойлар - маҳалла гузарлари, чойхона, карвонсарой, түй-мағарала, тантана, ҳашар ва меҳмондорчиликда мұхокамалардан ўтган. Шу билан бирга, жамоатчилик фикри доимо мұхим давлат қарорларини қабул қилишнинг ажралмас қисми бўлиб келган.<sup>2</sup> Демак, жамоатчилик фикрига таяниш Шарқ ҳалқлари ҳаётидан кўп асрлардан бери қарор топиб, ривожланиб, анъана ва одатларимиздан озиқланиб келган. Бугунги кунда ижтимоий фикрга таяниш, уни ўрганиш ва муйян йўналишда шакллантириш мавжуд реал жараёнларга тўғри баҳо беришда мұхим аҳамият касб этади.

Маълумки, бошқарув, нафақат, назарий, балки эмпирик тадқиқотлар обьекти ҳамдир. Бу, уларнинг мұхим тури бўлган амалий (тадбиқий) социологик тадқиқотларга хосдир. Аввало, уларнинг ўзаро фарқини аниқлаб олайлик.

Эмпирик тадқиқот – локал (айрим, алоҳида) социал муаммолар, аниқ вазифаларни ҳал этиш, хусусан, ижтимоий гуруҳ ичидаги ва гуруҳлараро муносабатларни ҳамда бошқа социал жараёнларни тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганишдир. Эмпирик тадқиқот муайян назарий гояларни аниқлашга, қўлланилаётган аниқ социологик тадқиқот услубларини текширишга йўналтирилган бўлиши ҳам мумкин.<sup>3</sup>

Тадбиқий тадқиқот – эмпирик тадқиқотларнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, ижтимоий ҳаёт муаммоларини амалда ҳал этиш мақсадига эга ҳамда аниқ социал буюртма бўйича амалга ошириладиган тадқиқотдир.<sup>4</sup>

<sup>2</sup>Холбеков А.Ж., Матибоев Г.Б. Ижтимоий адэлат ва демократия: барқарор таракқиёт йўлида. -Т.,Янги аср авлоди, 2004, 35-бет.

<sup>3</sup> Зaborовский Г.Е., Костина Н.Б. Социология управления. Учебное пособие. -М., Гардарики, 2004, с. 117.

<sup>4</sup> Уша манба.

Хуллас, тадбиқий социологик тадқиқотнинг мухим хусусияти - унинг амалий йўналтирилганлигидир. Ҳам тадбиқий, ҳам эмпирик тадқиқотларни умумий маънода амалий социологик тадқиқотлар деб аташ мумкин (биз энди атамани айнан шу маънода ишлатамиз).

Амалий социологик тадқиқотлар маълум методологик тамойиллар, дастур, услугуб ва тартиблар асосида амалга оширилади. Бундан мақсад - амалда бирор аниқ социал самарага эришишдир. Амалий социологик тадқиқотлар билан шугулланувчи мутахассислар “амалиётчи-социолог” деб аталиши ҳам бежиз эмас. Амалий тадқиқот учун буюртма берувчи, масалан, бирор таълим муассасаси, корхона, ташкилот, фирма ёки оммавий ахборот воситаси (телевидение, радио, газета ёки журнал) “буюртмачи” деб номланади. Буюртмачи олинган натижадан мавжуд вазиятни яхшилаш, муаммони амалда ҳал этиш, хуллас бошқарув ҳаракатини амалга оширишда фойдаланади.

Мутахассислар фикрича, амалий социологик тадқиқот асосига икки мухим тамойил - эмпиризм ва прагматизм қўйилади. Эмпиризм - ўтказиладиган тадқиқотга мос тарзда муайян социал вазият ёки реал социал муаммони аниқ эмпирик ўрганишнинг зарурлигидир. Прагматизм эса ўтказилган тадқиқот маълумотларидан фойдаланиш ёрдамида аниқ самарага эришишни англатади.<sup>5</sup>

Амалий социологик тадқиқот бошқарувни такомиллаштиришга сезиларли таъсир кўрсатувчи омилдир. Чунки социал объект (социал воқелик, социал жараён, социал муносабат, социал ўзгариш ва ҳ.к.) ҳолати ҳақидаги социологик хulosалар, тавсия ва мулоҳаза-

<sup>5</sup> Эборовский Г.Е.Костина Н.Б.Социология управления. Учебное пособие. –М., Гардарики, 2004, с. 118

лар бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бу қай даражада (мамлакат, минтака, шаҳар, муассаса, корхона, фирма, ташкилот) бўлишидан қатъи назар, қарорларнинг асосли, исботланган, ишонарли ва ҳар томонлама ўйланган бўлишига олиб келади. Ҳар қандай амалий социологик тадқиқотлар бошқарув социологиясига дахлдор бўлиб, муайян шаклда бошқарув хусусиятига эга бўлади. Сабаби, тадқиқот давомида қўлга киритилган натижалар асосида муайян бошқарув қарорлари қабул қилинади ва ундан келиб чиқиб, аниқ ҳаракат бажарилади. Акс ҳолда амалий тадқиқот ўтказишнинг маъниси йўқ. Ўтказилган тадқиқот маълумотлари асосида бошқарув хусусиятига эга бўлган қарорлар қабул қилинсангина, амалий социологик тадқиқотлар муайян қимматга эга бўлади.<sup>6</sup>

Шу билан бирга, бошқарув муаммоларининг ўзига бевосита тегишли бўлган амалий социологик тадқиқотларнинг ҳам мунтазам ўтказилиб турилиши мақсадга мувофиқдир. Хусусан, бошқарув фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва ўзини-ўзи баҳолашни аниқлаш мумкин. Бунда бошқарув фаолияти билан банд бўлганлар ўртасида тадқиқот ўтказилади. Шуни айтиб ўтиш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари орасида “Бошқарув социологияси ва психологияси” кафедраси томонидан амалий социологик тадқиқотларни мунтазам ўтказиш амалиёти жорий этилмоқда.

Бошқарувда эмпирик социологик тадқиқотлар маълумотларини қўллаш қўйидаги ижобий натижаларга олиб келади:

<sup>6</sup> Эборовский Г.Е.Костина Н.Б.Социология управления. Учебное пособие. —М., Гардарики, 2004, с. 118

-бошқарувнинг сифатли ташкил этилишини таъминлайди, яъни раҳбар реал маълумот асосида ташкилот, корхона ёки жамоадаги умумий муҳит ҳақида хабардор бўлиб, ўз фаолиятини ушбу муҳитга мувофиқлаштиради ёки муҳитнинг ижобий жиҳатини таъминлашга интилади;

-раҳбарнинг мавжуд муаммо ва камчиликлар тўғрисида хабардорлик даражаси ошиб, қабул қилинажак қарорни жамоадаги умумий муҳит билан ҳамоҳанглаштиради;

-социологик сўров натижасида раҳбар ва ходим орасидаги муносабатга ойдинлик киритилади, хусусан, ходимларнинг ўз раҳбарига муносабати, уларнинг бошқарув ва ташкилий қобилиятлари, маънавий жиҳатлари ойдинлашади, бу жиҳат ҳам бошқарувда етакчи мавқега эга;

-аноним сўров туфайли сухбат жараёнида миллий менталитетимизга хос андишлилик хусусиятларининг устунлиги боис юзага чиқмаган специфик қирралар ҳам очиладики, ушбу жиҳатлар ҳам жамоадаги реал вазијатни аниқлашда муҳимдир;

-сўров маълумотларига таянилган ҳолда корхонанинг фаолияти режалаштирилади ва ижтимоий фикр билан ҳисоблаппеш раҳбарнинг ўз жамоаси обрўсига ижобий таъсир этади. ушбу ҳолат бошқарувда муҳим жиҳатлардан биридир;

-социологик сўров натижалари асосида жамоада кадрларни жой-жойига қўйиш, уларнинг билим ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, бугунги воқеликка мос дунёқарашга эга кадрларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш каби жиҳатларга ҳам эътибор қаратилади;

-жойларда, умуман, меҳнат жамоаларида кадрлар ислоҳотини амалга оширишда жамоанинг фикри билан

ҳисоблашиш самарали натижа беради, зеро раҳбарга энг аввало, ўз жамоаси тўғри баҳо бериши мумкин.

Амалий социологик тадқиқотларнинг методологияси ва услубияти масаласида социологик тадқиқот дастурига аҳамият бериш зарур.

**Социологик тадқиқот дастури** – тадқиқотнинг асосий назарияси, методологияси, тамойили ва чоратадбирлари ҳамда уни ташкил этишни баён қилишдир. Социологик тадқиқот дастури учта вазифани бажаради:

- 1) методологик (муаммонинг қўйилиши, тадқиқотнинг мақсади, вазифа ва тамойиллари);
- 2) методик (тадқиқотнинг умумий мантиқий режасини ишлаб чиқиш);
- 3) ташкилий (мехнатни тақсимлаш, тадқиқот асосий босқичларини ўтказишнинг доимийлигини назорат қилиш ва х.к.).

Социологик тадқиқот дастури тузилиши жиҳатидан икки – методологик ва услубий бўлимлардан иборат.

### I. Амалий социологик тадқиқот дастурининг методологик бўлими.

Дастурни ишлаб чиқиш *муаммони асослашдан бошланади*. Ижтимоий муаммо – кундалик ҳаётда ўз ечимини кутаётган ҳолатдир. Бу вазиятнинг тадқиқот дастурида акс этиши ва аниқ қўйилиши ижтимоий турмушнинг муайян соҳасида амал қилаётган мавжуд ҳаётий андозалардан қониқмаслик, ушбу муаммолар ечимини топиш эҳтиёжи ҳамда унинг ечимига оид натижаларни асослаш талабидан келиб чиқади. Ижтимоий муаммо жамиятнинг турли соҳаларида мавжуд бўлиб, кундалик ҳаётда ўз ечимини топмагач, амалий тадқиқотга мурожаат этилади. Бундай мурожаат ижтимоий буюртма дейилиб, у муайян шахс ёки корхона, ташкилот, жамоа томонидан берилиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, социолог ташаббуси билан жамият реал ҳәёттүү муаммолар ҳолатини аниклаш ва уларнинг ечимини илмий асослашга оид маълумот олиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида сүров ўтказилиши мумкин. Бу ўринда социал муаммо – таҳлил этиш ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқишни тақозо этувчи зиддиятли вазиятдир. Муаммо бўлмаса, тадқиқот ўтказилмайди. Шунинг учун, даставвал, қўйилаётган муаммо ҳал этиладими ёки йўқми деган савонни қўйиш ўринлидир. Демак, сунъий ўйлаб топилмаган, балки мавжуд бўлган муаммо бўлсагина тадқиқот янгилик касб этади. Шунингдек, муаммони қўйиш ва асослаш учун у ҳақда шу пайтгача нима маълум, нима номаълумлигини билиш зарур. Муаммони қўйиш кўп жиҳатдан тадқиқот турини белгилаб беради. Шунга мос тарзда аниқ вазифага қараб, тадқиқотнинг синама, тасвирловчи ва таҳлилий турлари мавжуд. Уларни қисқача кўриб чиқамиз.

*Синама тадқиқот.* Бунда тезкор социологик ахборот олинади, тадқиқотга ҳажм жиҳатидан катта бўлмаган респондентлар гурӯҳи жалб этилади. Агарда бундай тадқиқот ишлаб чиқилган воситаларнинг (анкеталар, маҳсус бланкалар ва б.) сифатини текширишга қаратилган бўлса, *пилотаж тадқиқот* дейилади. Бунда респондентларнинг кичик гурӯҳи ишлаб чиқилган анкета (сўровнома) қай даражада аниқ ишлашини билиш мақсадида олдиндан сўраб кўрилади, яъни кейинроқ сўровга жалб этиладиган респондентлар саволларни тушунадиларми, уларга жавоб беришни хоҳлайдиларми ёки йўқми деган масала аникланади. Бундай тадқиқотдан сўнг унга аниклик киритилиб, асосий иш бошланади.

*Тасвирловчи тадқиқот.* Бундай тадқиқот ўрганилаётган социал ҳодиса ёки жараён ҳақида умумий маълумот олишга қаратилади. Натижада, ўрганилаётган

объект ҳолатининг умумий кўриниши аниқланади. Лекин умумий тасаввурга эришилса-да, ишнинг моҳияти чуқур очилмайди.

*Таҳлилий (аналитик) тадқиқот.* Бундай тадқиқот муаммони чуқур ўрганиш, яъни муаммонинг келиб чиқиш сабаби, зиддиятли жиҳати, хусусияти ва уни ҳал этиш йўлларини аниқлашга қаратилади. Ўрганилаётган объект хусусиятлар ўртасидаги алоқадорлик, унга таъсир этувчи ички ва ташки омиллар ҳам аниқланади. Табиийки, таҳлилий социологик тадқиқотни амалга оширувчи мутахассислар мураккаб социал муаммоларни таҳлил қилиш кўникласига эга бўлиши зарур.

*Муаммо аниқлангач, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланади.* Тадқиқотнинг умумий йўналиши, унинг натижаси тадбиқий хусусиятга эга бўлиб, аник мақсадни қўзлайди. Унинг вазифаси бир нечта бўлиб, мақсадни аниқлаштиради, унга эришиш воситаларизни белгилайди. Шу билан бирга, тадқиқот вазифаси муаммонинг таҳлили ва унинг ечимига қаратилиши зарур.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари асослангач, унинг обьекти ва предмети аниқланади. Амалий социологик тадқиқотда обьект кўпинча ижтимоий групҳар ҳисобланади. зеро ҳар қандай социал муаммо шунчаки эмас, балки кимларнингdir маълум бирлиги, яъни групҳи билан боғлиқдир. Ўз навбатида, тадқиқотнинг ўрганилиши зарур бўлган хусусияти ҳам унинг обьекти ҳисобланади.

Тадқиқот дастурининг навбатдаги қисми – асосий тушунчаларни изоҳлаш бўлиб, у таҳлилни талаб этади. Бунда тадқиқотда қўлланадиган тушунча аник ва лўнда тавсифланади, ҳар бир тушунчанинг тузилиши очиб берилади. Шундагина муайян тушунчани аник

ўрганиш мумкин бўлади. Гап шундаки, кўпгина тушунчалар бир нечта мазмунга эга бўлиб, адабиётларда ҳам турлича изоҳланади.

Тадқиқот методологик бўлиммининг навбатдаги қисми - тахмин (гипотеза) ҳисобланади. Гипотеза – бирор-бир фактлар, ҳодиса, жараёнларни тушунтириш учун илгари суриладиган илмий фараз бўлиб, тадқиқот натижалари уни ё тасдиқлайди ёки рад этади. Бу бирор тахминсиз тадқиқот ўтказгандан кўра яхшидир. Социолог маълум натижага эга бўлишни олдиндан назарда тутмоғи зарур. Шу тариқа гипотеза тадқиқотнинг йўналишини белгилайди, шунинг учун у аниқ шакллантирилган ва текширилган бўлиши зарур.

## II. Амалий социологик тадқиқот ластурининг услубий (методик) бўлими.

Социологик тадқиқот услубиёти (методикаси) - социал фактларни аниқлаш услуби ва тартиб-қоидалари ҳамда социологик ахборот олиш, қайта ишлаш ҳамда тахжил қилиш воситасидир.

Социологик тадқиқотнинг услубий бўлими ўз ичига ўрганилаётган ва тадқиқ этилаётган шахслар сифимини аниқлашни қамраб олади. Бошқача айтганда, мухим масала – *танлаш* (выборка), яъни кимни ўрганиш зарур – тадқиқот этилаётган ҳажмними (сифим) ёки унинг бир қисминими деган масаладир. Биринчи ҳолда тадқиқот ялпи, иккинчи ҳолатда эса танланма ҳисобланади.

Танлашга асосланган тадқиқот ўрганилаётган ҳажмнинг (сифимнинг) зарур қисмини аниқлашга асосланади. Бу қисм танланма сифим, яъни танлаш деб аталади. Танлаш бутун объектни ўзида мужассам этади ва унинг ўзига хос модели ҳисобланади. Бу ҳолда бутун объект “бош сифим” деб аталади. Асосий мураккаблик шундаки, бутуннинг шундай қисмини топиш ва аниқлаш ке-

ракки, у бутуннинг асосий хусусиятларини етарли даржада акс эттиирсин, яъни қисмга қараб бутун ҳақида фикр юритиш мумкин бўлсин.

Албатта, ўрганилаётган сифимнинг сони, таркибий қисми ва сифати масаласи келиб чиқиши табиийдир. Маълумки, барчани бирваракайига, ялпи тарзда ўрганиб бўлмайди, чунки бу кўп вақтни олиб, молиявий сарф-харажатни ошириб юборади, бунинг устига мавжуд маълумотни қайта ишлашни ҳам ўта мураккаблаштиради. Бунга зарурат ҳам йўқ. Демак, респондентларнинг маълум чегараланган сони билан ҳам мақсадга эришиш мумкин. Лекин бунинг муҳим шарти мавжуд: *танланган сигим репрезентатив бўлиши, яъни бош сигимнинг барча хусусиятларини мос тарзда, пропорционал ҳолатда ифодалаши, акс эттириши, ҳаттокази, “такрорлаши” зарур.*

Шу ўринда танлаш жараёни тўғрисида яна тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Аввало, танлаш жараёнининг муҳим натижаси *танланманинг, яъни танлаб олинадиган сигимнинг ҳажмини белгилаш билан боғлиқ*. Айнан танланманинг ҳажми тадқиқот бирликларининг умумий сонини ўзида акс эттиради. Танланманинг ҳажми бош (асосий) сигимнинг тузилиш жиҳатидан бир хиллигига боғлиқ: бош сифим тузилишига қўра бир хил бўлса, танланманинг ҳажми ҳам шунча кам ёки кичик бўлади. Танланманинг ҳажми танлаш белгилари, шунингдек, натижанинг талаб этилаётган аниқлик даражаси билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам танланма миқдори маҳсус формула бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бунда бош сифим ва танланма ҳажми ўртасидаги пропорционал, яъни тўғридан-тўғри боғлиқлик қайта намоён бўлади.<sup>7</sup>

<sup>7</sup> Зборовский Г.Е., Костина Н.Б. Социология управления. Учебное пособие. -М., Гардарики, 2004, с. 125-126.

Таджиқотнинг танлаш жараёни амалга оширилгач, яъни танланма ўрнатилгач, таджиқотнинг стратегик ва ташкилий режаси тузилади. Бунда режа асосида таджиқотни тайёрлаш ва ўтказиш ким томонидан ва қачон амалга оширилиши қатъий тартибда ёзиб чиқилади. Бундай аниқ режалаштириш, шунингдек, таджиқотда кўлга киритилган маълумотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва изохлаш асосида таҳлил қилишга нисбатан ҳам амалга оширилади. Бошқача айтганда, эмпирик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари аниқланади: тўпланган маълумотларни бирламчи ва иккиласмчи қайта ишлаш, компьютерга киритиш ва қайта ишлаш, якуний жадваллар тузиш, маълумотлар таҳлили, якуний таҳлил, хулоса ва тавсиялар. Қолаверса, таджиқот жараёнида қилинган ишлар ҳақида ҳисобот тайёрлаш ҳам четда қолмаслиги зарур.

Шуни таъкидлаш зарурки, социологик таджиқот турлари турли-туман бўлиб (сўров, ҳужжатларни ўрганиш, эксперт сўрови, кузатув ва б.), ундан кўзланадиган мақсад – социологик ахборот тўплаштириш. Социологик сўров социологик ахборот тўплашнинг асосий усулларидан биридир. Сўров усулини бирламчи социологик ахборот олиш усули деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Бу усулга кўра, таджиқотчи ва респондент ўртасида бевосита мулокот ўрнатилади

Сўровнинг бошқарув социологияси учун аҳамияти шундаки, у, нафақат, социал фактлар, воқеа ва ҳодисалар тўғрисида, балки одамларнинг фикр-мулоҳаза ҳамда баҳолашлари ҳақида ҳам маълумот олиш имконини беради. Бошқача айтганда, сўров - бир томондан, объектив ҳодиса ва жараёнлар ҳақида, иккинчи томондан, одамларнинг субъектив тасаввур, фикр-мулоҳазалари ҳақида ахборот олиш ҳамда ахборот бериштириш. Шу маънода сўров социолог ва респондентлар

Үртасидаги ижтимоий-психологик муроқот ҳамдир.<sup>8</sup> Унинг натижаси бошқарувга, умуман, жамият ва давлат ҳаётига оид фикр-мулоҳазаларни одамлардан имкон қадар кўпроқ олиш билан баҳоланади. Лекин ушбу услубнинг самараси юқори бўлиши учун кимдан нимани қай тариқа сўрашни билиш, энг муҳими, олинган жавобларга ишониш зарурдир.

Сўров турларига келсак, унинг икки - ёзма (анкета) ва оғзаки (интервью олиш) турларини ўрганиш ўринлидир.

*Анкета сўрови* – гуруҳ ёки индивидуал тарзда ўтказилиши мумкин. Гуруҳ ўртасидаги анкета сўрови ўқиш ёки иш жойида 15-20 киши орасида ўтказилади. Барча анкеталар йигиб олинади. Индивидуал сўров қоидаларига кўра респондент анкетани ёлғиз тўлдиради.

*Анкета вараги* маълум тузилишга эга бўлиши зарур. У бир неча қисмдан иборат бўлиб, унинг кириш қисмида бевосита респондентга мурожаат қилинади. Бунда тадқиқотнинг мақсад-вазифалари, аҳамияти, шунингдек, сўров натижаларидан қай тарзда фойдаланилиши, тўлдириш қоидалари, тадқиқотнинг аноним, яъни ёпиқ хусусиятга эга эканлиги таъкидланади. Асосий қисмдан зарур ахборот олишга қаратилган саволлар, шунингдек, унинг блоклари ўрин олади. Якуний қисми респондентларнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари (жинси, ёши, оиласиб аҳволи, маълумоти, ижтимоий келиб чиқиши, касби, ўқиш ёки иш жойи, шунингдек даромадлари) ҳақидаги саволлардан иборат бўлади.

Мутахассислар фикрига кўра, анкета катта ҳажмли бўлмаслиги керак. Уни тўлдириш вақти катталар учун 40-45 минут, ёшлар учун 30-35 минутдан ошмаслиги керак.

<sup>8</sup> Эзборовский Г.Е., Костина Н.Б. Социология управления. Учебное пособие. - М., Гардарики, 2004, с. 131.

Анкета сўровини амалга ошириш тадбири ҳам мұхим аҳамиятта эга. Суров учун зарур барча нарсалар - жой, қоғоз-қалам, шароит, яъни ортиқча одамларнинг бўлмаслиги олдиндан ҳозирланиши зарур. Ҳар бир респондент жавобларининг мустақил, эркин баён қилинишига эришиш зарур. Бу кўп жиҳатдан анкета олаётган мутахассис тайёргарлиги ва касб маҳоратига боғлик Шунингдек, у дўстона муносабат ўrnата олиши, ширинасуҳан, респондентни ўзига жалб эта билиши зарур.

Огзаки шаклдаги сўров ҳақида гап кетганда, аввало, интервьюга оид мулоҳазага тўхталиш жоиз. *Интервью* – бу интервьюер (интервью оловчи мутахассис) ва респондент ўртасида мақсадли сұхбат орқали бирламчи социологик ахборот олишдир.

Интервюнинг социологик ахборот йиғиш усули сифатидаги афзалликлари қуйидагича:

- интервью жараёнида респондентнинг маълумоти, шахсий маданияти, масалани тушуниш даражасини ҳисобга олиш имконияти туғилади;
- интервью респондентнинг ҳис-туйғулари, муаммо ва қўйилган масалага нисбатан муносабатини кузатиши имконини беради. Бунда зарур пайтда саволларни ўзгартириш, қўшимча аниклаштирувчи саволлар бериш мумкин бўлади;
- тажрибали интервьюер респондент холис жавоб берадётган ёки бермаётганлигини сезиб туради.

Лекин интервью усулининг камчилиги ҳам бор. Интервью олиш – мураккаб ва кўп меҳнат талаб этувчи жараён бўлиб, респондентларнинг чегараланган сонини талаб этади. Аслида, социолог бир кунда 5-6 интервью олиши мумкин, чунки ундан ошса, “сайлаб олиш эфекти” келиб чиқади, яъни мутахассиснинг чарчашни натижасида ахборот сифати пасайиб кетади.<sup>9</sup>

<sup>9</sup> Зборовский Г.Е., Костина Н.Б. Социология управления. Учебное пособие. –М., Гардарики, 2004, с. 133.

Албатта, интервью олишга яхши тайёрланиш зарур. Мутахассис юқори малака билан бирга, зарур шахсий сифатларга эга булиши, яъни хушмуомала, самимий, жиддий бўлмоги шарт. Колаверса, ўз соҳасини яхши билиб, вазиятга тез мослашувчан, юзага келган мураккаб вазиятдан чиқа олиши зарур. Социолог ўз ишини чуқур билиши, респондентларнинг маълумот, маданий даражаси ва қизиқиши, меҳнат ҳамда турмуш хусусиятларини, мазкур мухитда сухбатлашиш қоидаларини яхши билмоғи лозим.

Юқорида тавсифланган амалий социологик тадқиқот усуллари миқдорий усул бўлиб, социологияда қаттиқ (миқдорий) усул деб номланади. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб бундай усулга нисбатан жиддий танқидий фикрлар билдирила бошланди. Бунда миқдорий усуллар социал бирикмалар, институт ва ташкилотлар ўзаро муносабатларининг фақатгина умумий йўналишини тадқиқ этиш имкониятини бериб, уларда фаолият юритаётган одамларнинг ички дунёсини ўрганишга ўрин қолдирмайди, деган эътирози устуворлик қиласди. Баъзи мутахассислар миқдорий усуллар, асосан, рационализмга (оқилоналийка) таяниши туфайли инсонпарварлигини, социал дунёнинг субъектив жиҳатларини эътибордан четда қолдиради, натижада, инсонтараро ҳаракат ва муносабатларни тушуниш ҳамда изоҳлаш мураккаблашади, деб ҳисоблашади.

XX аср охиридан бошлаб, «қаттиқ» усуллар билан бир қаторда «юмшок» (сифатий) усуллар ҳам қўлла на бошланди. Айтиш зарурки, ҳар икки хилдаги усуллар ҳам ўз ўрнига эга. Зоро, миқдорий ёндашувларда турли социал ҳодисалар ўртасидаги объектив алоқадорликлар, уларнинг такрорланиши, социал жараён ва ўзгаришларни гуруҳлаштириш, тизимлаштириш ҳамда уларга нисбатан респондентларнинг муносабат-

ларини аниқлаш самарали бўлади. Сифатий ёндашувлар социал ҳодисаларнинг умумий қиёфасини тавсифлаш ва таснифлашда, айниқса, инсон ҳаракатидаги ички, субъектив моҳият ва жиҳатларни аниқлашга имкон беради. Баъзан умумий кўринишда “рационаллик - миқдорий ёндашувлар - қаттиқ услублар” ҳолати “субъективлик - сифатий ёндашувлар - юмшоқ усуллар” ҳолатига қарама-қарши қўйилади. Аслида гап социологик тадқиқотларда бу ёндашув ва усулларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш эмас, балки уларни ўзаро боғлай олиш, ўз ўрнида ишлатиш ҳақида бормоғи керак. Ҳозирда социологлар буни тўғри тушунишмоқда.

Сифатий услубларга мансуб “юмшоқ” усуллардан бири - **“фокус гурух”** усулидир. Унинг мазмуни гуруҳ аъзолари иштирокидаги баҳсни ташкил этишдан иборат. Баҳс олиб борувчи гуруҳ қўйилган муаммони тадқиқ этувчи мутахассис томонидан йигилади. Мутахассиснинг ўзи модератор сифатида баҳсни олиб боради. Гуруҳ эса тасодифан йигилган (масалан, музейда бирор бир асарни томоша килаётганлар), мухокама қилинаётган муаммога нисбатан қарама-қарши нуқтаи назарга эга одамларни қамраб олган бўлиши ҳам мумкин. Гуруҳнинг мақбул таркиби 15 киши атрофида.

Гуруҳ баҳсининг мақсади – муайян социал муаммоларни, ходиса, воқеа ва ҳолатларни шахсларнинг аниқ гуруҳлари томонидан тушунишидаги фарқни аниқлашdir. Баъзан баҳснинг вазифаси муаммони ҳал этиш усулларини мухокама қилишдан иборат бўлади. Шу билан бирга, “фокус гурух” усули модератордан ўрганилаётган мавзуни мухокама қилишнинг пухта ўйланган дастури бўлишини талаб этади.

“Фокус гурух” усули тадбиқий маркетинг соҳасида кенг тарқалган. Айниқса, у харидорлар талабини, улар-

нинг рекламага муносабатини ўрганишда, бирор-бир фирма фаолиятига оид аниқ бошқарув қарорларини тайёрлашда кўл келади.

Амалий социологик тадқиқотлар соҳасидаги сифат усулларидан яна бири биографик усулдир. Бу услубни ўз вақтида таниқли социолог Ф.Знанецкий қўллаб, ўзининг “Поляк дәжқонлари Европа ва Америкада” асарини яратган эди.

“Юмшоқ” усуллардан яна бири *кейс-стади* ҳисобланади. Бу усул қўлланганда обьект алоҳида воқеа ёки аниқ социал бирлик ҳисобланади. Объект хусусиятини чуқур ўрганиш асосида амалий хulosса ва аниқ тавсиялар ишлаб чиқилади. Ушбу усулнинг яна бир хусусияти ~~шундаки, социолог ўрганилаётган обьектга кузатув ёрдамида муттасил кириб боради. Бу обьектни синчилаб тасвирлаш ва шу асосда таҳлил қилиш имконини беради.~~

Хуллас, социологик тадқиқотларнинг сифатий услублари турли вазиятларни, одамлар, уларнинг гурухларига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Социолог бу усуллар ёрдамида инсоннинг қундалик тажрибасини, унинг бошқа инсонлар билан ўзаро ҳаракатини сўзда, муомалада, ҳаёти ҳақидаги хикоялари орқали ўргана олиш имконига эга бўлади. Натижада, инсон хатти-ҳаракатининг яширин (ботиний) социал мазмуни очилади.

Бирламчи социологик ахборот йиғишнинг юқорида кўрсатилган усулларидан ҳар бири ижобий жиҳати билан бирга, баъзи камчиликларга ҳам эга. Ўрганилаётган обьект хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, шунингдек, муаммонинг илмий адабиётда ўрганилганлик дарражаси, мутахассиснинг имконияти, ўтказилаётган тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олиш асосида муайян усул танланади. Баъзан битта тадқиқот

жараёнида бир неча усул биргаликда қўлланиладики, бу олинадиган маълумотларнинг ишончлилигини оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, социологик тадқиқотнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиши, тадқиқотни ўтказиш ва маълумотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш турли пайтда амалга оширилсада, улар ўзаро муштаракликда, яъни умумий мақсадга бўйсундирилган ҳолда олиб борилиши зарур. Тадқиқотнинг бу уч муҳим босқичининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш ишнинг сифатли ўтказилиши ва натижанинг реаллик даражасига ижобий таъсир этади, яъни «ишлаб чиқилган назарий умумлашмалардан реал тадқиқот жараёнларига ўта билиш, иккинчидан, олинган натижалар, фактлар, йигилган эмпирик материаллардан назарий умумлашмаларга, илмга қайта билиш»<sup>10</sup> ҳолати таъминланади. Демак, назарий қарашлар билан амалий жараёнларнинг муштараклилигини, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлаш тадқиқот сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу икки жиҳат тадқиқотнинг тизимлилигини таъминлаб, жамиятда мавжуд социал муаммоларни назарий жиҳатдан тадқиқ этишининг давомийлиги, узлуксизлигини таъминлаб, назарий таҳлиллар билан реал жараён ўртасидаги ўзаро диалектик боғлиқликни ифодалайди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиб, реал жараёнга баҳо бериш орқали хулоса ва прогнозлар ишлаб чиқиши бўйича фаолият юритаётган «Ижтимоий фикр» маркази «Ўзбекистон – умумий уйимиз» мавзууда ҳар йили республика миқёсида социологик сўров ўтказади. Тадқиқотлар дастурида миллатлараро муносабатларнинг реал

<sup>10</sup> Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б., Бекмуродов М.Б., Қаюмов У.К. Социологик тадқиқотлар амалиёти (ўқув-услубий қўлланма). – Т., Ижтимоий фикр, 2001,. 9-бет.

ҳолатини ўрганиш мунтазам равишида тадқиқот объекти сифатида қайд этилади. Бир неча йиллар давомида ўтказилган тадқиқотнинг умумий натижаларидан бири шуки, “аҳиллик ва бошқа миллат вакилларига ўзаро ҳурматда бўлиш ўзбекларда тарихан шаклланган сифат бўлиши билан бирга, мамлакатимизда миллатларо муносабатлар ҳолатини ҳам кўрсатувчи доимийликка айланган”, шунингдек, миллатлараро тотувлик турли миллат вакилларининг «умумий маданияти ва руҳиятининг ажralмас қисмига айланниб кетган».<sup>11</sup> Лекин эришилган ютуқлар хотиржамликка берилишга асос бўлмайди, зоро, миллатлараро муносабатлар тарих, сиёsat, маданият ва инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқ жараёндир. Маълумки, миллий ҳис-туйғу ноzik, олдиндан аниқ башорат қилиб бўлмайдиган ҳодиса ҳисобланади. Шу сабабли, этник хусусиятларнинг ҳал этилмаган масалаларини белгилаш миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга имкон беради ва бу борадаги тадқиқотларни тизимли равишида давом эттиришни кун тартибига қўяди.

Юқорида социологик тадқиқот дастурида гипотеза (тахмин) ҳам муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ўтдик. Бу ўринда шуни кўшимча сифатида айтиб ўтиш жоизки, тадқиқотда илгари сурилаётган фикрлар ҳаётий реалликка мос бўлиши талаб этилади. Илмий гипотеза исботи барчага маълум воқеа ва ҳодисаларни қайта асослашга багишлиган бўлмаслиги, аксинча, ўз ечини кутаётган, илгари ҳал этилган бўлса-да, бугунги кун нуқтаи назаридан янгича муносабатни талаб этиб, қайта асослашга эҳтиёж сезилган муаммолар тахминига багишлиган бўлиши лозим. Бунинг тушунарли бўлиши учун «Ўзбекистон – умумий уйимиз» дастури-

<sup>11</sup> Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсиэликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., Узбекистон, 1997, 80-бет.

га мурожаат этсак, унда гипотеза сифатида қуидаги жиҳатлар илгари сурилган: Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов илгари сурган қуидаги фикрлар методологик асос вазифасини ўтайди: «...миллатлараро муносабатларда... можароли вазиятларнинг юзага келиши учун замин мавжуд. У Марказий Осиёдаги республикаларнинг ҳудудий-маъмурӣ чегараларини вужудга келтириш соҳасида Россия империяси олиб борган ва Совет ҳокимияти давом эттирган сиёсат оқибатларига бориб тақалади».<sup>12</sup>

Демак, Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат экан, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори муҳим аҳамият касб этади, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига ҳам ёрдам беради. Шу маънода ушбу шиор:

–инсон ҳуқуқларининг камситилиши масалалари билан боғлиқ гурухий ва хусусий ёндашувлар, талаблар, шикоятларнинг эҳтимолий мавжуд бўлиши, маълум маънода нотўғри шаклланган фикр-қарашлар, «майда миллат синдроми»нинг юзага келиши ва бошқа асоссиз бўлган муаммоларни бартараф этишга;

–давлатнинг одилона миллий сиёсати жамиятнинг ўзини-ўзи миллий англации жараёни орқали жиспланишшишга, ўз вақтида барча миллатларнинг маданий-тил муаммоларининг ҳал этилишига, фуқаровий тотувликнинг амалга ошишига ёрдам беради.

Хуллас, бошқарувда эмпирик социологик тадқиқотлар натижаларига таяниш мавжуд социал жараёнларга реал баҳо беришда муҳим аҳамият касб этиб, жамоанинг умумий муваффақиятини таъминлайди. Бозор муносабатлари қарор топаётган ва фуқаролик жамияти асослари барпо этилаётган даврда ушбу жиҳат ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

<sup>12</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, ғарқарорлик шартлари ва таракқийт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997, 75-76-бетлар.

## **Такрорлаш ва мустақил ишлаш учун мавзулар**

1. Эмпирик социологик тадқиқотлар натижалари раҳбар учун нима беради?
2. Бошқарув қарорларининг таҳлилий-ахборот таъминланишида эмпирик социологик тадқиқотларнинг ўрни.
3. Социологик тадқиқот натижалари ҳаққонийлигининг социал муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти.

## **Адабиётлар**

1. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2001.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Бекмуродов М. Социология асослари. -Т.:Фан, 1994.
4. Гидденс Энтони. Социология. -Т., Шарқ. 2002.

## **Амалий машгулот режаси**

1. Раҳбарлик фаолияти ва амалий социология.
2. Эмпирик социологик тадқиқотлар: тушунча ва моҳият.
3. Эмпирик социологик тадқиқотлар дастури.
4. Эмпирик социологик тадқиқотда гипотезанинг ўрни.
5. Социологик ахборотни йиғиш услублари.
6. Эмпирик социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

Бошқарув идоралари фаолиятида эмпирик социологик тадқиқотлар натижаларини кўллаш.

## **4-мавзу. Бошқарув ва раҳбарнинг қасбий фаолияти. Раҳбар шахсини социологик ўрганиш муаммолари**

Маълумки, бошқарув ҳар қандай жамиятнинг ички эҳтиёжи бўлиб, ўз объектив асосларига эга. Аввало, бошқарув меҳнат таҳсимотидан келиб чиқади. Инсон табиатан биргаликда меҳнат қилишга, жамоага бирлашишга мажбур. Ҳар қандай жамоа меҳнат таҳсимоти ва маълум маънода ташкилотсиз мавжуд бўла олмайди. Меҳнат жараёни, умуман, ҳар қандай фаолият жараёнини ташкил этиш эҳтиёжи алоҳида меҳнат тури - бошқарувни вужудга келтиради.

Бошқарув жамият ҳамда унинг барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳалари учун ички зарурат ҳисобланади. Демак, бошқарув ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури ҳамdir. Жамият такомили даражаси эса бошқарув такомили даражаси жўрсаткичи ҳисобланади.

Бошқарув - ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган фаолиятдир, у энг кам восита (вакт, куч ва заҳиралар) сарфлаб, энг юқори натижага эришиш бўйича аниқ мақсадли, режали ва онгли равишда тапкил этилган ҳамда назоратни талаб этадиган ақлий фаолиятдир. Шу маънода «бошқарув» тушунчасини «тартибга солиши» тушунчасидан фарқлаш зарур. Стихияли жараёнтар учун бошқарув эмас, тартибга солиш қўпроқ мос келади. Бошқарув эса шундай тартибга солишни билдирадики, унга, асосан, мақсад, ўзаро алоқа, натижа қаби хусусиятлар хосдир. Бу фикрнинг исботи учун бозорни мисол қилиб келтириш мумкин. Маълумки, бозор тартиблаш механизмига эга бўлиб, ўз-ўзини бошқармайди, балки тартибга солади, холос.

Ҳар бир тараққиёт босқичида бошқарувнинг ўзига

хос тури амал қиласи. Бошқарув ҳар қандай жамиятда ижтимоий институт сифатида давлат ҳокимиютиниң вазифаси ҳисобланади. Жамият ривожининг объектив қонунлари кашф этилиши билан инсоният тарихида (асосан, капитализм босқичидан бошлаб) ижтимоий жараёнларни бошқариш онгли хусусият касб эта бошлаган. Шу даврдан бошлаб бошқарувнинг ўзи касбий фаолият соҳасига айланиб, унинг ижтимоий аҳамияти ошиб борган. Бунинг натижаси ўлароқ, бошқарув ҳақида алоҳида фан шаклландик, у ҳозирда иқтисодий тадқиқотлар, социология, руҳшунослик, кибернетика, информатика каби фан соҳалари ютуқларига таянади.

~~Бошқарув тизими субъект, яъни бошқарувчи тизим ва объект, яъни бошқарилувчи тизимни ҳам ўз ичита олади. Объект ва субъект ўртасида бевосита алоқа йўли бўлиб, у орқали субъектдан объектга кўрсатмалар, нормативлар берилади. Шу билан бирга, объектдан субъект томон ахборот алмашинувини таъминловчи қайта алоқа йўли мавжуд. Бу иккала йўналиш биргаликда ички ахборот тизимини ташкил этади. Бошқарув тизимига ташқи ахборот, масалан, атроф-муҳитнинг ташқи ахбороти таъсир ўтказиши мумкин. Мазкур ахборотнинг етарли, ишонарли ва аниқлиги бошқарув учун катта аҳамиятга эгадир. Шу маънода ҳозирда ахборот йиғиш услуги ва техникаси, ахборотни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш йўлларининг ишончлилиги катта аҳамиятга эга.~~

Бошқарув узлуксиз хусусиятга эга бўлиб, доимий равишда бир-бирининг ўрнини эгаллайдиган бошқарув жараёнидан иборат. Жараён мақсадни аниқлаш ва вазифани юклашдан бошланиб, мақсадга эрищув билан яқунланади, шу тарзда, яъни «мақсад-натижа-мақсад» кўринишидаги давом этаверади. Ҳар бир бошқарув жараёнида субъект бошқарув вазифаларини амалга

оширади. Бошқарув жараёни мазмунини ташкил қилувчи бу вазифалар бошқарув қарорини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш, ташкил этиши, тартибга солиш, ҳисобот ва назоратдан иборатдир.

Бошқарувнинг олий даражаси – жамият бошқарувида ифодасини топади. Бунда давлат ва унинг органлари, шунингдек, жамият сиёсий тизимининг бошқа унсурлари – ижтимоий ташкилотлар, сиёсий партиялар ҳам бошқарув субъектлари ҳисобланади. Олий даражадаги бошқарувда давлат асосий бўғинни ташкил қиласди. Бу давлат томонидан амалга ошириладиган бошқарувни англатгани учун «давлат бошқаруви» деб аталади. Давлат бошқаруви – бошқарувнинг асосий шаклидир. Биз бошқарувга хос ҳусусиятларга тўхталамиз.

Бошқарув конституциявий норма билан бирга мафкуравий, ахлокий, хукукий-сиёсий тамойилларга ҳам таянади ва ўз қонунийлигини таъминлайди. Бошқарув марказига қонуннинг қўйилиши орқали унинг бошқарувчилик ролини, жамият ҳётида ижтимоий-сиёсий адолатни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш мумкин.

Бошқарув органлари тизимида юқоридан қўйига қараб муайян вазифалар тизимини ҳар бир орган ўз ваколати доирасида амалга оширади. Шу маънода, бошқарув тизими вазифаларининг қўйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

1) объектив вазифалар (митакавий, ҳудудий ҳамда маҳаллий даражада ҳокимиятни амалга ошириш, иктиносид ва ижтимоий-маданий соҳалар бошқаруви, маъмурий бошқарув ва ҳ.к.);

2) технологик вазифалар (бошқарувни амалга ошириш ва юритиш услублари, яъни вазиятни ўрганиш, ташкил этиши, раҳбарлик ва ҳ.к.);

3) даврий (циклик) вазифалар (ташаббус, қарор тайёрлаш, қарор қабул қилиш, қарорни қайта кўриб чиқиши, қарорни ижрочига етказиши, амалга ошириш, назорат).

Маълумки, бошқарув доимо уч тизимдан, яъни ва-  
киллик, маъмурий ва назорат тизимларидан иборат  
бўлиб, уларнинг биринчиси мақсад, иккинчиси восита ва  
учинчиси натижанинг мақсадга мослиги учун масъулдир.

Бошқарув жараёнида мансаб ва унинг эгалари -  
mansabдорлар муҳим ўрин тутади. Бошқарув аппара-  
тининг бошқарувчи ходимлари уч гурухга бўлинади:

- раҳбарлар,
- масъул ижрочилар,
- техник ижрочилар (иш бажарувчилар).

Бу гурухлар ўзаро муносабатининг қуидаги турла-  
рини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- юқори бўғиннинг фавқулодда ваколати;
- юқори бўғиннинг ўз ваколатини қуий бўғин вако-  
лати ҳисобига кенгайтириш ҳуқуқи;
- бевосита ва тўғридан-тўғри бўйсуниш;
- функционал ва услубий бўйсуниш;
- оператив лойиҳани тасдиқлаш ҳуқуқи;
- санкциялаш;
- мажбурий мослаш;
- назоратга дахлдорлик;
- ҳисботга дахлдорлик;
- ахборот олиш ҳуқуқи;
- ҳаракатларни ўзаро мослаш ҳуқуқи ва ҳ.к.

Мавзу доирасида бошқарув ҳақидаги умумий муло-  
ҳазадан уни амалга оширувчи бошқарув кадрларининг  
касбий фаолияти масаласига ўтамиз.

Раҳбарга, умуман, давлат хизматчисига касбий таъ-  
лим бериш ҳозирги шароитда унинг профессионал мо-  
делини, мукаммал тимсолини яратишни талаб этади.  
Ҳозирги замон бошқарув илмида давлат хизматчиси  
модели асосида унинг префоссиограммаси мавжуд де-  
ган тушунча қатъий шаклланмоқда.

**Профессиограмма** - давлат хизматчисига, унинг

касбий фаолияти ва сифатларига нисбатан жамият-нинг умумлашган талабларини мужассам этувчи ҳужжат.<sup>1</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, профессиограмма, аввало, мутахассисга нисбатан касбий талабни ўзида акс эттиргани боис, уни ҳисобга олмасдан туриб давлат хизматчисини касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг якуний мақсадини аниклаб бўлмайди. Касбий ўқитишнинг мақсади эса касбий малакани шакллантириш, у, ўз навбатида, раҳбар ходимнинг маълум даражадаги касбий вазифаларни бажаришга тайёрлиги ва қобилиятидир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият кирилиши Академияси тингловчисининг наинавий профессиограммаси моделини яратиш вакти келди. Бунда мавжуд миллый тажриба ва хорижий мамлакатлар ютуқларни умумлаштириш катта самара беради.

Профессиограмма ўз хусусиятига кўра, меъёрий тавсиянома бўлиб, раҳбар касбий таълими тизими учун йўналтирувчи асосий омил бўлмоғи зарур. Касбий малака профессиограмма асосида мутахассис имконият ва тажрибасига мос тарзда шаклланади. Касбий малака ўз йўналишига кўра, интеграл, яъни жамланма сифатдир. У раҳбар кадр тайёрлашнинг мақсади ва босқичлари, бунинг учун зарур ўқув фанлари дастурлари, режа, услуб, назорат шаклларини талаб этади. Бу умумий кўринишда қуйидаги ҳолатда акс этиши мумкин<sup>2</sup> (2- чизма):

<sup>1</sup> Подготовка кадров государственной службы: методические и дидактические основы повышения эффективности. Учебно-метод. пособие / под общ. Ред. Е.А. Яблоковой. –2-е изд. –М.: Флинта: МПСИ, 2005, с. 25

<sup>2</sup> Каранг: ўша жойда, 26 бет.

## Профессиограмманинг касбий таълимдаги роли

Касб эгаси модели (профессиограмма)	Мутахассис тайёрлаш модели	Касбий малаканинг интеграл кўрсаткич сифатидаги модели (билим, малака, мутахассис шахснинг сифатлари билан бирга)
Малакали мутахассиснинг касбий фаолияти хусусиятлари	Малакали мутахассис шахсий сифатлари	Ўқитиш мақсади, мазмуни, ўқув дастурлари, режалари, услублари, ўқув шакллари ва назорат

Касбий таълимда профессиограмма дастлабки омил бўлса, мутахассис тайёрлаш модели унинг воситаси, касбий малака унинг мақсади, натижаси ва якуни хисобланади.

Бошқарув кадрларини ўқитиш ва тайёрлаш тажрибасини ўрганиш турли мамлакатларда давлат хизматчиси профессиограммасининг типологик (ўртача) қиёфасини тасвирлаш имконини беради. Россия мутахассислари томонидан давлат хизматчисининг қўйидаги тахминий профессиограммаси ишлаб чиқилган (3-жадвал)<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Деркач А.А., Маркова А.К. Профессиограмма госслужащего. -М., 2000.

## Давлат хизматчиси профессиограммаси

БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ					
T / p	Тури	Вазифалар	Усуллар ва технологиялар	Натижা	Шахс сифатлари
1.	Ахборот-тахлилий	Бошқарув вазияти таҳлили ва диагностикаси	Янги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборот йигиш ва қайта ишлаш	Бошқарув вазиятининг холис ахборот модели	Социал масъулият, таҳлилий тафаккур. касбга мос хотира
2.	Режалаштирувчи	Бошқарув вазиятини ўзгартириш (ёки сақлаб колиш) мақсадини аниқлаш	Бошқарув қарорини қабул килиш	Бошқарув вазиятининг концептуал модели	Кабул қилинган қарорлар натижаси учун масъулият, стратегик ва тизимли фикрлаш
3.	Тартибловчи	Бошқалар фаолиятини кўрсатилган меъёр доирасида ушлаб туриш	Кўрсатмани бажариш ва янгилаш	Бошқарув фаолиятини белгилangan меъёрга мос тарзда амалий ошириш	Кўрсатмани бажариш ва уни янгилашга интилиш
4.	Ражбарлик	Одамларни биргаликдаги фаолиятга жалб этиш	Одамларнинг умумий мақсадга эришиш учун биргаликдаги харакати	Ходимларнинг умумий мақсадга эришиш бўйича биргаликдаги харакати	Давлат, жамият, фуқаролар манфаатига хизмат қилишининг қадриятли йўналишлари, бошқалар тақдири учун масъуллик

5.	Ташкилий-ижро	Қабул қилинган бошқарув қарорлари-ни амалга ошириш	Қарорларни бажариш учун ашпарат ёки "команда"ни тузиш	Қабул қилинган қарор-ларни ўз вақтида ва юкори даражада ижро этиш	Мансабдор ва ижрочининг фаол муносабати, мақсаддага эришиш мотивацияси, фикрлашнинг реаллиги, ҳаққонийлик
6.	Мувофика-лаштирувчи	Ижро фаолияти иштирокчилари ҳаракатини мувофиқлаштириш	Ходимларнинг ҳамкорликдаги ишни таъминлаш	Ходимларнинг мувофика-лаштан касбий ҳаракатлари	Ўз ҳаракатини бошқалар ҳаракати билан мувофика-лаштириш қобилияти
7.	Хисобли назорат	Фаолият йўли ва натижасининг қабул қилинган қарорлар, режалар, меъёрларга мос келмаслигини аниқлаш	Жорий натижага олиб борувчи, вазиятдан иллари юрувчи назорат усуллари	Бошқарув фаолиятидаги аниқланган оғишлиларни ўз вақтида бартараф қилиш	Фаол фуқаролик бурчи, тизимли фикрлаш
8.	Инновацион	Бошқарув вазиятини ҳал этишининг анъанавий йўлларини қидириш ва топиш	Инновацион бошқарув технологияларига эгаллик	Инновацион бошқарув лойиҳалари	Социал масъулият, ижодий фикрлаш

9.	Эксперт-маслаҳат	Бошқарув қарори ва уни бажариш йўлини касбий тажриба асосида баҳолаш, тақлифлар ишлаб чиқиш	Бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш усулларига эталик, қабул қилинган қарор ижрочиларниңг эҳтимолий таркибини экспертиза қилиш	Бошқарув жараёни сифатларини асосланган эксперт баҳолаш	Эксперт-хуосалар учун масъулият, малаканинг юқори даражаси
10.	Вакиллик	Ташкилот манфаатини бошқа бўғинларда (бошқарув вертикали ва горизонтали бўйлаб) намоён килиш	Ўз ташкилоти манфаатини ифодалаш мақсадида ҳамкорлик қилиш усулларига эталик	Вакиллик алоқаларининг самарадорлиги	Ўз ташкилоти обрўси учун масъулийк, киришимлилик
11.	Касбий жиҳатдан ўзини-ўзи ривожлантириши ўзини ўзи бошқариш	Раҳбарнинг ўз касбий маҳорати ва мазакасини тинимсиз ошириши	Ўзини-ўзи ташҳис қилиш услубларига эга бўлиш, ўзини-ўзи ривожлантиришнинг истиқболли режаларини тузиш	Бошқарув фаолиятининг барча йўналишларига эга бўлиш, амалий касбий ўсиш	Касбий таълимга интилиш, ўзини-ўзи ташкил қилиш, ўзини-ўзи назорат

Жадвалдан маълумки, давлат хизматчиси учун доимий касбий фаолият тури ва вазифалари, уларни бажариш усул ва технологиялари хос бўлиб, бундай фаолият ўз натижасига эга бўлади, шунингдек, муҳим шахсий сифатларни талаб этади.

Маълумки, давлат хизматчисининг меҳнати бошқарув фаолиятининг турли шакллари билан боғлиқdir. У

бошқарув вазиятини ўрганиши, қарорлар қабул қилиши, унинг натижаларини кўра билиши, уларни амалга оширишнинг ноанъанавий услугуб ва мақбул шароитини, мавжуд юридик ва иқтисодий меъёрлар тизимида йўл топиши зарур.

Бошқарув касбий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, социал жараённинг бошқарувчанлигини таъминлашга қаратилган. Давлат хизмати эса бошқарув фаолиятининг бир туридир. Давлат хизматининг ўзига хослиги шундаки, унда бир вақтда фуқаро, давлат ва жамият манфаатларига риоя этилиши зарур.<sup>4</sup>

Замонавий бошқарув меҳнати меъёрий кўрсатмаларнинг турли-туманлиги ва мураккаблашиб боришига қарамай, давлат хизмати шарафли соҳа бўлиб қолмоқда, унинг марказида инсон манфаатига қаратилган бошқарув меҳнати мавжуд. Давлат хизматчиси профессиограммасида ана шу бошқарув меҳнатининг умумий хусусияти ўз ифодасини топади.

Хорижий мамлакатларда раҳбар кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи таълим муассасалари, хусусан Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати академияси тажрибаси асосида тузилган профессиограмманинг алоҳида бўғинларига эътибор қаратиш зарур, зеро улар раҳбар тайёрлаш моделининг ўзига хос босқичи ҳисобланади.


Айнан раҳбар тайёрлаш модели профессиограмма асосига қурилади ва бу жараён бошқарувчи (раҳбар, менежер, етакчи, мансабдор) касбий малакасининг асосини ташкил этади. Профессиограммадан кўринадики, давлат хизматчиси меҳнатининг муваффакияти юқори даражали малака талаб этади. Касбий малака улар ичида энг муҳими бўлиб, у турли раҳбарларда турлича бўлиши мумкин.

<sup>4</sup> Деркач А.А., Маркова А.К. Профессиограмма госслужащего. -М., 2000. с.33.

Аввал таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан бўлган учрашувда давлат хизматчилари касб малакаси, яъни профессионализмнинг икки муҳим қисмини алоҳида кўрсатди. Бу: касбий бошқарув малакаси ва руҳий-маънавий малака, аввалио, масъулият туйғусидир. Давлатимиз раҳбарининг ушбу кўрсатмаси, фикримизча, давлат хизматчилари касбий малакасини ошириш асосида тайёрлашнинг якуний мақсади (натижаси) бўлмоғи зарур. Давлат ва жамият қурилиши Академиясида мутахассис кадрлар тайёрлаш моделини такомиллаштириш борасидаги ўзгарышларни янада чуқурлаштириш, бунда ўқув предметларини ўқитиш мазмуни ва услубларини такомиллаштириш, янги ютуқларга ҳамда замонавий педагогик технологияларга таянган ҳолда профессиограммалар яратиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Айтиш мумкинки, Академия тингловчиси профессиограммада давлат хизматчилари учун қўйиладиган намунавий талабларни юқори даражада англаса, ўз қобилияти, имконияти ва тажрибасига мос касбий малакасининг маълум вариантини шакллантириб бориш имкониятига эга бўлади. Бу ҳол тингловчини ўз касбий малакасини вужудга келтиришнинг фаол субъектига айлангиради. Шундан келиб чиқиб, у ҳар бир фан ва ўқув материалини пухта ўзлаштиришга, ўз касбий малакасини оширишга интилишини кескин оширади. Шунингдек, тингловчи малака ошириш жараёнининг субъекти сифатида мақсадни аниқ қўйиши, ўзини-ўзи бошқариш ва тартибга солиш, касбий ўсиш учун мотивацияяга эга бўлиши, профессионализмнинг юқори дарожасига интилиши каби сифатларини шакллантиради. Умуман олганда, тингловчи фақатгина янги касбий билимлар эгаси бўлибгина қолмай, касбий малака шаклланиши жараёнининг субъектига айланади (4-жадвал).

**Академия тингловчиси касбий таълимида  
профессиограмманинг ўрни**



Бугунги кун талабларига жавоб берадиган, янгила фикрлайдиган раҳбар кадрлар тайёрлаш мақсадида Академия тингловчиларининг индивидуал машғулотига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунда касбий тайёргарликнинг муаммоли шакллари қўлланилмоқда. Хусусан, касбий бошқарув фаолиятидаги турли вазиятлари билан боғлиқ машғулотларда тингловчи таҳлил қилиш кўнижмасини тезкор тарзда шакллантириш ва эгаллашга интилади. Бошқарув вазиятлари кутилган, олдиндан башорат қилинадиган ва фавқулодда юз бериши мумкинлиги туфайли тингловчи ўқув жараёнида унинг ривожланиши тўғрисида фикр юритади, ўз илми

ва дунёқарашига хос тарзда бошқарув қарорларини ишлаб чиқишига ҳаракат қиласы. Натижада, у бошқарув мавхумлиги шароитида ҳаракат қылыш қобиلىятыни эгаллады. Мұхими, бошқарув фаолиятининг бир қанча турларини бир вақтда құллашта үрганады. Аслида, реал ҳаётда ҳам шундай. Шунинг учун ҳам үқув жараёни иложи борича әхтимолий бошқарув вазияти ва амалдаги воқеликка яқынлаштирилиши зарур. Ҳар бир тингловчи бу соҳадаги шахсий тажрибасини таҳлил этиши, бошқалар тажрибаси билан таққослаш имкониятига эга бўлиши ҳам ижобий самара беради.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг қарор топиши, «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» концепциясининг амалга оширилиши бошқарув соҳасига оид замонавий менежмент масалаларига ҳам тұхталыб ўтишни тақозо этади.

**Менежмент** (ингл. management - бошқарув) - ишбилармөнлик фаолияти ҳамда сиёсат соҳасига тегишли бошқарув фаолияти. Менежмент, шунингдек, хусусий ва ижтимоий табиркорлик соҳасыда бошқарув фаолияти билан банд шахслар мажмусини ҳам ифодалайды. Менежменттинг яна бир маъноси шуки, у ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг техник-тапкилий ва ижтимоий жиҳатини үрганувчи сәндири. Менежмент ўз можиятига кўра, амалий ишбилармөнликнинг иқтисодий, техник-тапкилий, ҳуқукий ва руҳий масалаларини қамраб олади. Үмуман, менежменттинг мақсад ва вазифалари ҳар қандай ташкилот (фирма, корхона, муассаса) учун амалда кўл келадиган умумий бошқарув қоидаларини ишлаб чиқиш ва құллаш билан боғлиқ.

Менежмент бир асрлик тарихга эга. XIX аср охири XX аср бошларидан америкалик илгор мұхандислар гурухи «илмий менежмент» ҳаракатини бошлаб берган

эди. Бу гурухга Ф.Тейлор (1856-1915) раҳбарлик қилган.

Ф.Тейлор - инсон омилини кашф этган шахс, деб айтиш мумкин. У ўз таълимоти асосига моддий манфаатдорлик қоидасини қўйган. Муайян тадқиқотлар асосида Ф.Тейлор одамларнинг янгиликка нисбатан руҳий сустлигини (интертлигини) бартараф этиши асосий муаммо деб билган. Кейинчалик у ўзининг «руҳий инқилоб» концепцияси асосига ҳам шу қоидани қўяди. Моддий манфаатдорликни жорий этиш учун одамлар ҳақиқатда ишлаб топғанларидан кўп топмасликлари керак, деган қоидани ҳам Ф.Тейлор асослаган эди. Умуман, Ф.Тейлорнинг меҳнатни ташкил этиш ҳақидаги қоидалари америкача менежмент учун асос бўлиб хизмат килиди.

«Илмий менежмент» тарафдорларининг саъй-ҳарачатлари туфайли Америка XX аср биринчи чорагидаёқ саноатни ташкил этиш ва бошқарув соҳасида анча илгарилаб кетган эди. Натижада, менежмент фаолият тури сифатида тан олиниб, жамиятнинг муҳим институтига айланди. Менежментнинг мавқеи юксалиб, борабора сиёsat соҳасига айланди.

«Менежмент» тушунчаси американлик социолог Э.Мэйо (1880-1949) ва унинг меҳнатни бошқаришни ташкил этишининг илмий услублари бўйича ўтказган машҳур Хотсон тадқиқотлари натижасида ижтимоий-руҳий мазмун билан бойиди. Тахминан шу даврда, яъни XX аср 30-йилларида Америкада амалий менежмент тажрибаси умумлаштирилиб, дастлабки менежмент назариялари ҳам пайдо бўла бошлади.

Менежмент тараққиётининг ўзига хос учинчи босқичи американлик иқтисодчи ва социолог П.Ф.Друкер номи билан боғлиқ. Айнан у менежментнинг мумтоз мактабини «инсоний муносабатлар» доктринаси билан узвий боғлади. Бу шуни англатадики, менежмент амалиётининг

биринчи босқичида асосий муаммо иш жойини ташкил этиш (тейлоризм), иккинчи босқичида корхонанинг ижтимоий ташкил этилиши (Мэйо) бўлган бўлса, энди корпорациянинг бошқарув тузилмаси, менежернинг замонавий жамиятдаги ўрни ва роли очиб берилди. Бошқача айтганда, менежмент факатгина тадбиркорлик соҳасига эмас, балки таълим, фан ва соглиқни саклаш соҳаларига ҳам тадбиқ этила бошланди. Ҳатто жамиятнинг ўзи корпорация, яъни улкан корхона деб қарала бошлади. Энди бутун жамиятни бошқариш, яъни давлат бошқаруви такомиллаша борди. Бошқарув илмида икки даража шаклланди: 1) меҳнат жараёнини бошқариш, ишчи-хизматчилар хулқ-авторига таъсир ўтказиш; 2) ижтимоий бошқарув (давлат бошқаруви).

Кўп мутахассислар эътироф этаётганидек, ҳозирги пайтда менежмент назарияси ва амалиёти асосида учта мактаб шаклланган. Булар қуйидагилар:

1. *Маърифатли*. Бу европача менежмент бўлиб, унинг асосини ўта саводхонлик, ўз ишини пухта билиш, юксак маданият, ҳар қандай шароитда ишлай олиш кўникмалари ташкил этади. Намуна сифатида, асосан, немис мутахассислари мисол қилиб кўрсатилади.

2. *Мумтоз*. Бу Америка менежменти бўлиб, унинг асосини прагматик ёндашув ташкил этади. Инсон қобилиятини кўпроқ рўёбга чиқариш, шахснинг тақрорланмас, ўзига хос жиҳатларини ривожлантириш, унинг ноёб тафаккурини равнақ топтириш мазкур мактабнинг моҳиятини ташкил этади.

3. *Анъанавий*. Бу япон менежменти. Ўзига хос, ўта мослашувчан япон маданияти Фарб, асосан, Америка менежмент тажрибасини қисқа вақт ичida ўзлаштира олган. Япон менежментининг асосини фирмага фидоийлик ташкил этади. Ходим фирмага бир умрга жойлашади, сифат учун кураш мажбуриягини олади. Уму-

ман, япон ишбилиармонлари учун корпоратив, яъни гурухий рух, кучли миллий онг хосдир Юқорида айтиб ўтилган менежмент мактаблари ривожланган гарб дунёсининг учбурчак (Америка - Япония - Фарбий Европа) кўринишидаги ракобати ўлароқ шаклланган. Қолаверса, ҳар бир миллий маданиятга хос «муваффақият формуласи,» яъни ҳар бир халқнинг ўз муваффақият формуласи бўлади.

Мутахассислар фикрига кўра, ҳозирда Осиё - Тинч океани ҳавзасидаги Жанубий Корея, Тайван, Сингапур каби мамлакатларнинг тез ривожланиши натижаси ўлароқ, янги хилдаги менежмент - *модернистик* менежмент шаклланмоқда. Тезкорлик, ахборот билан юқори даражада таъминланганлик. қабул қилинган қарорларнинг илмийлиги ҳозирги замон менежментининг, нафақат, фан эканлиги, балки юксак санъат даражасига кўтарилганлигини англатади. Ана шу санъатни эгаллай билиш бизда ҳам менежментнинг шаклланиши ва ривожланиши учун шарт-шароит яратади.

Менежмент ҳақидаги умумий фикрлардан раҳбар кадрлар билан боғлиқ соҳа - *кадрлар менежменти* масаласига ўтамиз.

Маълумки, давлат хизмати тизимида, умуман кадрлар сиёсатида инсон ресурсларини бошқариш (*ИРБ*) катта аҳамият касб этади. Зоро, айнан ходимлар ҳар қандай ташкилотнинг заҳираси ҳисобланади. Яхши ходим ҳар қандай ташкилот, муассаса ёки идора учун кони фойда. Ходимларни етук мутахассис даражасига кўтариш учун барча воситаларни ишга солиш ташкилотнинг стратегик мақсади тизимига киради<sup>5</sup>.

Давлат хизматининг инсон ресурслари деганда, ходимларнинг маъмурий мансаб вазифаларини бажариш-

<sup>5</sup> Зинченко Г.П. Социология управления. Ростов-на-Дону, Феникс, 2004, с. 244-245.

ларини таъминловчи махсус билимлар, касбий кўник-маларни ўз ичига оладиган имкониятлар тушунилади. Демак, бошқарув тизимида ходимларнинг қобилиятига нисбатан эҳтиёж бўлиши, уни рўёбга чиқариш учун имконият яратилиши мақсадгага мувофиқдир.

Давлат хизмати тизимида ИРБ концепциясининг моҳиятини қўйидагича ифодалаш мумкин:

-аҳолининг фаровонлиги кўп жиҳатдан самарали давлат хизмати билан боғлик;

-самарали давлат хизмати эса ўз соҳасининг етук билимдонлари ва манфаатдор ходимларга (персоналга) боғлик;

-персоналнинг ўз соҳасини яхши билиши ва манфаатдорлиги эса уларни танлаш, ўқитиш, жой-жойига қўйиш, унинг фаолиятини рағбатлантириш билан белгиланади<sup>6</sup>.

Давлат хизматида ИРБни тизим сифатида қарасак, у “кириш”, “жараён” ва “чиқиш” босқичларига эгадир. Кириш босқичида маъмуриятнинг инсон ресурсларига нисбатан эҳтиёжи, чиқишила сарф-харажатлар самарадорлиги аниқланади. ИРБ жараёни эса тўртта муҳим вазифага эга. Булар: 1) кадрларни танлаш; 2) персонални баҳолаш; 3) ходимларни рағбатлантириш; 4) ходимларни ўстириш (3-чизма)<sup>7</sup>.

Албатта, мазкур ИРБ тизими умумий кўринишга эга бўлиб, барча мамлакатларда ўзига хос хусусиятлар билан боғлик ҳолда амал қилиши мумкин. Шу билан бирга, кадрлар бошқарувининг бир неча хили ажратиб кўрсатилади: индивидуализмга асосланган Америка модели; колективизмга асосланган Япон модели ва индивидуализм ҳамда колективизмни ўзида мужассамлаштирувчи Европа модели.

<sup>6</sup> Деркач А.А., Маркова А.К. Профессиограмма госслужащего. -М., 2000, с. 245.

<sup>7</sup> Ўша жойда, с.245-246.

## Давлат хизматида ИРБ тизими



Давлат хизмати тизимида ИРБ моҳияти ва кадрлар бошқарувининг (менежментининг) ўзига хос күринишлари 4-чизмада акс этган<sup>8</sup>.

Баъзи мамлакатларда давлат хизматига кадрларни танлаб олиш бир умрга ёлланиш тамойилига биноан амалга оширилади. Бу давлат хизматчисида барқарор бандлик, эртанги қунга ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди. Бунда танлаб олишнинг бир қанча услублари күлланылади. АҚШда тест синови жорий қилинганды, шу жумладан, полиграф ("ёлғончилик детектори") услуби күлланади. Японияда малакавий имтиҳонлар, Европа мамлакатларида танловлар кенг тарқалған.

Мәттүсийттеги инсон ресурсларына бағдалаш услуби ҳам барча мамлакатларда күлланади. АҚШда ҳар бир ходим олдига ҳар йили аник мақсад күйилади.

<sup>8</sup> Деркач А.А., Маркова А.К. Профессиональная государственная служба. - М., 2000, с.245-246.

## Хорижий мамлакатлар давлат хизматида ИРБ

Үзига хос хусусиятлар	Умумий жиҳатлар			
	Танлаб олиш	Баҳолаш	Рағбатлантириш	Ривожлантириш
Америка модели (индивидуализмга асосланган)	Тест синови	Масофага мос тарзда бошқарув	Имтиёзлар маҷмуаси	Тик кўтарилиш
Япон модели (коллективизмга асосланган)	Малакани аниқлаш имтиҳони	Ҳамкасларнинг тан олиши	Маънавий рағбатлантириш	Ёлланма кўтарилиш
Европа модели (индивидуализм ва коллективизмнинг мувофиқлик)	Танлов (конкурс)	Баҳолаш цикли (даври)	Қўшимча таътил	Узлуксиз таълим ва кўтарилиш

Давлат хизматчиларини рағбатлантириш мөддий мукофотлаш шаклида амалга оширилади. Шу билан бирга, ҳар бир мамлакатда рағбатлантиришнинг қўшимча турлари мавжуд. АҚШда солиққа тортилмайдиган “компенсацион кафетерий” ёки имтиёзлар маҷмуаси мавжуд. Японияда эса маънавий рағбатлантиришнинг турли шаклларига катта эътибор берилади. Европа мамлакатларида қўшимча таътиллар, истеъфога чиқиш арафасидаги тўловлар амалиёти кенг тарқалган.

«Персонални ривожлантириш» тушунчаси лавозимда кўтаришни назарда тутади. Кўплаб мамлакат-

ларда давлат хизмати мураккаб кўп поғонали тизимга эга. Хусусан, АҚШда давлат хизматчиларининг 1 дан 18 гача бўлган малака разрядлари мавжуд, бу мамлакатда хизмат поғонаси бўйлаб тик (вертикал) кўтарилиш муваффақиятли деб тан олинади.

Японияда эса ходимнинг хизмат доирасида кўтарилиши ёnlама (горизонтал) хусусиятга эга. Айтайлик, ўрта бўғинга мансуб мансабдор 4-5 йил ишлагандан сўнг бошқа бўлимга айнан ўзи эгаллаб турган лавозим мақомига ўтказилади. Европанинг кўргина мамлакатларида эса бошқарувчининг хизмат поғонаси бўйлаб кўтарилиши узлуксиз таълим билан боғлик.

ИРБ концепцияси кўплаб мамлакатлар давлат хизмати тизимида ўз амалий тасдиғини топиб, кўпроқ катта ва ўрта давлат ташкилотларида самара беради.

Меҳнат жамоаси фаолиятида ҳам, бошқарув тизимида ҳам асосий бўғин ҳисобланувчи раҳбар ўз ўрни, мавқеи, ҳукуқи ва масъуллигига кўра муҳим омилдир. Шунинг учун меҳнат жамоасида унинг роли каттадир.

Маълумки, одамларнинг ҳар қандай гурӯҳи, меҳнат жамоаси, жумладан, ташкилот ҳам ўз маданияти намуналарини ишлаб чиқади. Бу *ташкилот маданияти* дейилади.

Ҳар қандай ташкилот яхлит тизим сифатида амал қилиши учун икки асосий вазифани бажариши лозим:

- мухитта мослашиш;
- ички интеграция.

Ташкилий маданият ана ўз вазифалар амалга ошишини таъминлайди, у қуйидаги қисмлардан иборат:

I. Эътиқод - одамнинг ташкилотда нима тўғри эканлиги ҳақидаги тасаввурлари;

II. Қадриялар - ташкилотда ҳукмрон бўлган қадриятлар у ерда нимани муҳим деб ҳисоблашни белгилаб беради. Америкалик тадқиқотчилар Т.Питерс ва

Р.Уотерман меҳнат жамоаси маданияти ва унинг муваффақияти ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб, турли меҳнат жамоаларининг муваффақиятини таъминловчи бир қатор қадриятлар тизимини асослаб берган (5-чизма).

5-чизма

### Муваффақиятли фаолият юритаётган компаниялар ташкилий маданияти қадриятлари



**III. Меъёрлар** – одамларга ўзини қандай тутиш кераклиги ва улардан нима кутилаётганигини билдириб турувчи хулқ-атвор қоидалари. Хулқ-атвор меъёрлари меҳнат жамоаси фаолиятидаги баъзи ҳолатлар, жумладан, раҳбар ходим қонунчиликка риоя этиши, ижтимоий адолат тамойилларини бузмаслиги, манфаатлар тўқнашуви пайдидаги хулқ-атвор, бошقا ташкилотлар ҳақида ахборот олиш ва ҳ.к. ни ифода этади.

**IV. Ҳулқ-атвор** - иш жараёнида одамлар амалга оширадиган кундалик ҳаракатлар (урф-одатлар, шүнгідек, мұомала маданияти);

**V. Психологик мұхит** - гурух ички соҳасининг мустаҳкам тизими бўлиб, у эмоционал қайфиятда жамоа фикри ва фаолият натижаларида намоён бўлади. Ташкилотдаги мұхит - одамларнинг меҳнат жамоасидаги маданиятни қабул қилишлари ва бу ҳақдаги ўй-фикrlари. Жамоадаги мұносабатларни ўргангандан ҳолда унга баҳо бериш мумкин.

Албатта, буларнинг ҳеч бири ўз ҳолича ташкилот маданиятини келтириб чиқармайди, лекин биргаликда у ҳақда тасаввур бериши мумкин. Шундай қилиб, *ташкилот маданияти - мұайян ташкилотдаги барча ходимларнинг хатти-ҳаракатини белгилаб берувчи умумий қадриялар, эътиқод, мұносабатлар мажмұасидир*. Улар аниқ ифодаланган бўлмаслиги мумкин, аммо тўғридан-тўғри қўрсатмалар мавжуд бўлмаганда одамларнинг хатти-ҳаракати ва ўзаро алоқаларини маълум маънода белгилаб беради, сезиларли даражада умумий ишни бажариш жараёни ҳамда ташкилотнинг ҳаётий фаолияти хусусиятига таъсир кўрсатади. Умуман олганда, ташкилот маданияти раҳбар фаолияти, унинг меҳнат жамоасидаги ўрнини белгилаб берувчи қўрсаткичидир. Уни раҳбар бошқара билиши, шакллантириши керак. Раҳбар унинг ёрдамида ташкилотнинг ташқи мұхитга мослашуви ва ички жипслегини таминлайди, персонални бошқариши тақомиллаштириб боради.

XX асрнинг 70-йилларига келиб, бошқарувчи инсон омилини ҳисобга олмай, маъмурий-буйруқбозлиқ асосида жамоага раҳбарлик қилиши натижә бермай қолди. Фан-техника тараққиёти даврида асосий эътибор зарур билимга эга ходимга қўрсатилиши керак. Бунинг учун меҳнат жамоаларини (ташкилот, компа-

ния, фирма, хўжалик ва ҳ.к.) бошқаришнинг замона-  
вий усулларини жорий этиш зарур. Шундай усуллар-  
дан бири - «ташкилий ривожланиш» концепциясидир.  
Бунинг асосий қирралари ўтган асрнинг 70-йилларида  
АҚШда шаклланди. Унинг шаклланишига қуидаги  
омиллар бевосита таъсир кўрсатди:

-мехнат жамоалари иш фаолиятида шароитларнинг  
ўзгариши;

-хозирги замон бошқарувида инсон омили ролининг  
ошиши;

-мехнат жамоаларини ўрганишда услуг ва ёндашув-  
ларнинг хилма-хиллиги.<sup>9</sup>

Шуни ҳам айтиш зарурки, меҳнат жамоасини бош-  
қариш, унинг ташкилий ривожланиши ўз-ўзидан юз  
бермайди. Бунда раҳбарнинг ўрни ўзига хосдир. Бошқа-  
рув соҳаси мутахассисларининг фикрига кўра, бунда  
«гуруҳдан - команда» динамикаси юз бериши керак.  
Бошқача айтганда, ташкилотда гуруҳ фаолиятидан ко-  
манда бўлиб ишлашга ўтиш муҳимдир. Лекин ҳозиргача  
катта ташкилотларда команданинг имкониятлари деяр-  
ли амалга ошмайди. Бунинг сабабларидан бири шуки,  
кўпчилик раҳбарлар команда нималигини, уни ташкил  
етиш ва ундан қандай фойдаланишини билишмайди.

Хўш, команда нима. у раҳбар фаолиятига қандай  
таъсир кўрсатади, раҳбар командани қандай бошқара-  
ди? Энди мазкур саволларни аниқлаш лозим.

Маълумки, ўзбек тилида «команда» сўзи икки хил  
маънога эга: а) буйрук; б) маълум мақсад йўлида уюш-  
ган гуруҳ. Бизни унинг айнан иккинчи маъноси қизиқ-  
тиради. Лекин бу ҳолатда ҳам «команда» атамаси турли  
маънога эга, у баъзан спорт командасини, баъзан ҳар  
қандай гуруҳни англатади.

<sup>9</sup> Галкина Т.П. Социология управления: от группы к команде. Учеб. пособие. —М.,  
Финансы и статистика, 2001, с .94-96.

Аслида, «команда» тушунчасини бирор фаолиятни амалга ошириш учун биргаликда ҳаракат қилаётган бир қанча одамлар жамоаси сифатида тушуниш жоиз. Түрги-роғи, команда - аниқ натижага эришиш учун фаол ҳаракат ва масъулиятни ўзаро тақсимлаб олган индивидлар гуруҳидир. Агар шундай ёндашсак, бу таърифда команда хусусиятига хос уч жиҳат кўзга ташланади:

1. *Ўзаро боғлиқлик*. Команданинг ҳар бир аъзоси умумий ишга ўз ҳиссасини қўшади, улар ишга оид ах-боротларни ўзаро алмашади. Команда аъзолари фаолият жараёнининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳисоблашиб, бир-бирига таъсир кўрсатиш имконига эга бўлади.

2. *Ўзаро тақсимланган масъулият*. Команда мақсади учун масъулият ҳамма томондан тан олинади.

3. *Натижса*. Команда натижаси учун масъулият ўзаро фаолликни вужудга келтиради.

Хуллас, команда - умумий мақсадга, бир-бирини тўлдирувчи кўникмага, юкори даражадаги ўзаро ҳамжихатликка, якуний натижса учун масъулиятга эга одамлар гуруҳидир.<sup>10</sup>

Мутахассислар команданинг турли қўриниши ва шаклларини таснифлаб, қўйилган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда унинг тўрт хил қўринишини изоҳлайдилар:

маслаҳат командаси (кенгаш, ходимларни бошқарув жараёнига жалб этиш билан шугууланувчи гуруҳлар ва б.);

ишлаб чикариш командаси (бригадалар, шахтёрлар командаси, ремонт бригадалари, учувчилар командаси, маълумотларни қайта ишловчилар командаси ва б.);

лойиҳа командаси (тадқиқот гуруҳи, лойиҳалаштирувчи гуруҳ, мухандислар гуруҳи, мақсадли гуруҳ ва б.);

ҳаракат гуруҳи (спорт командаси, дам олувчилар

<sup>10</sup> Макаревич В.Н. Групповая работа как метод конструктивной социологии. // Социологические исследования, 1993, №7, с. 12.

гурухи, экспедиция, музокара олиб борувчи команда, жарроқлар бригадаси, ҳарбий бўлинма ва б.).

**Мутахассислар командани сифат жиҳатдан ҳам бир неча хилга ажратади.** Булар: ишчи гурух, сохта команда, имкониятли команда, реал команда ва юкори самарали команда бўлиб, ҳар бири ҳақида алоҳида тўхтабиб ўтиш жоиз:

**Ишчи гурух** - команда бўлиш имкониятига эга бўлмаган гурух. Гурух аъзолари ахборот ва тажриба алмашиниш учун ўзаро муносабатга киришади. Ҳар ким ўзи масъул бўлган ишни қиласди. Бу гурухда умумий мақсад ва ўзаро масъулият бўлмайди.

**Сохта команда** - команда бўлиш имкониятга эга бўлган, аммо умумий ишни жамоавий тарзда бажариш учун уюшмаган гурух. Гурух ўзини команда деб билса ҳам, фаолиятнинг умумий мақсадини аниқлаб олишга қизикмайди.

**Имкониятли команда** - умумий меҳнат самарасини ошириш эҳтиёжига эга гурух. Лекин бундай командага умумий ишни бажариш йўналишлари, мақсади ва жараёнлари юзасидан аниқлик, жамоавий масъулият, юкори дараҷадаги интизом етишмайди.

**Реал команда** - умумий йўналишда бир-бирини тўлдирувчи, муайян ёндашувга эга ва мақсад учун ўзаро масъулиятни ҳис этувчи кам сонли гурух. Бундай гурух аъзолари ўзаро фаолият қоидаларини яхши ўзлаштиради, лекин ўз имкониятини тўла амалга оширган бўлади.

**Юкори самарали гурух** - реал команда бўлиб, унинг аъзолари умумий ишни бажаришда юкори дараҷада масъулиятни ҳис қиласди. Гуруҳдаги иш услуби ва ўзаро ҳаракат команда аъзоларининг ўсиши ва муваффақиятини таъминлайди. Бундай гурухлар кутилганидан ҳам аъло натижаларга эришади.<sup>11</sup>

<sup>11</sup> Галкина Г.П. Социология управления: от группы к команде. Учеб. пособие. –М., Финансы и статистика, 2001. с. 156-159.

Мутахассислар «команда - етакчи», «гурух - раҳбар» муносабатини таҳлил этиш билан бирга, команда таркиби масаласига ҳам эътибор қаратади. Социологик тадқиқотлар ёрдамида юзлаб гуруҳлар фаолияти умумлаштириб ўрганилган, шу асосда гурух аъзолари бажариши лозим бўлган роллар таснифига тўхталамиз (4-жадвал).

4-жадвал

### Команда аъзолари роллари

Роль	Умумий ҳусусиятлар
Ижрочи	Интизомли, ишончли, консерватив ва омилкор инсон. Фояларни амалий ҳаракатда амалга ошира олади.
Координатор (уютирувчи)	Етук, ўзига ишонадиган, яхши раҳбар. Мақсадни аниқ исфодалаи олади, ишни, ваколатларни тақсимлайди.
Ташкилотчи	Ҳаракатчан, таъсир ўтказувчи. Унинг дадиллиги ва ҳаракати ҳар қандай қийинчлиликни бартараф этишга имкон беради, ютказишни ёмон кўради.
Генератор	Ихтирочи, кенг дунёқарашга эга, турли фикрларга бой. Муаммони ҳал эта олади.
Изланувчи	Ташаббускор, мумалали. Имконият қидиради, ҳамкорлик ўрнатади.
Математик	Мулоҳазали, зеҳни ўткир, тез фикрлай олади. Барча муқобил йўлларни кўра олади, хамма нарсани чамалай олади.
Команда "ўйинчиси"	Самимий, таъсирчан, дипломат. Ўзгаларни эшита олади, команда аъзолари ўртасидаги ихтилофнинг олдини ола билади, ҳам одамлар, ҳам вазиятта нисбатан сезгир.
Маррага етувчи	Тиришқоқ ва самимий. Хато ва камчиликни топувчи. Топшириқлар бажарилиши муддатини назорат киласди.
Мутахассис	Ўзича ақдли, одамови. Битта соҳа бўйича мутахассис.

Яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, бошқарув соҳаси мутахассислари турли кўринишдаги командалар фаолиятини ҳам таҳлил қиласди. Уларнинг фикрича, командалар фаолиятини ишчи гурӯхларидан тортиб юқори самарали командаларгача бўлган жараёнда кузатиб бориш мумкин (6-чизма).

6-чизма

### Команда натижаларининг кўрсаткичи:



Хулоса қилиб айттанда, гурӯх ҳам, команда даражасига ўсиб ўтган жамоа ҳам ўз тузилиши ва фаолиятига кўра раҳбарга боғлиқдир. Раҳбарнинг ўз ходимлари билан мулоқоти маълум шаклда ўтади. Шу мулоқот жараёнида раҳбар ходимларига муайян мақсадда психологик таъсир ўtkазишга ҳаракат қиласди. Бу таъсир муайян шаклга эта бўлгани учун уларнинг ўзига хос ҳусусиятларини чукур ўрганмай, самарали натижага эришиш мумкин эмас.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, бошқарув психологияси ва социологиясида мулоқот шакли шу пайтгача деярли

Ўрганилмай келинаётган эди. Сўнги йилларда олимларимиз, жумладан, профессор А.Бегматов, М.Бекмуродов ва бошқалар томонидан ташкилот маданияти, раҳбар маънавияти, бошқарувнинг миллий менталитет билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ қилинди. Раҳбаршуносликка оид адабиётлар танқис бўлган ҳозирги шароитда бундай тадқиқотларнинг ўрни катта. Бошқарув соҳасига оид тадқиқотлар билан шуғулланаётган профессор А.Бегматов раҳбар ўз жамоасида ходимларга нисбатан қўллайдиган психолого-тадқиқотларнинг бир қанча турларини кўрсатади. Биз қуида уларга тўхтalamиз<sup>12</sup>.

Буйруқ. Буйруқ муайян вазифани муҳокамасиз бажарини талаб қилувчи мулоқот шакли бўлиб, у раҳбарлар фаолиятида кенг қўлланилади. Ифода усулига қараб буйруқлар ёзма ва оғзаки кўринишда бўлади. Ёзма ва оғзаки буйруққа муносабатда ўзига хослик мавжуд.

Ёзма буйруқ ҳукукий ҳужжат ҳисобланиб, корхона, муассаса ёки ташкилотда ишга тайинлаш, ишдан бўшатиш, жазолаш, рағбатлантириш, топшириқ бериш каби мақсадда амалга оширилади. Шунинг учун унга жиддий муносабатда бўлишади.

Оғзаки буйруқ эса муайян топшириқни маълум ходимга топшириш, рағбатлантириш ёки жазолаш мақсадида қўлланилади. Оғзаки буйруқда оҳанг, яъни овознинг паст-баландлиги ходим томонидан қандай қабул қилинишига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун буйруқ қатъий оҳангда бўлиши керак. Акс ҳолда, ходим қатъиятсизлик билан берилган буйруққа маътулиятсизлик билан ёндашиши мумкин. Баъзи раҳбарлар буйруқни жуда баланд овоз билан беради. Уларнинг тасаввурнида буйруқ қанча баланд овозда берилса, унинг таъсир кучи ҳам шунча юқори бўлади. Лекин буйруқнинг бундай берилиши раҳбарнинг руҳий куч-

<sup>12</sup> Раҳбар ва ходим. – Т., Академия, 1998.

лилигини эмас, аксинча, маънавий қашшоқлигини кўрсатади. Жуда кучли овоз билан берилган буйрукни ходимлар дастлаб тез бажарсалар-да, кейинчалик баланд овоз кучини йўқотиб, уларга таъсир этмай қўяди.

Буйруқ жуда паст овоз билан ҳам берилмаслиги керак. Бу ижроцида салбий муносабат туғдириши мумкин.

Буйруқлар мазмунига кўра ундовчи ва тақиқловчи хусусиятга эга бўлади. Ундовчи буйруқлар муайян топшириқни бажаришни талаб қилса, тақиқловчи буйруқлар эса иш ёки ҳаракатни бажармасликни тақозо этади. Ундовчи буйруқлар тегишли тартибда, баланд овоз ва қатъий оҳанг билан берилганда танқидий муносабатсиз бажарилса, тақиқловчи буйруқлар қўпинча ижроцида акс муносабат уйғотади. Бу хол инсон руҳи яти хусусиятлари билан боғлиқдир. Тақиқловчи буйруқларни ёш болалар ҳам бажармасликка ҳаракат қиласди. Тақиқловчи буйруқ берилса, унинг орқасидан қисқача изоҳ берилиши лозим.

Талаб.<sup>13</sup> Раҳбарнинг ходимларга муносабатининг бундай шакли буйруққа яқин туради. Лекин унинг ўзига хос томонлари ҳам бор, яъни буйруқ муайян фаолиятни бажариш ёки бажармасликка қаратилган бўлса, талаб эса айнан ўша буйруқларнинг бажарилишига қаратилган бўлади. Талаб мазмуни, асосан, меъёрий ҳужжатлар, ахлоқий нормалар корхона ёки муассаса ички тартиби қоидаларидан келиб чиқадиган ҳолат ва амалларга риоя қилишга йўналтирилган бўлади. Масалан, ишга ўз вақтида келиш ҳақида буйруқ чиқариш ўринсиздир. Чунки бу хол корхона ички тартибида, қатор ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларда баён қилинган. Шунинг учун талаб аввал чиқарилган буйруқлар, йўрикнома, низом каби меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган

<sup>13</sup> Қаранг: Раҳбар ва ходим. — Т., Академия, 1998.

вазифаларни бажаришга, белгиланган тартиб-қоидалар, интизомга риоя қилишга қаратилган бўлади.

Талаб ўз мазмунига кўра икки хил - оддий ва қатъий талаб кўринишига эга. Оддий талаб кундалик иш фаолиятида кўп қўлланилади. У маълум ҳолат ёки фаолиятга ходимларнинг алоҳида эътиборини қаратишга йўналтирилган бўлади. Қатъий талаб эса мазмун жижатдан буйруқقا яқин бўлади. У, одатда, оддий талаб натижа бермаган ҳолларда қўлланилади. Қатъий талабни ноўрин қўллаш унинг бажарилмаслигига, раҳбарнинг обрўси пасайишига олиб келади.

Оддий талаб ҳам, қатъий талаб ҳам бажарилиши учун раҳбар тегишли ҳуқуқларга ва юқори обрўга эга бўлиши керак. Агар раҳбар ходимларидан бирор вазифани бажаришни талаб қиласа-ю, бу талаб бажарилмаганда маъмурий чора қўллашга етарли ҳуқуқи бўлмаса, мазкур талабнинг бажарилмаслик эҳтимоли янада ортади.

Талаб шаклидан фойдаланганда эътибор берилиши лозим бўлган яна бир муҳим ҳолат талабнинг мазмунидир. Искинчи, учинчи даражали нарсаларни қатъий талаб даражасига кўтариш ўринсизdir. Талаб қилинётган нарсанинг муҳимлик даражасига қараб талаб оддий ёки қатъий кўринишда бўлиши мумкин. Баъзан раҳбар ўз ҳуқуқи ёки маъмурий имкониятини намойиш қилиш учун учинчи ёки тўртинчи даражали нарсалар, майда-чуйда ва икир-чикирларни ҳам талаб қиласи. Бу билан ўз ходимларидан нечоғлик устун эканлигини намойиш қилмоқчи бўлади. Аммо бу салбий ҳолатdir.

Маслаҳат<sup>14</sup>. Психологик таъсир ўтказишнинг бундай тури фақат муайян шароитдагина яхши самара бериши мумкин. Баъзи одамларда маслаҳат берувчига нисбатан салбий психологик муносабат ҳам мавжуд.

<sup>14</sup> Раҳбар ва ходим. — Т., Академия, 1998.

Чунки дунёда маслаҳат берувчилар жуда кўп учрайди. Аксарият одамлар ўринлими-ўринсизми, фойдалими-фойдасизми бошқаларга маслаҳат беришни хуш кўради. Қизиги шундаки, улар ўзлари яхши билмаган нарса юзасидан ҳам маслаҳат бераверади. Бунинг сабаби инсон руҳияти билан боғлиқдир. Инсон ҳиссий ва ақлий имкониятини ошириб баҳолашга мойил бўлади. Яъни, ўзини бошқалардан ақллироқ ҳисоблаш инсонга хос хусусият.

Билим доираси кенгайган сари инсон кўп нарсани билмаслигини тушуна боради. Илм доираси қанчалик тор бўлса, у ўзини шунчалик билимдон ҳисоблайди. Шунинг учун кам билувчи бошқаларга кўпроқ маслаҳат беришни яхши кўради.

Бундан бошқаларга маслаҳат бериш керак эмас, деган хулоса чиқмайди, албатта. Ходим раҳбар маслаҳатига амал қилиши учун раҳбарга ишониши ҳам керак. Ишонч - таъсир ўтказишнинг маслаҳат шакли самарали бўлишини таъминловчи муҳим омилдир. Маслаҳат самара бериши учун раҳбар маслаҳат бериш жараёнида руҳий ҳолатларни ҳисобга олиши керак. Жумладан, агар маслаҳат берувчи шахсда самимилик бўлмаса, тингловчи бу маслаҳатга қулоқ солмайди, гарчи бу маслаҳат қимматли бўлса ҳам. Шунинг учун раҳбар ўз овозининг қандай оҳангда чиқаётгани билиши зарур.

*Маъқуллаш<sup>15</sup>.* Хизмат жараёнида раҳбар ўз ходимларининг иш фаолиятига, хатти-ҳаракатига, айтиётган гап-сўзларига ижобий ёки салбий муносабат билдиради. Ижобий муносабат маъқуллаш шаклида намоён бўлади.

Фаолият ёки ҳаракатнинг раҳбар томонидан маъқулланиши ходимлар руҳиятида муайян кечинма юз беришига олиб келади. Ҳаракат, фаолият ва фикрни

<sup>15</sup> Раҳбар ва ходим. – Т., Академия, 1998.

маъқуллаш маълум шароит ва тартибда амалга оширилса, у кўзланган мақсадга олиб келади.

Маъқуллаш бевосита амалга оширилади. Айтайлик, бир ходим катта меҳнат эвазига самарали натижани қўлга киритди. Буни маъқуллаш учун «Сиз яхши муваффақиятга эришдингиз» дейиш ўрнига «Сизнинг ҳараткингиз, меҳнатингиз шундай натижага муносиб», дейилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бундай маъқуллаш натижани қайд этибгина қолмай, шу натижага олиб келган меҳнатга берилган баҳони ҳам ўз ичига олади. Натижани мақтайвериш маъқуллашдан кўра кўпроқ хушомадга ўхшаб кетади. Шу тартибда, яъни натижани эмас, кўпроқ шу натижага олиб келган меҳнатни баҳолаш ходимларда бундай меҳнатта ижобий руҳий ҳолат шаклланишига ёрдам беради. Маъқуллашни худбин одамлар ўз меҳнатига берилган оддий баҳо деб қабул қилишлари мумкин. Улар руҳиятида ўз шахсияти ва имкониятига ортиқча баҳо беришга мойиллик бўлгани учун раҳбарнинг улар фаолиятига берган ижобий баҳоси сезиларли ҳодиса сифатида қабул қилин-маслиги мумкин. Бундай одамлар меҳнат жамоаларида кўпчиликни ташкил қилмаса ҳам, раҳбар уларни билиши ва улар билан мулоқотга киришганда қайд этилган психологик жиҳатларни ҳисобга олиши лозим.

*Насиҳат.*<sup>16</sup> Психологик таъсир ва мулоқотнинг бундай шакли ходимнинг раҳбарга ижобий муносабати ва ҳурмати бўлгандагина самара беради. Насиҳатнинг ҳар бир аниқ кўриниши мазмун жиҳатидан буйруқка, тақиқ ва маслаҳатга яқинdir. Лекин унинг фарқ қиласидан муҳим томони ҳам бор. Яъни, раҳбар буйруқ, маслаҳат берганда ёки тақиқлаганда доим аниқ бир омилни назарда тутади. Насиҳат эса улардан фарқли ўлароқ,

<sup>16</sup> Раҳбар ва ходим. – Т., Академия, 1998.

муайян фаолият ёки ҳодисага нисбатан умумий ҳолатни шакллантиришга қартилган бўлади.

Буйруқ ёки маслаҳатда қайси ишни қачон ва қандай бажариш ҳақида гап борса, насиҳат берганда қандай шароитда нима қилиш ёки қилмаслик, ўзини қандай тутиш кабилар тўғрисида гап боради. Насиҳат бермоқчи бўлган шахс сўз юритилаётган соҳа бўйича яхши тажрибага эга бўлиши шарт. Шарқона удумга кўра, ёши катталар кичикларга насиҳат қиласидилар.

Раҳбарлар баъзан ўзларини ўз ходимларидан ақллироқ, донороқ, деб баҳолашади. Ана шундай раҳбарлар насиҳатгўйликка мойил бўлади. Ходимлар бундай раҳбарнинг насиҳатини мажбуран тингласалар ҳам, аслида унга амал қилмайди. Насиҳат сўзларда ифодалангани учун уни баён килишни ўйлаб олиш керак.

Хуллас, ҳозирги даврда бошқарувдек мураккаб фаолиятни ўзига қасб қилиб олган раҳбарларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ошиб бормоқда. Шу билан бирга, раҳбар кадрларнинг замон талабларига мос тарзда фаолият юритиши ўз қасбий маҳоратини муттасил ошириб боришисиз муваффақиятга юз тутмаслиги ҳам аёндир. Ҳар бир замонавий раҳбар одамлар билан ишлаш маҳоратини, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкам асосга қўйиш қўнималарини қунт билан эгаллаши, уни санъат даражасига кўтариш йўлида тинимиз мөхнат қилиши зарур.

## **Такрорлаш ва мустақил ишлаш учун мавзулар**

1. Раҳбар шахсига қўйилаётган талаблар ва уларнинг таснифи:

- қасбий тайёргарлик;
- интеллектуал салоҳият;

- ахлоқий сифатлар;
  - мафкуравий-сиёсий лаёқат.
2. Раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишида уни ҳар томонлама ўрганишнинг аҳамияти.
3. Давлат хизматчиси: ҳуқуқий кафолатлар ва қасб масъулияти.

## **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. -Т., Ўзбекистон, 2004.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т., Ўзбекистон, 2005.

## **Амалий машгулот режаси**

1. Раҳбар фаолиятида маъмуриятчилик.
2. Ташкилотлар ва раҳбар классификацияси.
3. Маъмуриятчилик ва маъмурий ташкилотчилик.
4. Раҳбарлик ва етакчилик.
5. Раҳбар шахсини социологик ўрганиш.
6. Президент И.А.Каримов мамлакатимизда замонавий раҳбар кадрларга қўйиладиган талаблар хақида.
7. Раҳбар кадрларнинг ислоҳотлар жараёнидаги ўрнини социологик тадқиқ этиш услублари.
8. Раҳбар кадрлар фаолиятини жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида баҳолаш.

## **5-мавзу. Давлат хизмати, бошқарув ва маъмуриятчилик тизими ning ташкилий, маданий, социал ҳамда жамоатчилик билан алоқалар омиллари**

“Давлат хизмати”, “бошқарув” ва “маъмуриятчилик” каби тушунчалар ўзаро боғлиқ бўлиши билан бирга, ҳар бири тизими хусусиятларга ҳам эга. Шу билан бирга, бошқарув тизим сифатида жамият ҳаётида кўплаб омиллар воситасида фаолият юритади. Жумладан, бошқарувнинг ташкилий, маданий, социал ва бошқа жиҳатлари ҳақида батафсил сўз юритиш мумкин. Биз қуйида биргина жамоатчилик билан алоқалар омилига тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, бошқарувнинг жамоатчилик билан алоқалар тизими ўз табиати, тузилиши ва соҳасига кўра кенг кирралидир. Жамоатчилик билан алоқалар феномени кўплаб фан соҳалари (иктисод, социология, менежмент, психология, ҳуқуқ ва б.) билан боғлиқ бўлиб, у тўқнаш келадиган фаолият соҳалари ҳам турличадир (журналистика, сиёсий фаолият, реклама, менежмент, давлат бошқаруви ва б.). Шу билан бирга, мазкур соҳа турлича номланади: “Publik relations”, “PR”, “паблик рилейшнз”, “ПР”, “Пи-Ар”, PR-технологиялар”, “Жамоатчилик билан алоқалар”, “Жамоатчилик алоқалари” ва б.<sup>1</sup> Келтирилган иборалар муайян ўринга эга бўлиб, аслида синонимлардир. Шу маънода уларни қўйидаги яхлит кўринишга келтириш мумкин.

Жамоатчилик билан алоқалар - паблик рилейшнз - PR.

Дунёда жамоатчилик билан алоқалар соҳаси фан (пиарология) ва фаолият йўналишига (PR - технологиялар) айланганлитига қарамай, мамлакатимизда соци-

<sup>1</sup> Шинкіна М.А. Паблик рилейшнз в системе социального управления – СПб., Изд. “Паллада-медиа” и СЗРЦ “Русич”, 2002, с. 5-13.

ал муносабатларнинг ўзига хос соҳаси, социал институт ва социумнинг (жамиятнинг) муҳим қирраси сифатида эндиғина шаклланмоқда.

Хўш, жамоатчилик билан алоқалар, яъни «паблик рилейшнз»нинг моҳияти нимада?

Паблик рилейшнз – инсон фаолиятининг ўзига хос кўринишидир, унга фаолиятга оид барча белгилар, восита, натижа ва унинг жараёнлари хосдир. Паблик рилейшнзни социал технологиялар ёки жамоатчилик фикрига тенглаштириш бир ёқламаликдир. Хусусан, жамоатчилик фикри ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида ижтимоий жиҳатдан ўзининг зарурий вазифаларинигина бажаради ва у жамоатчилик билан алоқалардан фарқланади.

Демак, паблик рилейшнз социал фаолият сифатида ўзига хос аниқ мақсадга эга. Социал субъектнинг, ташкилотнинг жамоатчилик билан самарали алоқалар тизими ни шакллантириш, у ҳақда мақбул жамоатчилик фикрини яратиш паблик рилейшнзниң мақсади ҳисобланади. У социал субъектлар (индивидуалар, социал институтлар ва б.) ўртасидаги ахборот алмашинувига, яъни социал коммуникация орқали амалта ошадиган фаолиятдир.

Ўз мазмунига кўра, жамоатчилик билан алоқалар фаолият бўлгани учун уни муайян инсонлар юритади, ва демакки, улар PR субъекти ҳисобланади.

PR мутахассисларининг фикрича, PR фаолиятининг субъектлар билан боғлиқ майдонини учта саволга жавоб ташкил этади. Булар:

“PR кимга (нимага) қилинади?”

“PR ким учун қилинади?”

“PR ни ким амалга оширади?”<sup>2</sup>

PR ўз хусусияти ва мазмунига кўра бошқарув фаолияти ҳисобланади. Лекин уни фақаттинга бошқарув ёки

<sup>2</sup> Шишкина М.А. Кўрсатилган асар, с.76-77.

менежмент функциясига тенглаштириш ҳам мумкин эмас. Шу билан бирга, PR ижтимоий-амалий фаолият ҳамдир, чунки у социал реалликни амалий жиҳатдан ўзгартиришга қаратилади. Бугунги кунда, коммуникатив фаолият сифатида PR бозор мухитида ҳам амалга оширилади. Лекин PRга нисбатан қандай бозорлар тўгрисида сўз юритиш мумкин? Бундай бозорлар бир нечтадир.

Аввало, бу – ахборот бозорига тегишлидир. Ахборот бозори чегараланган жамиятда, хусусан, тоталитар жамиятларда PR мавжуд бўла олмайди ёки оддий ташвикот даражасига тушиб қолади. Демак, бозор муносабатлари шароитида PR ахборот бизнесининг оддий турига айланниб қолмаслиги учун унинг фан ва санъат билан боғлиқ хусусиятларини ҳам сақлаб қолиши зарур. Албатта, PR санъат ва фандан фарқ қиласди. PR бир томондан бошқарув фаолияти, бошқа томондан эса бизнес бўлгани учун ҳам ўз таркибига раҳбарлик ва итоат этиши, ижодий ҳамда ижро муносабатларини, запқ-шавқ билан ишлаш ва зерикарли ташқилий ишларни бир маҳомда бажариш каби зиддиятли жиҳатларни қамраб олади. Шу маънода PR фан ёки санъат бўлмай, уларга хос бўлган жиҳатларга эга бўлмоғи зарур

Албатта, PR ўз илмий асосига эга ва бир канча фанлар, яъни коммуникациялар назарияси, социология, психология, менежмент назарияси хулосаларига таяниб, илмий хусусиятга ҳам эга. Жамоатчилик билан алоқалар соҳасида фаолият юритадиган шахс (журналист, сиёсатчи, публицист ва ҳ.к.) маълум даражада илмий фаолият юритади, чунки у ахборот бозорини ўрганади, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қиласди ва ҳ.к.


Бошқа томондан караганда, PR ижодий ёндашув, ижодий изланиш ҳамда технологик, эстетик жиҳатдан

баркамолликни, оқилона иш юритишни талаб қилиши туфайли санъат ҳам ҳисобланади.

PR бевосита жамоатчилик фикри билан ҳам боғлиқ, чунки муайян тарзда шаклланган, яъни позитив шаклдаги жамоатчилик фикри ҳар қандай PR фаолиятнинг мақсадли натижасидир. Аслида, жамоатчилик фикри социал воқеликка баҳо бериш ва социал ироданинг бирлиги сифатида одамларнинг умумий манфаатини қондиришга қаратилган биргаликдаги фаолиятини ташкиллаштирувчилик ролини баҳаришга қодирдир. Шу ўринда у социал куч сифатида социал бошқарувнинг муҳим омилидир. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, PRнинг давлат хизмати, бошқарув ва маъмуриятчилик тизимига таъсири унинг амалга оширадиган вазифаларида ўз ифодасини топади (7-чизма).<sup>3</sup>

7-чизма

### PRнинг асосий вазифалари



<sup>3</sup>Шишкина М.А. Паблик рилейшнз в системе социального управления. – Спб., 2002, с.162.

Бошқарув соҳасида PR бевосита давлат ҳокимиятини амалга ошириш, демократик жарайённи таъминлаш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, шунингдек, сиёсий элитани шакллантириш, сиёсий низоларнинг олдини олиш каби сиёсий вазифаларни бажаради.

Ушбу вазифалар кент миқёсдаги ташки йўналтирилган фаолият бўлиб, унинг муваффақиятли амалга оширилиши PRнинг ички вазифалари орқали таъминлаб борилади. Мазкур функция, асосан, технологик мазмунга эга бўлиб, PRни тадқиқ этиш, ахборот, таҳлилий, прогностик, режалаштириш, ташкилий, консультатив, услугбий, оммавий алоқалар, имиджни яратиш каби йўналишлар фаолиятида кўзга ташланади.

Жамият ҳаётининг турли соҳаларига PRнинг жалб этилганлиги унинг таъсир доирасини белгилайди. Хусусан, сиёсий соҳада ҳам PR нинг аҳамияти каттадир. Сиёсий тизимнинг икки муҳим таркибий қисми – ташкилий ва ахборот-коммуникатив ҳамда маданий-мафкуравий ва норматив тизимларнинг умумий фаолиятида PR фаол иштирок этади. Шу тариқа PR сиёсий жарайёнларнинг тўла хуқуқли иштирокчиси сифатида майдонга чиқади. PRнинг сиёсий соҳага жалб этилиши ва унга таъсир кўрсатиши маълум натижаларга олиб келиши мумкин.

Маълумки, ҳеч бир жамиятнинг сиёсий тизимини давлат сиёсатини шакллантириш ва уни амалга оширишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай давлатда бошқарув ўз сиёсий иродасини фуқароларга ўтказади. Ҳеч бир ҳокимият, бошқарув тизими фуқароларга қаңдай намоён бўлаётганлигига, фуқароларнинг бошқарув тизими қарорларини бажаришига бефарқ бўлолмайди. Шу тариқа ҳар қандай бошқарув тизими PRга эҳтиёж сезади.

Демократик жамиятда PRнинг сиёсий роли янада

кенг кўламли бўлади. PR эндиликда демократик ҳокимиятни шакллантириш учун масъул бўлиб, демократик институтларни қўллаб-қувватлаш ваколатига эга бўлади, унинг электорал роли ошади.

Сиёсий PR механизмлари демократик тизим шароитида қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишга кўмаклашади. Зоро, очиқ сиёсатни амалга ошириш шуни англатадики, жамоатчиликка фақаттинга оммавий муҳокама доирасида айтилган, таниширилган муаммолар ҳал қилиниши зарур, муҳокамага эса фақат маълум қилинган муқобил қарорлар қўйилиши мумкин. Демакки, ОАВда қандай муаммолар кўтарилаётганлиги, унда ифода этилаётган фикрларнинг долзарблиги, жамоатчилик ҳукмига ҳал этишининг қандай йўллари ҳавола этилаётганлиги ва қайси бирлари ҳавола этилмаётганлиги -- буларнинг барчаси сиёсий қарорлар тайёрлаш жараёнида сезиларли тарзда намоён бўлади. Амалда демократик ҳокимият жамиятга олдиндан оммавий тарзда муҳокама қилинмаган бирор нарсани таклиф қилолмайди.

Хуллас, PRнинг жамоатчилик фикри ифодачиси сифатидаги роли гоятда муҳимдир. PR жамоатчилик фикрини доимий ва бевосита намоён қилувчи энг муҳим омиллардан биридир, зоро PR субъектга жамоатчилик номидан сўз юритиш ваколатини бера олади.

## **Тақрорлаш учун саволлар**

1. Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг Ўзбекистон тажрибаси.
2. Фуқароларда турли “рангли инқилоб”ларга қарши тоявий иммунитетни шакллантиришда соғлом жамоатчилик фикрининг ўрни.
3. Жамоатчилик фикри ва мафкуравий мухит: ўзаро боғлиқлик.

## **Адабиётлар**

- 1 Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок керак. 10-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2003.
- 2 Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясидағи маърузаси. // “Халқ сўзи”, 2003 йил 25 апрель.
- 3 Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. -Т., Ўзбекистон, 2004.
- 4 Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиштир. -Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. – Т., Фан, 1998.

## **Амалий машгулот режаси**

1. Бошқарувнинг ташкилий омиллари.
2. Гуруҳ динамикаси.
3. Бошқарувни издан чиқарувчи омиллар.
4. Ўзбекистонда маъмурий ислоҳотлар.
5. Жамоатчилик билан алоқалар: тушунча ва моҳијат.
6. Жамоатчилик фикрини ўрганиш соҳасидаги йирик марказлар фаолияти.
7. Ўзбекистонда бошқарувни эркинлаштиришда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг аҳамияти.
8. Жамиятда ошкоралик, қонунчилик мухитини яратишида ижтимоий-сиёсий барқарорлик.
9. Ички таҳдидларга нисбатан огохликни таъминлашда жамоатчилик фикрининг ўрни.

# **“БОШҚАРУВ СОЦИОЛОГИЯСИ ” ЎҚУВ КУРСИ БҮЙИЧА ИНДИВИДУАЛ (ШАХСИЙ) МАШГУЛОТЛАР СЦЕНАРИЙСИ**

Машгулотларни интерфаол усуллардан фойдаланиб олиб бориш дарснинг мазмунли бўлишига ёрдам беради. Шунингдек, машгулотларнинг ноанъанавий тарзда олиб борилиши тингловчиларнинг ижодий ва мустақил фикрлаш қобилиятини намоён этишларига имкон яратади. Айниқса, индивидуал машгулотларни ўтказишида ноанъанавий усуллар жуда қўл келади. Машгулотлар “*Вазиятли таҳлил*”, “*Аклий ҳужум*”, “*Матбуот конференцияси*” шаклида олиб борилса, мақсадга мувофиқdir. Бу машгулотлар орқали раҳбар шахснинг мустақил қарор қабул қилиши, нотиқлик қобилиятини ривожлантириши, ўз фикрини дадил ва ишонч билан баён қила олиш кўникмаларини шакллантиришга эришилади. Куйида учта машгулот тури сценарийлари келтирилади.

## **1-машгулот. Вазиятли таҳлил**

*Машгулот мавзуси: “Давлат хизмати институти. Раҳбарлик фаолиятини тақомиллаштириш муаммолари”.*

*Машгулот шакли : гурӯҳлар тақдимоти.*

*Мақсад: тингловчиларнинг ижодий, амалий ва мустақил фикр билдиришлари учун имконият яратиш.*

*Машгулотга оид жиҳозлар: маркерлар, фламастер, плакатлар, керакли адабиётлар, аудитория тахтаси ва бўр. Мультимедия материалларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.*

**Машғулотниң түзилиши:**

- ташкилий қисм;
- гурухларда ишлаш;
- гурухлар ишининг тақдимоти;
- баҳолаш ва машғулотни якунлаш.

**Ташкилий қисм:** тингловчиларга машғулот мақсади тушунтирилади. Бирор вазият ечими бўйича тошириқ берилади. Аудиториядаги тингловчилар уч гурухга тенг ажратилади. Бунинг учун уч хил ранг танланади ва доира, учбурчак ҳамда квадрат шаклли қофозлар кирқиб, тингловчиларга ихтиёрий танлаш асосида тарқатилади. Ҳар бир гурухга қайси мавзуни ёритиш ва тақдим этиш (презентация) шартлари тушунтирилади. Гурухларга мавзуни плакатда акс эттиришлари учун ўзлари танлаган рангларига мос рангда маркерлар тарқатилади. Мавзу тақдимоти жараёнида ранглар ёрдамида гурухлар ишини ажратиб олишга шароит яратилади. Мавзу тақдимоти кодоскоп ёки мультимедияга мослаб компьютерга ёзилади.

**Гурухларда ишлаш:** гурухларга мавзу тарқатилади. Ўқитувчи машғулот давомида гурух ишларини кузатиб боради ва мавзудаги энг муҳим жойларни тингловчиларга эслатиб туради. Жиҳозларнинг ишлатилиш жараёнидаги камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

**Гурухлар ишининг тақдимоти:** гурухлар тартиб рақами асосида тақдимотни бошлайди: гурух томонидан тайёрланган плакатлар осиб қўйилади. Гурух томонидан сайланган тақдимотчи (лидер) гурух ишини тақдим этади. Тақдимотдан сўнг гуруҳдаги тингловчилар ўз фикрини билдириши мумкин. Бошқа гурух тингловчилари савол бериш хуқуқига эга. Ҳар учала гурух тақдимотидан сўнг тингловчиларнинг барча фикр-мулоҳазалари умумлаштирилади. Хулоса асосида умумий фикрга келинади.

Бахолаш ва машгулотни якунлаш: ўқитувчи машгулот сўнгидагурухлар ишини якунлайди ва улар ишини баҳолайди.

## 2-машгулот. Ақлий ҳужум

Машгулот мавзуси: “Бошқарувда эмпирик социологик тадқиқотлар натижаларини қўллаш”.

Машгулот шакли: баҳс-мунозара.

Максад: тингловчиларда назарий билимларни амалий машгулотда намоён этиш ва бир-бирини ўзаро тинглай олиш кўникмаларини шакллантириш.

Машгулотга оид жиҳозлар: плакатлар, маркерлар, керакли адабиётлар.

Манифулотнинг тузилинни:

- ташкилий қисм;
- гурухларда ишлаш;
- баҳс-мунозара;
- машгулотни якунлаш.

Ташкилий қисм: керакли жиҳозлар гурухларга тарқатилади. Тингловчилар доира ёки тўртбурчак шаклдаги стол атрофида гурухларга бўлинниб ўтирадилар.

Гурухларда ишлаш: гуруҳ аъзолари рақамланган столга ўтирадилар, уларга баҳс мавзуси ёзилган карточкалар тарқатилади.

Баҳс-мунозара: машгулот “Ақлий ҳужум” билан бошланади, зеро тингловчиларда мавзу бўйича назарий билимлар мавжуд. Уни мустаҳкамлаш учун 3-4 та савол берилади. Ўқитувчи жавоб олгач, “ақлий ҳужумни” тўхтатади, янги мавзу бўйича баҳс-мунозара ўтказилишини ҳамда ҳар бир тингловчининг бу масалада мустақил фикр билдиришини сўрайди. Давра марказида бошловчи-ўқитувчи мунозарани бошқарив боради ва баҳсни зарур пайтда керакли томонга

йўналтириб туради. Ўқитувчининг барчага ўз фикрини билдириши учун имконият яратиши тингловчиларнинг бошқарув маҳоратини ошириш учун ибрат бўлиши керак. Бошловчи-ўқитувчи фикр алмасиши, хулоса чиқариш ҳолатларида мунозарага аралашиб, бошқариб туради.

Машгулотни якунлаши: мунозарада умумий хулоса га келиниб, ўқитувчи томонидан машгулот якунланади, баҳо мезонларига асосан баҳо қўйилади.

### Эслатма:

- баҳсда факат тингловчилар иштирок этади;
- ҳар бир гуруҳ ўз фикрини баён қилиб, уни асослаб беради;
- машгулот жонли мулоқот тарзида олиб борилади;
- машгулот кўргазмали қуроллар асосида ташкил қилиниб, тингловчилар ўзлари тайёрлаган кўргазмали қуроллар ёки чизмалардан фойдаланадилар;
- машгулотда ўқитувчи факат кузатувчи сифатида иштирок этади.

## **3-машгулот. Матбуот конференцияси**

Машгулот мавзуси: “Бошқарув ва раҳбарнинг касбий фаолияти. Раҳбар шахсини социологик ўрганиш муаммолари”.

Машгулот шакли: савол-жавоб.

Максад: Назарий билимларни мустаҳкамлаш, раҳбарликнинг бошқарувдаги ўрнини англаш, дипломатик хусусиятларни шакллантириш.

Машгулотга оид жиҳозлар: мавзулар бўйича платлар, қофоз ва қаламлар.

Машгулотнинг тузилиши:

- ташкилий қисм;
- давра сухбати;
- машгулотни якунлаш.

Ташкилий кисм: Тингловчиларга тарқатма материаллар дарсгача тарқатилиади. Ўқитувчи машғулотни савол-жавоб тарзида ташкил этади, бошқариб боради. Машғулотда интерфаол усуллардан кенг фойдаланилади.

Давра сұхбати: ўтилган фан бўйича мутахассислар, ўқитувчилар давра столига таклиф этилади ва таништирилиади. Саволлар ёзма ва оғзаки тарзда берилиши эслатиб ўтилади. Саволларга машғулотда иштирок этаётган профессор-ўқитувчилар жавоб берадилар. Машғулотда, шунингдек, мулоҳазалар билдирилиши ҳам мумкин, ўз фикрини очиқ баён этиш имконияти ҳратилади. Савол берилганда жавоб учун олдиндан раҳмат айтилади. Бу давра столи атрофида ўтирганлар учун ҳурмат белгисидир. Ўз ўрнида жавоб берувчи ҳам саволнинг қай даражада долзарблиги ва муҳимлигини айтиб ўтиши мақсаддага мувофиқдир. Чунки тингловчиларни баҳолаш даврида бунга аҳамият берилади.

Машғулотни якунлаш: энг қизиқарли ва долзарб савол зәсси рагбатлантирилиади. Саволлар билан фаол қатнашган тингловчилар баҳоланадилар. Кейинги машғулот бўйича уйга топшириқ берилади.

## ХУЛОСА

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш мақсадида бошқарув тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш ҳамда шакллантириш ҳар қачонгидан дол зарб ва муҳимдир.

Маълумки, жамият ўз-ўзини ташкил этишида бошқарув ва маъмуриятчилик ўзаро диалектик бирликдан иборат бўлиб, уни социологик тарзда ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш лозим. Бошқарув – персонал, раҳбар ва ходим орасидаги мулоқот ҳамда муносабатларни тартиблашнинг ўзига хос санъатидир.

Давлат ва жамият бошқарувида давлат хизмати институти муҳим поғона ҳисобланади. Давлат хизмати тор ва кенг маънода қўлланади. Давлат хизмати давлат муассасаларида мансабга эга бўлган ва ўз меҳнати эвазига давлатдан ҳақ оладиган давлат аппарати ходимлари томонидан давлат функцияларини амалга оширишдан иборат меҳнат фаолият тури ҳисобланади. Маълумки, жамият ривожланган сари давлат аппарати тўхтовсиз мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Ҳар қандай давлат аппарати бошқарув идораларининг меҳаник бирлашмаси эмас, балки аниқ ташкил этилган ва қатъий тартибга солинган яхлит тизимдир. Ўзбекистон Республикасида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш шароитида давлат бошқарувидаги асосий вазифалардан бири сиёсий жамиятга молик вазифаларни прогнозлаш, яъни башорат қилишдир.

Бошқарув социологиясига оид тадқиқотларда учта муҳим вазифа, яъни методологик, методик ва ташкилий масалаларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бошқарув социологиясида сўровнинг ўрнини алоҳида ҳисобга олиш зарур, зеро унда нафакат социал фактнинг воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги

ифодаланиши, балки одамларнинг фикр-мулоҳазалари, ходисаларни баҳолашлари ўз аксини топади. Сўров бир томондан объектив ҳодиса ва жараёнлар, иккинчи томондан, одамларнинг субъектив тасаввурлари, фикр-мулоҳазалари хақидаги ахборот олишни англатади. Респондент ва анкета олувчи ўртасидаги муносабат, хусусиёт, бир-бирини тушуниш, баҳс-мунозарадаги яқдиллик, жамиятдаги муаммоларни, ютуқ ва камчиликларни ўрганиш, таснифлаш бошқарув психологияси ҳамда социологиясида муҳим ўрганиш объекти сифатида таҳлил қилинади.

Маълумки, бошқарув органлари тизими юқоридан қуига қараб муайян функциялар тизимини ҳар бир орган ўз ваколатлари доирасида амалга оширади. Бошқарув тизими функцияларининг объектив, технологик, даврий (циклик) функциялари белгиланган. Биз қўлланмада унинг шакллари ва тараққиёт босқичлари, мактаблари ва анъаналари ҳақида сўз юритдик. Шу билан бирга, қўлланма доирасида бошқарув фаолиятида раҳбар ва ходимлар психологияси, бу тизимдаги ўзаро таъсир шакллари ҳамда механизмлари (буйруқ, талаб, маслаҳат, маъқуллаш, насиҳат) муҳим аҳамиятга эталиги кўрсатиб берилди.

Хозирги даврда жамоатчилик билан алоқалар омиллари бошқарувнинг муҳим йўналиши сифатида шаклланган бўлиб, унинг энг кўп тарқалган шакли - PR (паблик рилейшнз) бир томондан бошқарув фаолияти, иккинчи томондан эса бизнесга оид бўлгани учун у ўз таркибига раҳбарлик, итоат этиш, ижодий ва ижро муносабатларини завқ-шавқ билан ишлаш, зерикарли тапкилий ишларни бир маромда бажариш каби зиддиятли жиҳатларни ҳам қамраб олади.

Бошқарув соҳасида PR бевосита давлат ҳокимиятини амалга ошириш, демократик жараённи таъминлаш,

шунингдек, сиёсий элитани шакллантириш, жамоатчилик фикрининг устувор тенденцияларини акс эттириш, сиёсий низоларнинг олдини олиш каби муҳим функцияларни бажармоқда.

Хуллас, мазкур ўкув қўлланмасида бошқарув социологиясига доир айрим масалаларгина умумлашган ҳолда қараб чиқилди. Бошқарувдек серқира ва мураккаб тизимга оид барча жиҳатларни бошқарув социологияси нуқтаи назаридан ҳам атрофлича қамраб олиш мушкул. Шу нуқтаи назардан мазкур қўлланмани бу соҳадаги дастлабки уринишлардан бири деб қарааш ўринли бўлар эди. Ҳурматли ўкувчилардан ўз фикрмулоҳазаларини қўйидаги манзилга йўллашларини илтимос қиласиз:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, “Бошқарув социологияси ва психологияси” кафедраси. – Тошкент шаҳри, 700003, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 45.

## **АТАМАЛАР ЛУГАТИ**

**АНКЕТА** (фр. *enguete* - тафтиш қилиш) – мазмун ва шаклига кўра тартибланган иборалар баён этилган саволнома бўлиб, бунда ўрганилаётган ижтимоий ҳодиса белгиларини аниқлаш орқали хулоса чиқаришга имконият яратилади.

**АНКЕТА САВОЛЛАРИ** – ахборот олишга мўлжалланган иборалар мажмуи.

**АНКЕТА СЎРОВИ** – социологик тадқиқотда қўлланиладиган сўровларнинг асосийси. Сўров жараёнида респондентлар сўров вараги тарзида берилган саволларга ёзма жавоб беради. Бу ҳолатда тадқиқотчи ва респондент ўртасида ўзаро мулоқот сўровнома воситасида сиртдан амалга оширилади.

**АНКЕТА ЮРИТУВЧИ** – респондентлар орасида анкета сўрови ўtkазиш услуби ёрдамида дастлабки социологик ахборот йиғувчи мутахассис – социолог.

**АСОЦИАЛ ХУЛК** (юон. *a* – инкор ва *socialis* – ижтимоий) – муайян шахс ёки одамларнинг ижтимоий салбий сабаблар асосида юзага келадиган ижтимоий ҳаёти шакли, бундай хатти-ҳаракат бошқа шахс, ижтимоий гурух, баъзан жамиятга зарар етказиши мумкин (масалан, ичкиликбозлиқ, жиноятчилик).

**АХОЛИ МИГРАЦИЯСИ** (лот. *migratio* – кўчиш) – одамларнинг мамлакатлар, худуд ва минтақалараро кўчиб юриши.

**БАНДЛИК** (аҳолининг бандлиги) – аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилганлигини ифодаловчи ижтимоий-иктисодий категория.

**БЕЛГИЛАНГАН МАКОМ** – жамият ёки гурух томонидан индивидга унинг қобилият, саъй-ҳаракатидан қатъи назар, белгилаб қўйилган ижтимоий ҳолат.

**БИРЛАМЧИ ГУРУХ** – шахснинг бирламчи ижтимо-ийлашув жарабёни ва унинг бошқа гурӯҳларга тортилишини таъминловчи кичик гурӯх (оила, ўсмирлар гурӯхи) лардан бири.

**БОШҚАРУВ** – ташкилот маҳсус органининг функцияси бўлиб, у кам восита (вақт, куч, заҳиралар) сарфлаб, юқори натижага эришиш учун ташкил этилган фаолият.

**БОШҚАРУВ СОЦИОЛОГИЯСИ** – менежментнинг социологик жиҳатларини ўрганувчи фан. Ишбилиармон-ликнинг иқтисодий, техник-ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатларини қамраб олиб, менежмент назарияси ва амалиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда.

**БЮРОКРАТИЯ** (фр.bureav – маҳкама, лот. –kratios – ҳокимият) – бошқарувнинг тўрачилик, ўз фаолиятига кўра ролларнинг поғонали тарздаги (юқоридан қўйига) тартиби ва қатъий қоидага асосланган кўриниши. Бюрократия жамият бошқаруви функциясини бажарувчи ижтимоий қатлам ҳисобланиб, қўйидагилар билан ифодаланади: 1) ҳокимиятни амалга оширувчи хизматчилар имтиёзли қатламининг мавжудлиги; 2) ижро ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимиятдан ажralиб қолиши; 3) бошқарувнинг қиёфасиз (масъулиятызиз) тизими; 4) назорат функцияларининг ижро учун масъул шахсларга бериб қўйилиши; 5) хизмат юзасидан тобелик тизимининг вужудга келиши, фаолият шаклининг фаолият мазмунига нисбатан устуворлиги.

**ГУРУХ ДИНАМИКАСИ** – гурӯх ҳаётидаги муайян вақт бирлиги ва унинг босқичдан-босқичга ҳаракати давомида юз берадиган ўзгарувчан жараёнлар мажмуаси.

**ГУРУХИЙ БИРДАМЛИК** – гурӯх ҳаётий фаолияти ворисийлиги ва барқарорлитини таъминлашга хизмат қилувчи шахслараро алоқаларнинг мустаҳкамлиги.

**ГУРУХИЙ МУТАНОСИБЛИК** - гурух ҳамжиҳатли-лигининг ижтимоий-рухий кўрсаткичи бўлиб, унда гурух аъзоларининг низоларсиз муомала қилиши ва ўзаро мувофиқлик имконияти акс этади.

**ГУРУХИЙ СИЛЖУВЧАНЛИК** – ижтимоий гурухнинг ижтимоий-стратификация тизимидағи ҳолати ўзгариши.  
**ГУРУХЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР** – шахслараро субъектив кечинмаларга асосланган алоқа.

**ГУРУХЛАШТИРИШ** – ўрганилаёттан обьект бирликларини белгиларига қараб муайян гурухларга бирлаштириш.  
**ГУРУХ МЕЪЁРЛАРИ** – муайян гурух жорий этган тартиб-қоида ва талаблар мажмуи. У гурух аъзолари хатти-харакатларини ташкил этишда, уларнинг ўзаро муносабатлари ва муомаласида мухим аҳамият касб этади.

**ГУРУХ ТУЗИЛМАСИ** – фаолият қатнашчиларининг ўзаро мустаҳкам равишда қайта вужудга келишининг тартибланган тизими.

**ДАВЛАТ** – жамиятнинг ҳокимият, шунингдек, ижтимоий заҳира ҳамда воситаларни тақсимлаш имкониятига эга қисми.

**ДЕМОКРАТИЯ** (лот. *demos* – халқ, *kratos* – ҳокимият) – халқ бошқаруви, халқ учун бошқарув ва халқ воситасида бошқарув амалга ошириладиган давлат тузилиши шакли.

**ДИАДА** – икки кишидан иборат гурух.

**ЕТАКЧИ** (ингл. *leader* – бошловчи, раҳбар) – масъуллиятли вазиятда гурух учун ҳал қилувчи қарор қабул қилиш ҳуқуқини олган аъзо; бирон жамоада катта обрўэътиборга эга шахс.

**ИЖТИМОИЙ ЗАҲИРАЛАР** — ижтимоий ривожла-

ниш самарадорлигини ошириш салохиятларининг етарли даражада ишлатилмаётган имкониятлари.

**ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗЛАР** — алоҳида шахслар, гурӯҳлар, ташкилотларнинг кўп одамлар этишолмаган ҳуқуқ ва имтиёзларга эгалиги. Улар мулкий фарқлар, муассасалар тузилмаларидағи ҳолатдан келиб чиқади, баъзан ҳуқуқий кафолатланади, кўпинча аста-секин вужудга келади. У дастлабки имкониятлар — мулкий, маданий, таълим имкониятлари билан ҳам боғлиқ.

**ИЖТИМОЙ ИНТЕРАКЦИЯ** (лот. *inter - орасида, action - ҳаракат*) — инсонлар ўзаро ҳаракатга киришувчи жараён.

**ИЖТИМОЙ ИНСТИТУЛЛАР** (лот. *institutum* - ташкилот) — инсонлараро фаолиятни ташкил этишининг мустаҳкам шакли. Ижтимоий институтлар жамиятда ташкилий, тартибловчи, бошқарув ва тарбиявий функцияларни амалга оширади.

**ИЖТИМОЙ ИНСТИТУЛЛАР ДИСФУНКЦИЯСИ** — ижтимоий институтнинг ижтимоий муҳит, жамият билан ўзаро фаолияти бузилиши, ўз ролини бажаришда юз берувчи чигалликлар.

**ИЖТИМОЙ ИНТЕГРАЦИЯ** (лот. *integratio* - тикла-ниш, тўлдириш) — ўзаро ҳаракатдаги туғли элеменларни ижтимоий яхлитликка, тизимга боғловчи жараёнлар мажмуаси. Ижтимоий гурӯҳларнинг ижтимоий муносабатлар мустаҳкамлиги ва мувозанатини кўллаб-куватлаши ҳам ижтимоий интеграцияни ифодалайди. Ижтимоий тизим ёки унинг қисмларининг ички ва ташки зиддиятлар, кескинликлар шароитида хавф соловучи омилларга қаршилик кўрсатиш қобилияти ижтимоий интеграция намунаси ҳисобланади.

**ИЖТИМОЙ ИНФАНТИЛИЗМ** (лот. *infantilis* - бола-

ликка жос) - ёшларнинг биологик ва ижтимоий улгайиши орасида вужудга келадиган узилиш, у ёш авлоднинг катталар ҳаётига ижтимоийлашув жараёнида кириб бориши механизмининг бузилишини ифодалайди. Баъзи ёшлар ўтиш даврига қадам қўйсалар-да, ўз социомаданий вазифаларини бажаришга эътиroz билдиради, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга қўшилишни, оила қуришни хоҳламайди. Бу қўпинча ўсмирлик мақомини сақлаб қолишга уринишда, ёшлар маданияти намуналарига риоя қилишда ўз ифодасини топади.

**ИЖТИМОЙ ИНФРАСТРУКТУРА** (лот. *infra* – тагида, *structura* – тузилма) – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, ижтимоий-маиший соҳада инсон ҳаёти ва фаолиятини оқилона ташкил этишини таъминловчи моддий омилларнинг мустаҳкам мажмуаси.

**ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ХАРИТАЛАР** – турли худудлар ижтимоий-иктисодий ҳолатини акс эттирган харита. Аҳоли, иқтисодий-жўғросий, саноат, сиёсий, сиёсий-маъмурий, тарихий хариталар унинг асосий турлари ҳисобланади.

**ИЖТИМОЙ КАСАЛЛИКЛАР** – нокулай ижтимоий-иктисодий шароит натижасида келиб чиқадиган ҳамда тарқаладиган касалликлар (масалан, таносил касалликлари, камқонлик ва ҳ.к.).

**ИЖТИМОЙ КАТЕГОРИЯ** (юон. *kategoria* – белги) – бир ёки бир нечта ўхшаш хусусиятларга эга индивидларни бирлаштирувчи ижтимоий бирлик.

**ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАР** – кишиларнинг ҳаётий фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан моддий неъматлар ва хизматларнинг маълум тўпламини таъминлаш имконини берувчи чора-тадбирлар, меъёрий шарт-шароитлар тизими.

**ИЖТИМОЙ КОММУНИКАЦИЯ** (лот. *communicatio* — хабар бермоқ, боғламоқ) — жамиятда мулоқот ва ахборот алмашинув жараёнлари.

**ИЖТИМОЙ КОНФОРМИЗМ** (лот. *konformis* — ўхшаш, мос) — ҳукмрон фикрларга, оммавий онг кўнишка ва андозаларига, анъана ва қоидаларга риоя этиш. У ўзига хос хусусиятларнинг мавжуд эмаслиги, бир хиллик, эскича фикрлаш каби хусусиятларни ўз ичига олади.

**ИЖТИМОЙ КЎНИКИШ** — шахснинг бошқаларга тақлид қилиб, уларни кузатиши орқали ижтимоий хатти-ҳаракатнинг янги шаклларини эгаллаши.

**ИЖТИМОЙ КЎРСАТКИЧЛАР** — ўрганилаётган ижтимоий объектлар, ҳодисалар, жараёнларнинг тузилмаси ёки ривожланишини акс эттирувчи сифатий ва микдорий хусусиятлари.

**ИЖТИМОЙ КЎЧИШЛАР** — индивид ёки гурухнинг ижтимоий тузилмада ҳолат ёки жойини ўзгартириши. Ижтимоий кўчишлар — ижтимоий қайта барпо бўлиш жараёнининг шаклидир.

**ИЖТИМОИЙЛАШУВ** — шахс томонидан мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар ва билимлар тизимини ўзлаштириш жараёни. Бу жараён туфайли шахс жамиятга кириб боради, унинг такрорланмас жиҳатлари намоён бўлади.

**ИЖТИМОИЙЛАШУВ АГЕНТЛАРИ** — шахс ижтимоийлашувини таъминловчи институтлар, одамлар ва ижтимоий гурӯҳлар.

**ИЖТИМОЙ МАКОН** — табиий маконнинг одамлар яшаш ҳудуди сифатида ижтимоий ўзлаштирилган қисми. У жамият ҳаёти ва фаолиятининг маконий-ҳудудий жиҳати ҳамдир. Мазкур тушунча жамият ижтимоий

тузилмасини ижтимоий гурухлар ва қатламларнинг ма-  
конда жойлашуви нуқтаи назаридан ифодалайди.

**ИЖТИМОИЙ МАСОФА** — ижтимоий гурухлар ва  
шахсларнинг ўзаро яқинлиги ёки узоқлашуви. Ижти-  
моий масофани жўғрофий масофадан фарқлаш лозим.  
Ижтимоий масофа этник гурухлар жойлашуви, тарқа-  
лишининг ўзига хос шакллари (масалан, геттолар, ла-  
герлар ва ҳ.к.), элита, яъни оқсуяклар ва киборлар  
яшайдиган жойлар (бойлар, олий мансабдорлар квар-  
таллари ва ҳ.к.) маъносини ҳам билдиради.

**ИЖТИМОИЙ МАҚОМ (СТАТУС)** (лот. status - ҳолат)  
— шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимидағи ахво-  
ли, ҳолати. Ижтимоий мақом — шахс, гурух ва ижти-  
моий институтнинг ижтимоий муносабатлар тизимида-  
ги маълум меъёрлар мажмуаси билан мустаҳкамлан-  
ган юссий ҳолатидир.

**ИЖТИМОИЙ МЕЪЁР** — 1) мавжуд ижтимоий шаро-  
итнинг мақбул тарзда ривожланиши учун белгиланган  
меъёрлар гурухи кўрсаткичи; 2) ижтимоий ривожла-  
нишнинг ижтимоий ҳодиса, жараённинг тадрижий ке-  
чиш йўлига мослиги; 3) биргаликдаги зарур хулқ-атвор,  
хатти-ҳаракатга нисбатан талаблар, шарт ва истаклар.

**ИЖТИМОИЙ МЕЪЁРЛАР** — ижтимоий гурухнинг ўз  
аъзоларига қўядиган расмий ва норасмий талаблари  
мажмуми.

**ИЖТИМОИЙ МОСЛАМА (ЎРНАТМА)** — шахс ёки  
гурухнинг ижтимоий жиҳатдан мухим аҳамиятли объ-  
ектга йўналтирилган мойиллиги, тайёрлиги. Ижтимоий  
мослама шахснинг ижтимоий объект қадрини, аҳамия-  
тини, мазмунини ҳис этиб, унинг ҳолатини акс эттира-  
ди. Умуман, шахс ва ижтимоий мухитнинг ўзаро ҳара-  
кати ижтимоий мосламанинг мазмунини белгилайди.

**ИЖТИМОИЙ МОСЛАШУВ (АДАПТАЦИЯ)** — шахс ёки гурухнинг ижтимоий мухит билан ўзаро муносабати тури. Ижтимоий мослашув жараёнида унинг иштирокчиларининг талаблари ва мўлжаллари ўзаро мувофиқлаштирилади. Ижтимоий мослашувнинг мухим таркибий қисми — субъектнинг ўз-ўзини баҳолаши, талабларини ўз имкониятлари ва ижтимоий мухит шароитлари билан мувофиқлаштиришидир. Ижтимоий мослашувни икки томонлама - жараён ва субъект ҳамда ижтимоий мухитнинг бир-бирига йўналган фаоллиги натижаси деб тушуниш зарур. Ижтимоий мослашув шахс ёки гурух учун янги бўлган ижтимоий мухитни ўзлаштириш жараёнида намоён бўлади.

**ИЖТИМОИЙ МУАММО** — мавжуд бўлган ва зарурий шароитлар ўртасидаги зиддият деб қаралувчи фарқ.

**ИЖТИМОИЙ МУВОЗАНАТ** — яхлит бирлик ҳисобланувчи жамиятда унинг қисмлари ва элементлари нинг бир-бири билан узвий ҳаракатланиши. Ижтимоий ҳаётдаги ўз-ўзини тартибга соловчи механизмлар (таксидирлаш, тақиқлар, қонунлар, ахлоқий кўрсатмалар, анъаналар ва ҳ.к) тизимнинг мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қиласи. У туфайли жамият ўзини юқори даражадаги ижтимоий келишувга эга бўлган ва жислашган тизим сифатида намоён қиласи. Т.Парсонс назариясига кўра, бу ҳол табиатдаги гомеостазис (мувозданат) ҳолатига мос келиб, социостазис (жамиятдаги мувозданат) ҳолатига эга бўлади.

**ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТ** — бир-бири билан мутаносиб, англанган ва ҳис қилинадиган тақрорланувчан ўзаро ҳаракатлар мажмуи.

**ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР** — 1) инсонлараро ўзаро боғлиқлик; 2) турли ижтимоий гурухлар, қат-

ламлар ва тоифалар ўртасидаги ҳаётий эҳтиёжларни қондириш бўйича ўзаро боғлиқлик; 3) шахсларнинг ижтимоий-маиший соҳадаги ўзаро боғлиқлиги.

**ИЖТИМОЙ МУОМАЛА (КОНТАКТ)** — одамларнинг табиий ва ижтимоий маконда ўзаро муомалаларидан келиб чиқадиган қисқа муддатли, осон узилиб қоладиган ижтимоий муносабат тури.

**ИЖТИМОЙ МУҲАНДИСЛИК** --- тадбиқий ижтимоий фанлар, хусусан, тадбиқий социологиядаги ёндашувлар мажмуи. Ижтимоий муҳандислик инсон хатти-ҳаракатини белгиловчи ва назоратини таъминловчи ташкилий тузилмаларни мақсадли равишда ўзгартиришга имкон беради. Асосан, ташкилий тузилмаларни мақсадли ўзгартиришга қаратилган.

**ИЖТИМОЙ МУХИТ** --- шахс, ижтимоий гурух, ижтимоий институт фаолияти майдонини (маконини) ташкил этувчи ижтимоий шароит ва омиллар мажмуи.

**ИЖТИМОЙ НАЗОРАТ** — жамиятнинг соғлом ижтимоий тартибни таъминлаш мақсадида шахс хатти-ҳаракати ва хулқ-авторига мақсадли таъсири, унинг ижтимоийлашуви омили. Ижтимоий назорат шакллари: оддий (мажбурловчи) санкциялар (тазииклар), жамоатчилик фикри; ижтимоий институтлар. Ижтимоий назорат механизми: 1) жисмоний тазииклар (гурух меъёрларини бузганлик учун шахсни жазолаш); 2) иқтисодий тазииклар (қўрқитиш, жарима); 3) маъмурий тазииклар.

**ИЖТИМОЙ НИЗО** — рақибни айнан фойда олиш йўлида бўйсундириш, унга ўз талабини ўtkазиши орқали мақсадга эришишга уриниш. Низо рақобатдан қатъий йўналганлиги, ихтилофнинг мавжудлиги, курашни шафқатсиз олиб бориш билан фарқланади.

**ИЖТИМОИЙ НОСОГЛОМЛИК** — ижтимоий меъёрдан четлашиш кўриниши. Бунда ижтимоий ривожланиш, шахс, гурух, ижтимоий институтнинг шахсий ёки ижтимоий ҳаётнинг бир ёки бир нечта соҳаларидағи ижтимоий меъёrlарни ифодаловчи кўрсаткичлардан оғиши кузатилади.

**ИЖТИМОИЙ ОРАЛИК** — гуруҳлараро яқинлик ёки бегоналашувни ифодаловчи бирлик.

**ИЖТИМОИЙ ПАРЧАЛАНИШ** — одамларнинг бирбиридан ажралиб кетишининг чуқурлашиб бориш жараёни, кишилар ўртасидаги шахсий алоқаларнинг барбод бўлиши. Шахслараро муносабатлар шахсий хусусиятини йўқотиб, унга зид кўринишга эга бўлади - бегоналашув вужудга келади.

**ИЖТИМОИЙ ПЕРЦЕПЦИЯ** — (лат. *receptio* - тасаввур) — одамларнинг ижтимоий обьектларни (бошқа одамларни, ўзини, гуруҳларни, ижтимоий бирликларни) ҳис этиши, тушуниши ва баҳолаши.

**ИЖТИМОИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ** — ижтимоий жараёнларни мақсадли равишда режалаштириш шаклларидан бири. Бунда ижтимоий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг мазмуни ва самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими кўзда тутилади.

**ИЖТИМОИЙ РОЛЬ** — шахс, ижтимоий гурухнинг ижтимоий муносабатлардаги таъсири ва аҳамияти меъёри, иштирок этиш даражаси, ижтимоий мақоми. Ижтимоий роль ушбу мақомга мос келувчи ҳукуқ ва вазифалар мажмуаси билан чегараланади.

**ИЖТИМОИЙ РОЛЬ НИЗОЛАРИ** — турли ижтимоий ролларнинг меъёрий (норматив) тузилмалари ўртасидаги ёки битта ижтимоий ролнинг алоҳида функ-

циялари, меъёрлари ўртасидаги зиддият, тўқнашув. ИЖТИМОЙ-РУХИЙ ДИАГНОСТИКА (юнон. *diagnostikos* — билиб олиш қобилияти) — одамлар, гурухларнинг ижтимоий-рухий хусусиятларини аниқлаш назарияси ва амалиёти; психодиагностика бўлими. ИЖТИМОЙ РУХШУНОСЛИК (ПСИХОЛОГИЯ) — руҳшунослик соҳаси, у ижтимоий гурухларга мансуб шахс хулқ-автори, хатти-ҳаракати ва фаолияти қонуниятларини, шунингдек, гурухларнинг руҳий хусусиятларини ўрганади.

ИЖТИМОЙ САНКЦИЯЛАР (лот. *sanctio* — қатъий қарор) — ижтимоий меъёрларга риоя этишни таъминловчи ижтимоий тазийклар (жазолар) ва рағбатлантиришлар. Зарур меъёрларга зид хатти-ҳаракатларга тўскىнлик қилувчи тазийклар (жазолар) салбий (негатив) санкциялар, ижтимоий меъёрларга риоя этишга мос рағбатлар эса ижобий (позитив) санкциялар ҳисобланади.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ — давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми, у ижтимоий соҳадаги муносабатларни тартибга солишга, инсон омилини тўла намоён қилишга қаратилганлигига мужассамлашади. Ижтимоий сиёсат ижтимоий гурухлар, қатламлар, миллатлар, шахс ва жамият, меҳнат ва турмуш шароитлари, соғликни саклаш, бўш вақт, спорт, дам олиш, турмуш даражаси ва сифати каби турли муаммоларни ва соҳаларни қамраб олади. Айнан ижтимоий соҳада иқтисодий фаолият натижалари амалга ошади, жамиятнинг асосий мақсади ва моҳияти намоён бўлади. Шу маънода ижтимоий сиёсат узоқ муддатли, ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олмоги керак. Мамлакатимизда юритилаётган ислоҳотлар асоси бўлган, Президентимиз И.А.Каримов асослаб берган беш тамойилнинг бири ҳам шу мақсаддага қаратилган.

**ИЖТИМОЙ СТАТИКА** (юон. *status* — турувчи) — ижтимоий организм (жамият) элементларининг тарихий шароитларда сакланиб қолувчи ўзаро муносабатлари. Ижтимоий алоқалар табиати ижтимоий статика-нинг асосий масаласи хисобланади, шу ўринда «ижтимоий тизим» түшунчаси унинг моҳиятини ифодалайди.

**ИЖТИМОЙ СТАТИСТИКА** (лот. *techne* — ахвол) — ижтимоий ҳаёт, жараёнлар ва ҳодисаларнинг миқдор ҳамда сифат ўзгаришларини ифодаловчи матълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва кўллаш.

**ИЖТИМОЙ СТЕРЕОТИП** (юон. *stereos* — мустаҳкам, *typos* — шакл, намуна) — ижтимоий обьектлар ёки ҳодисаларнинг сезиларли даражадаги мустаҳкам, лекин сийқалашган кўриниши; фикрлаш, хис этиш ва хатти-ҳаракатнинг анъанавий, одатга айланган қолипи, шакли.

**ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯ** (лот. *stratum* — қатлам, *fasio* — қилмок) — жамиятнинг мулк, маком ва ҳокимият муносабатларидан келиб чиқсан тизими, ижтимоий роллар ва вазиятларни ўзида акс эттиради. У жамиятдаги меҳнат тақсимотида турли гурухларнинг ижтимоий дифференциациясидан (табақалашувидан), шунингдек, муайян фаолиятнинг аҳамияти ва ижтимоий тенгсизликни қонунийлаштирувчи қадриятлар ҳамда маданий намуналар (стандартлар) тизими нинг хусусиятидан келиб чиқади. Ижтимоий стратификациянинг асосий вазифаси — турли фаолият хиллари учун рағбатлантирувчи тизим ёрдамида ижтимоий ролларни мос равишда идрок этиш ва бажаришни таъминлаштирди.

**ИЖТИМОЙ СУБЪЕКТ** (лот. *subjectus* — асосда жойлашган) — предметли-амалий ижтимоий фаолият

юритувчи, ижтимоий фаоллик манбаи, муайян дараждаги эркинлик эгаси.

**ИЖТИМОИЙ СУБЪЕКТЛИК** — жамият ва инсон ҳаётидаги фаолликни ифодаловчи ижтимоий сифат.

**ИЖТИМОИЙ СУФУРТА** — қонунда кўзда тутилган тартибда ижтимоий жамгармалар ҳисобидан меҳнат қобилиягини йўқотган, қарилик ва бошқа ҳолларда аҳолини моддий таъминлаш тизими (масалан, санаторий-курортларда даволаш, турли имтиёзли таътиллар ва ҳ.к.).

**ИЖТИМОИЙ ТАВАККАЛЧИЛИК** — ижтимоий ўзгаришларда, ижтимоий тизимларнинг амал қилиши ва ривожида, ижтимоий субъектларнинг ўз эҳтиёжлари ни қондириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий йўқотишлар, зиддиятлар хавфи. Гуруҳлар ва шахслар даражасида қабул қилинадиган қарорлардаги таваккалчилликнинг мавжудлиги ҳам ижтимоий таваккалчилликка сабаб бўлади.

**ИЖТИМОИЙ ТАРТИБ** — ижтимоий ҳаётни ташкил этиш, ижтимоий тизим ёки ижтимоий ҳаракатнинг тартиблиги. Шахс ижтимоий ҳаракатининг тасодиғий эмаслиги, одамлар ҳаракатида ўзаро келишувчанлик, бир-бирини тўлдириш мавжудлиги, ижтимоий ҳаёт шаклларининг барқарорлиги ва давомийлиги ижтимоий тартибга боғлиқдир. Шахслар бир-бирининг ҳаракатидан боҳабар бўлганда ижтимоий ҳаракат қилиши мумкинлиги ҳам ижтимоий тартиб можиятидан келиб чиқади.

**ИЖТИМОИЙ ТЕХНОЛОГИЯ** (юнон. *techne* — устакорлик, *logos* — таълимот) — режалаштириш ва ривожлантириш жараёнида, турли ижтимоий муаммоларни (меҳнат унумдорлигини ошириш, бошқарувни

такоми жлаштириш, оммавий ахборот ва мулоқот воситалари орқали зарур жамоатчилик фикрини шакллантириш) ҳал этишда зарур мақсадга эришишда қўлланиладиган услублар ва чора-тадбирлар мажмуи. Социологиянинг назарий хуносаларидан амалий мақсадда фойдаланишни назарда тутадиган ижтимоий технология иқтисодий тангликларнинг олдини олиш, жиноятчиликнинг пайини қирқиш каби ижтимоий-ислоҳий фаолият учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**ИЖТИМОЙ ТИЗИМ** — ўзаро боғланган индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва институтларни ўз ичига олувчи, мураккаб ҳамда тартибланган ижтимоий яхлитлик. Алоҳида шахс унинг ташқи дунё билан муносабатларининг серқирралилиги ва ўз-ўзини ташкил қилишнинг яхлитлиги нуқтаи назаридан ижтимоий тизим ҳисобланиши мумкин.

**ИЖТИМОЙ ТУЗИЛМА** — жамиятдаги мавжуд меҳнат тақсимоти ва кооперацияси ҳамда ижтимоий вазифалар тизимидан келиб чиқувчи нисбатан мустаҳкам, ўзаро боғланган ижтимоий бирликлар, шунингдек, ижтимоий тизим элементларининг мажмуаси; жамиятнинг ёки ижтимоий гуруҳнинг ички қурилмаси.

**ИЖТИМОЙ ФАЛСАФА** — жамиятни социология, антропология, психология, иқтисод ва бошқа фанлар категориялари ёрдамида тадқиқ этувчи фан. Қенг маънода — фалсафанинг жамият ўзига хослигини ўрганувчи бўлими; тор маънода — жамиятни назарий социология тушунчалари ёрдамида ўрганувчи умумий социология бўлими.

**ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК** — ижтимоий субъектларнинг кишилиқ оламини ўзгартирувчи фаолияти меъёри. Бундай фаоллик ижтимоий ҳаётда ўзгариш қилиш

зарурати ва одамларнинг ўз эҳтиёжларини теран англашибдан келиб чиқади. Ижтимоий фаоллик - ижтимоий субъектларнинг ҳаёт фаолиятининг шарт-шароитини ўзгартириш юзасидан ҳаракати.

**ИЖТИМОИЙ ФАТАЛИЗМ** (лот. *fatum* — тақдир) - ижтимоий тараққиёт азалий тақдир асосида илгарила боради, деган тасаввурлар мажмуюи. Бундай қарашга кўп шоз-шувуга сабаб бўлаётган француз башоратчиси Нострадамуснинг “башорат”лари мисол бўла олади.

**ИЖТИМОИЙ ФЕЪЛ-АТВОР** — инсон феъл-авторининг социомаданий шарт-шароит ва турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган хусусияти. Бир жамиятда яшаб, бир маданиятга мансуб шахслар бир хил феъл-автор хусусиятларининг маълум микдорига эга бўлади. Бу хусусиятлар афсоналарда, ҳалқ оғзаки ижоди, одоб-ахлоқ қоидалари ва ижтимоий меъёрларда намоён бўлади.

**ИЖТИМОИЙ ФИКР** — жамиятда шаклланган ижтимоий онгнинг муайян-тарихий кўриниши. Ижтимоий фикр жамият ҳаётида юз берувчи жараёнлар ва ҳодисаларни динамик тарзда акс эттиради. Шу билан бирга, у жамоатчилик фикридан барқарорлиги билан фарқ қиласиди. Умуман, жамоатчилик фикрининг амал қилишида оммавий ахборот воситаларининг роли яққол намоён бўлса, ижтимоий фикрнинг шаклланишига ақлий меҳнат кучли таъсир кўрсатади.

**ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ** — корхона, муассаса ва ташкилотнинг ишчилар ҳамда хизматчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали меҳнат жамоасини бошқариш соҳаси.

**ИЖТИМОИЙ ЭКОЛОГИЯ** — (юнон. *oikos* - уй, Ватан, *logos* - таълимот) — жамиятнинг атроф-мухит билан ўзаро ҳаракати қонуниятлари ва шаклларини, ижти-

моий ўзгаришлар ва жамият ҳаётий фаолиятини таъминловчи моддий манбалар алоқалари шаклларини ўрганувчи фан соҳаси.

**ИЖТИМОИЙ ЎЗАРО ҲАРАКАТ** — даврий боғлиқ-ликка эга бўлган ўзаро воситаланган ижтимоий ҳаракатлар тизими. Бу ҳолатда бир субъектнинг ҳаракати бир вақтнинг ўзида бошқа субъектлар жавоб ҳаракатларининг ҳам сабаби, ҳам натижаси ҳисобланади.

**ИЖТИМОИЙ ЎЗГАРИШ** — ижтимоий тузилмалар ва ижтимоий ўзаро муносабатлар тизимида янги жиҳатлар ҳамда элементларнинг пайдо бўлиш жараёни.

**ИЖТИМОИЙ ЎРИН** — ижтимоий муносабатлар субъектлари ўртасидаги ижтимоий алоқалар тизими. Бу алоқалар субъектлар бажарадиган вазифалар (функциялар) юзасидан ўрнатилгани ва қайта-қайта вужудга келгани ҳолда ўзига хос кесишув нуқталарини вужудга келтиради. Айнан шу кесишув нуқталари ижтимоий субъектларнинг ижтимоий ўрни сифатида ифодаланади.

**ИЖТИМОИЙ ҚАДРИЯТЛАР** — мавжуд ижтимоий борлиқ предметлари ва ҳодисаларининг шахс, ижтимоий гуруҳлар ҳамда жамиятнинг эҳтиёжларига мос ёки мос эмаслиги нуқтаи назарига кўра аҳамиятлилиги; инсоният маданияти томонидан ишлаб чиқилган, ижтимоий онг маҳсули бўлган ахлоқий ва эстетик таълаблар.

**ИЖТИМОИЙ ҚАЙТА ТИКЛАНИШ** — индивидларнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларининг субъектлари сифатида қайта тикланиши, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий бирликлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий меъёрлар ва қадриятлар тизимининг, шунингдек, шахслараро алоқаларнинг тадрижий (эволюцион) ривожлашиш жараёни.

**ИЖТИМОИЙ ҚАЙТА ТИКЛАШ** — шахс, ижтимоий гурух ва ижтимоий институтнинг бузилган мақоми, даражаси, жамият ҳётигининг субъектлари сифатидаги асосий функцияларини қайта тиклаш, ўрнини қоплаш жараёни.

**ИЖТИМОИЙ ҚОНУН** — ижтимоий объектлар орасида нисбатан мустаҳкам ва тизимли равишда қайта вужудга келувчи муносабатлар.

**ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ** — муҳтожлар, кам таъминланган ижтимоий гуруҳлар учун муносиб турмуш даражасини таъминлашга қаратилган маҳсус чора-тадбирлар.

**ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК** — ижтимоий фаолият юритувчи шахс ва гуруҳнинг худди шундай шахс ёки гуруҳнинг жисмоний ёхуд фикрий доирадаги ҳолати ва хатти-харакати. Бундай ўзаро ҳаракат шароитида томонларнинг ҳар бири ўз ҳаракатлари учун рағбатни ошириш ва зарарни камайтиришга уринади.

**ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТ** — индивидларнинг ўз мақсадлари йўлида ижтимоий меъёрлар, қадриятлар асосида ва шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда воситалар танлаш жараёни. Ижтимоий ҳаракат ижтимоий фаолиятнинг содда бирлиги бўлиб, у индивиднинг одамлар акс ҳаракатига онгли мўлжалланган ҳаракатини ҳам ифодалайди.

**ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТЧАНЛИК (МОБИЛЛИК)** — индивид ёки ижтимоий субъектнинг ўз ижтимоий ҳаёти, жамият ижтимоий тузилмасидаги ҳолатини ўзгартириш кўрсаткичи.

**ИЖТИМОИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТ** — инсоннинг бошқалар хатти-ҳаракатига мос келувчи ёки уларга мўлжалланган ҳаракати.

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ** — аҳолининг кам таъминланган қатлами учун турмуш даражаси ва шароитини яхшиловчи чора-тадбирлар тизими.

**ИЖТИМОЙ ҲОЛАТ** — индивид ёки гурухнинг жамиятдаги муносабатлар тизимидағи қатор белгилар бўйича ўрни ва даражаси.

**ИНТЕРВЬЮ** — социологик тадқиқотда кўлланиладиган услуб - мақсадли сұхбат, тадқиқот дастурида кўзда тутилган саволларга жавоб олиш.

**ИНТЕРВЬЮ ОЛУВЧИ** — бирламчи социологик ажборот тўплаш босқичида оғзаки (вербал) муомала услублари ёрдамида эмпирик тадқиқот олиб борувчи мутахассис-социолог.

**ИНҚИЛОБ** — жамиятнинг бутун ижтимоий-иктисодий ва сиёсий гузилмасида куч ишлатиш йўли билан юз берадиган кескин ўзгариш.

**ИСЛОХОТ** — мавжуд жамият доирасида муайян ижтимоий институтлар фаолиятида қилинадиган ўзгариш. Ислоҳот янги қонунчилик ҳужжатлари ёрдамида амалга оширилади.

**КАТАКЛИЗМЛАР** (юнон. kataklysmos - сув босин) — ижтимоий ҳаётда юз берувчи тўнтаришлар, оғатлар (урушлар, галаёнлар ва б.).

**КАТТА ГУРУХ** — кўп сонли аъзоларга эга бўлган, турли алоқаларга асосланган ижтимоий груп.

**КИЧИК ГУРУХ** — ўз аъзолари ўртасида бевосита алоқа ва муносабатларга эга ижтимоий груп (масалан, оила).

**КЛАН** (кельтча clann — авлод) — хўжалик ва ижтимоий муносабатлар билан боғланган уруг-аймок, қариндош-уруглар грухи.

**КЛИКА** (фр. clique — тўда) — ҳар қандай йўл билан бирор бир гаразли мақсадга эришишга ҳаракат қилувчилар гурухи.

**КОЛЛЕКТИВ** (лот. collectivus — йигма) — умумий иш, умумий манфаат йўлида бирлашган кишилар жамоаси.

**КОЛЛЕКТИВ ХУЛҚ-АТВОР** — шахслар гурухининг ноаниқ ёки хатарли вазиятга акс таъсир қўрсатувчи нисбатан стихияли ва тартибсиз хатти-ҳаракати.

**КОММУНИКАЦИЯ** (лот communicatio — алоқа боғлайман, муомала қиласман) — 1) бирор жойнинг иккинчи жой билан алоқа йўли; 2) белгилар тизими ёрдамида хабарни бир одамдан иккинчисига узатиш.

**КОНСЕНСУС** (лот consensus — келишув) — ижтимоий бирликка аъзо шахсларнинг ушбу бирлик мақсадлари ва меъёрлари, шунингдек, ундаги муносабатлар юзасидан муросага келиши. Консенсус шахсларнинг муайян қадриятлар, анъаналарга нисбатан бирдамлиги ва жавобгарлик хиссини ифодалайди. Консенсус ҳар қандай ҳамжамиятда кўпчиликнинг ижтимоий тартибга нисбатан муҳим жиҳатлари юзасидан розилиги хатти-ҳаракатларида ифодаланади. Бундай фикрлар ва ҳаракатлардаги аҳдлашув ҳар қандай ижтимоий муомала учун зарурдир.

**КОНСТИТУЦИЯ** (лот constitutio — ўрнатиш) — давлатнинг олий юридик кучга эга асосий қонуни. Унда давлатнинг сиёсий ва иқтисодий тизими, давлат ҳокимияти, бошқарув, суд органларининг тузилиши ва фаолияти қоидалари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари мустаҳкамланади.

**КОНТЕНТ-ТАҲЛИЛ** — социологик ахборот мазмунини миқдорий ўрганиш услуби.

**КОНФЛИКТ** (лот. *conflictus* — тўқнашув) — қарама-қарши манфаат ва қарашлар тўқнашуви. одатда, ҳистийгулар билан боғлиқ мураккаб низо.

**КОНФРОНТАЦИЯ** (лот. *con* — қарши, *frons* - манглай) — ижтимоий тизим ва ғоявий-сиёсий қоидаларнинг қарама-қаршилиги, тўқнашуви.

**КООПЕРАЦИЯ** (лот. *cooperatio* — ҳамкорлик) — бир ёки бир нечта ижтимоий гурӯҳ вакилларининг ягона мақсад йўлида биргаликдаги ҳаракат жараёни. Ўзаро фойда кооперациянинг асоси ҳисобланади.

**КОРРЕЛЯЦИЯЛИ ТАҲЛИЛ** — ўрганилаётган объект белгилари орасидаги статистик алоқаларни ўрганишда қўлланиладиган математик тартиб-қоида.

**КСЕНОФОБИЯ** (лот. *xenos* — бегона, *phobos* — қуркув) - ўз жамияти ёки гурухининг ҳаёт тарзига ёт нарсаларга қарши хавотир ва нафрат (масалан, миллий ёки диний экстремизм).

**ЛАТЕНТЛИК** (лот. *latens* — яширин) — кўзга ташланмайдиган, яширин жараён (масалан, суд статистикаси ва амалиётида қайд қилинмаган яширин жиноятчилик).

**ЛЕГИТИМЛАШТИРИШ** (лот. *legitimus* — қонуний) — бирор қонун, ваколатнинг қонунийлигини тан олиш ёки тасдиқлаш. Легитимлаштириш бирор ижтимоий муассасанинг қонуний кучга эга бўлишида ифодаланади.

**ЛЕГИТИМЛИК** — обрў-эътиборга эга бўлган, мажбурий талаблар ва хатти-ҳаракат намуналарини ўрнатувчи ижтимоий тартиб.

**МАДАНИЯТ** (лот. *cultura* — қайта ишлаш) — кишилик жамияти яратган ва жамият ривожининг маълум даражасини ифодаловчи моддий ва маънавий маҳсулотлар. қадрияглар мажмуи. Социологияда «маданият» тушунчаси математикадаги «сонлар», физикадаги “трав-

витация”, химиядаги «модда» түшүнчалари каби мұхим ақамиятта эга. Маданият - инсонлар фаолияти на-тижалари мажмуда бўлиб, икки ҳолат - маданий статика (маданиятнинг нисбатан турғун кўриниши) ва маданий динамикани, яъни маданиятнинг ўзгарувчан жиҳатини ўзаро мужассамлаштиради.

**МАКРОСОЦИОЛОГИЯ** (юнон. makros — узун, катта + социология) — катта ижтимоий гуруҳлар ва тизимларни (масалан, жамият, цивилизация ва х.к.) таҳлил қилишда йирик ижтимоий жараёнларни, ҳаракатларни ва ҳодисаларни, шунингдек, гуруҳларни ўрганишга қаратилган тадқиқот йўналиши.

**МАНИПУЛЯЦИЯ** (фр. manipulation — сиким) — инсоннинг тафаккури ва жатти ҳаракатларини унинг манфаатига зид равишда ўзгаририш мақсадида мағкуравий ҳамда ижтимоий-рухий таъсир кўрсатиш устублари тизими. Бу, асосан, тоталитар жамиятга хос.

**МЕНЕЖЕР** (инг. manager - бошқарувчи) — ижтимоий табақа вакили, ёлланма бошқарувчи.

**МЕНЕЖМЕНТ** (инг. management - бошқарув) — энг самарали ишлаб чиқариш фаолияти мақсадида ақлий, молиявий, хом ашё, моддий заҳираларни бошқариш санъати.

**МЕНТАЛИТЕТ** (лот. mens - ақл, тафаккур) — шахс, ижтимоий гурухнинг ёки миллатнинг дунёни муайян тарзда тушуниш ва ҳаракат қилишга тайёрлиги ҳамда мойиллiği.

**МЕҲНАТ СОЦИОЛОГИЯСИ** — социологияда инди-видлар, ижтимоий гурухларнинг меҳнат жараёнига жалб этилишини ўрганувчи соҳа.

**МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ** — жамиятнинг ривожи жа-раёнида меҳнат фаолияти турларининг табақалашуви.

**МИГРАЦИЯ** (лот. *migratio* — кўчиб ўтиш) — инсонларнинг доимий яшаш жойларини ўзгартириси жараёни бўлиб, у бошқа ҳудуд ёки мамлакатга кўчиб ўтишда ифодаланади.

**МИКРОСОЦИОЛОГИЯ** (юон. *micros* — кичкина, социология) — социологияда кичик ижтимоий тизимлардаги ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилишга қаратилган, алоҳида олинган ҳодисаларнинг микродаражадаги жараёнлар билан алоқасини эмпирик тасвирилаш билан чегараланадиган йўналиш.

**МОНИТОРИНГ** (лот. *monitor* — назорат қилувчи, огохлантирувчи) — социологияда: маҳсус видеоназорат асбоблари ёрдамида зарур даража ва шароитда сақланиши лозим бўлган муайян ижтимоий параметрларни (масалан, жамоатчилик фикрини) доимий назорат қилиш. Социологик мониторинг ёрдамида жамоатчилик фикри кузатилади, баҳоланади ва унинг ҳолати башорат қилинади.

**МОСЛАШУВЧАНЛИК** — гуруҳ тазики воситасида назорат қилинадиган хулқ-атвор. Гуруҳ шахсни гуруҳ аъзоларининг бирдамлигини қўллаб-қувватлаш учун ўз хулқ-атвор меъёрларига риоя этишга мажбурлайди.

**МОТИВАЦИЯ** (фр. *motif* — ҳаракатлантираман) — инсоннинг шахсий ёки гурухий эҳтиёжларини амалга оширишга ҳаракатлантирувчи истак.

**НАЗАРИЙ—АХБОРОТЛИ ТАҲЛИЛ** — маълумотларни қайта ишлаш услублари мажмуи. Назарий-ахборотли таҳлил ахборотнинг математик назарияси тушунчалари ва тасаввурларини қўллашга асосланган.

**НОРАСМИЙ ГУРУХ** — ўз аъзоларининг ўзаро яқинлигига, бевосита муомаласи, меъёрланмаган муносабатларига асосланган гурух.

**НОРАСМИЙ ТАШКИЛОТ** — ўзаро мулокот жараёнида меъерланмаган ва маъмурий ёки ҳуқуқий тартибга солинмайдиган шахслараро муносабатлар тизими.

**ОИЛА** — ижтимоий институт ва кичик гуруҳ хусусиятларига эга ижтимоий тизим. Оила эр-хотин, ота-она, фарзандлар ва бошқа яқин қариндошлар муносабатларини тартибловчи ижтимоий меъёрлар, тақиқлар ва хулқ-автор намуналари мажмуи билан ифодаланади. Оила турмуш бирлиги, ахлоқий масъулият ва ўзаро ёрдам билан боғланган никоҳ ёки қон-қариндошликка асосланган кичик гуруҳ сифатида ҳам қаралади. Оила ижтимоий эҳтиёжларни қондириши билан ажралиб туради.

**ОММАВИЙ МАДАНИЯТ** **XX** аер ўрталарида оммавий мулокот ва ахборот воситалярининг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши ҳамда ижтимоий гурухлар учун шаклланган ва моҳиятан аҳоли учун тушунарли бўлган маданият намуналари (оммавий эстрада мусиқаси, цирк ва ҳ.к.) Оммавий маданият киборлар ёки ҳалқ маданиятига нисбатан камроқ бадиий қадрга эга. У оммавий маданий қадриятларни ишлаб чиқиши ифодалайди. Оммавий маданият барчага қаратилган бўлиб, доимий равишда қундалик ҳаёт учун ишлаб чиқилади.

**ОММАВИЙ ОНГ** — ижтимоий бирликларнинг ўзига хос тури бўлган оммага тегишли ижтимоий онг хили.

**ПАРЛАМЕНТ** (фр. parler — гапирмок) — бутунлай ёки қисман сайлов асосларига қўйилган қонун чиқарувчи вакиллик олий орган.

**ПРОГНОЗЛАШ** — илмий башоратларни ишлаб чиқиши амалиёти.

**ПРОГНОСТИКА** (юнон. prognosis — башорат қилиш) — илмий башоратларни ишлаб чиқиши назарияси.

**ПРОТЕКЦИОНИЗМ** (лот. *protectio* — бошпана) — таниш-билишчилик, кариндош-уругчилик, орбў-эътиборли маъмурӣ шахслар ёрдамида давлат муас-сасаларига ишга жойлаштириш, юқори мансабларга кўтариш.

**РЕПРЕЗЕНТАТИВЛИК** (фр. *representatif* — вакиллик) — танлаш сифимининг ўрганилаётган (генерал) сифим хусусиятини акс эттириш хоссаси. Репрезентативликка танлаш сифимини, яъни бевосита таҳлил объектини шундай тузиш ёрдамида эришиладики, бунда танлаш сифими бош сифим, яъни объект тўлалигининг энг яхши (ишонарли) вакили ҳисобланади. Шу тариқа у танлаш сифимини таҳлил қилиш пайтида олинган илмий хуносаларни энг катта (генерал) сифимга асосли равишда ўтказиш (тадбиқ қилиш) имкониятини беради.

**РЕПРЕЗЕНТАТИВЛИК ХАТОСИ** — танлаш статистик тузилмасининг унга мос бўлган энг катта (генерал) сифим тузилмасидан оғиш (фарқ қилиши) кўрсаткичи.

**РЕПРЕЗЕНТАТИВ ТАНЛАШ** — нисбий хусусиятлари энг катта (генерал) сифимдаги каби тақсимотга эга танлаш.

**РЕСПОНДЕНТ** (лот. *respondum* — жавоб) — эмпирик социологик тадқиқотда оғзаки ёки ёзма ахборот олиш манбаи сифатида иштирок этувчи шахс.

**РЕФЕРЕНТ ГУРУХ** (лот. *referens* — жавоб берувчи) — ижтимоий таққослаш жараёнида шахс учун эталон (ўлчов, намуна) сифатида хизмат қилувчи реал мавжуд бўлмаган («лойиҳадаги») ижтимоий гурӯҳ. Шахс ана шу эталонга нисбатан ўз ижтимоий аҳволи, хатти-харакати ва интилишларини фарқлай олади.

**РОЛЬ** (фр. *role*) — бирор воқеа ёки жараёнда иштирок этиш даражаси, таъсир кўрсатиш меъёри, аҳамият

кўрсаткичи; маълум мақомга эга шахсдан кутиладиган хулқ-автор, хатти-ҳаракат.

**РОЛЬ КЕСКИНЛИГИ** — битта роль томонидан инсон-га зиддиятли талаб қўйиладиган вазият.

**РОЛЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ** — шахснинг муайян ролни бажариши учун шахсан жавобгарликдан озод бўлишига хизмат қиласидиган англанган расмий тартиб-коидалар.

**РОЛЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ** — шахс томонидан роль кескинлигини пасайтириш учун онгсиз равишда қўлланиладиган услублардан бири. Бунда шахс ўз ҳаётидаги роллардан бирини онгидан чиқариб юборади, лекин бунга хос роль талаблари тизимига акс таъсири кўрсатишни сақлаб котади.

**РОЛЬ НИЗОСИ** — шахснинг бир ёки бир нечта ижтимоий роль бажариши билан боғлиқ ихтилоф. Бу роллар ўзида ўзаро мувофиқ бўлмаган, ихтилофли вазифалар ва талабларни бириктирган шароитда шундай низо келиб чиқади.

**РОЛЬ ТАЙЁРГАРЛИГИ** — ижтимоий ролларни бажариш учун зарур билим ва қўнималарни эгаллаш.

**РОЛЬ ТИЗИМИ** — муайян мақомга мос келувчи роллар мажмуаси.

**РОЛЬ ХАТТИ-ҲАРАКАТИ** — шахснинг ижтимоий роль ўйновчи хатти-ҳаракати.

**САЙЛОВЛАР** — ҳокимият вакиллик органларини сайловчиларнинг овоз бериш йўли билан шакллантириш усули.

**САНОАТ (ИНДУСТРИАЛ) СОЦИОЛОГИЯ** — социологиядаги тадбиқий тармоқ, асосан, АҚШда ривожланган. Унинг вакиллари инсонларнинг меҳнат муноса-

батларини ўрганади ва ишлаб чиқариш самара дорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқади.

**САНОАТЛАШУВ (ИНДУСТРИАЛИЗАЦИЯ)** - аграр мамлакатларни машина саноатини барпо этиш йўли билан саноатлашган мамлакатга айлантиришнинг ижтимоий жараёни. Бунда саноатнинг тез суръатларда ўсиши, техника тараккиёти, аҳоли касбий тузилмасининг ўзгариши ва йирик саноат марказларининг вужудга келиши юз беради.

**СИЁСИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВ** — шахснинг мавжуд жамиятта хос сиёсий гоялар, билимлар, сиёсий муносабат ва хатти-ҳаракат меъёрларини ўзлаштириши.

**СИЁСИЙ ИШТИРОК** — ижтимоий-сиёсий бирлик аъзоларининг сиёсий муносабатлар ва ҳокимият тизимида жалб этилганлик кўрсаткичи (масалан, сайловда иштирок этиш).

**СИЁСИЙ ПАРТИЯ** (лат. parts — қисм, гурух) — умумий ижтимоий-синфий, сиёсий, иктисадий ва бошқа манфаатларга эга шахсларни бирлаштирувчи сиёсий ташкилот.

**СИЁСИЙ СОЦИОЛОГИЯ** — социологиянинг сиёсат ва сиёсий муносабатларни тадқиқ этувчи соҳаси. Сиёсий ҳокимиёт унинг давлатчилик асосида ташкил этилган жамиятда амал қилиш, тақсимланиш шакллари ва услублари, индивидлар, ижтимоий гурухлар ва улар ташкилотларининг сиёсий онги, манфаатлари ва хатти-ҳаракатлари сиёсий социологиянинг баҳс мавзуи ҳисобланади. Шу мавзулар атрофида сиёсий социология XX асрнинг 30-50 йилларида шакллана бошлаган бўлса-да, унинг вужудга келишида Платон, Аристотель, Форобий, Кошгари, Низомулмулқ, Макиавелли, Гоббс, Монтескье, Токвил, Локк, Вебер, Парето, Лассуэлл, Пар-

сонслар сиёсий қарашлари катта аҳамият касб этган. СИЁСИЙ ТАРКИБ — жамият ичидаги сиёсий фаолиятни шакллантирувчи институтлар мажмуаси.

СОЦИЕТАЛ — ривожланган бошқарувга, ижтимоий тузилма ва институтларга эга мураккаб ижтимоий тизимлардаги муносабат ҳамда жараёнларни ифодаловчи атама.

СОЦИОБИОЛОГИЯ (лот. *societas* — жамият ва биология) — замонавий биология фанининг тармоқларидан бири, у инсониятнинг ижтимоий хулқ-атвори ва хатти-харакатларининг биологик асосларини ўрганади.

СОЦИОГЕНЕЗ (лот. *societas* жамият, юон. *genesis* — келиб чиқиши) — турли маданиятлар ва жамиятларда ижтимоийлашувнинг шарт-шароити билан воситаланган ижтимоий-рухий муносабатларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиши жараёни.

СОЦИОГЕОГРАФИЯ (лот. *societas* — жамият ва жўгрофия) — муайян гуруҳлар ижтимоий ҳаётининг жўгрофий жиҳатлари, уларнинг ҳудудий фарқланиши, мақоний тарқалиши, инсон фаолиятининг табиатга таъсирини ўрганувчи социологик фан.

СОЦИОГРАММА (лот. *societas* — жамият, *grapho* — чизаман) — шахслараро ва гуруҳлараро муносабатларни жадвалларда ва бошқа чизмаларда тасвирлаш усули. Социограммада нуқталар орасидаги алоқалар тизими — чизмаси олиниб, ҳар бир нуқтага маълум индивид ёки ижтимоий гуруҳ мос келади.

СОЦИОДРАМА ВА ПСИХОДРАМА (лот. *societas* — жамият, юон. *drama* — ҳаракат, юон. *psyche* — жон) — гуруҳлараро низоларни гуруҳий ташҳис (диагностика) қилиш усули. Бунда гуруҳ аъзолари муаммоли ҳолатларни моделлаштирган ҳолда гоҳ актёр, гоҳ то-

мошабин сифатида инсоний хатти-харакатларни намоён этиб, салбий руҳий ҳолатни бартараф этадилар.

**СОЦИОЛОГ** — социология бўйича мутахассис.

**СОЦИОЛОГИЗМ** — XIX аср охирида шаклланган фалсафий-социологик концепция. Социализм ижтимоий мавжудлик биринчи даражали ва ҳал килувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Дюргейм, Гумилович, Шпанн кабилар тадқиқ этган социализм икки жиҳатга эга: 1) онтологик жиҳат: бунда ижтимоий мавжудлик (борлик) бошқа хилдаги мавжудлик, айниқса, биологик ва руҳий борликка нисбатан мустақилликка эга деб ҳисобланади. Шунингдек, жамият индивидуал мавжудликтан ташқарида мавжудлик деб фикр килинади («ижтимоий реализм»); 2) методологик жиҳат: бунда социология, нафакат, биология ва психологиядан мустақил деб ҳисобланади, балки бошқа фанларни ҳам социологияга аралаштириб юборади.

**СОЦИОЛОГИК АХБОРОТ БАНКИ** — ахборотни саклаш, йигиш ва фойдаланиш мақсадида махсус ташкил этилган кўрсатмалар. социологик тадқиқотлар ҳамда уларни услубий ва назарий таҳлил қилиш натижалари тўплами.

**СОЦИОЛОГИК АХБОРОТНИ БИРЛАМЧИ ҚАЙТА ИШЛАШ** — маълумотларни дастлабки қайта ишлаш, бунда тажрибага асосланган хулосалар чиқариш учун икки вазифа амалга оширилади: 1) ахборотни таҳрир қилиш ва кодлаштириш, яъни тадқиқот давомида олинган ахборот таҳлил қилиниб, расмийлаштирилади; 2) ўзгарувчан кўрсаткичларни тартиблаш, яъни индикатор шаклидаги маълумотларни мос шаклга ўтказиш.

**СОЦИОЛОГИК АХБОРОТНИНГ ИККИЛАМЧИ ТАҲЛИЛИ** — тадқиқот вазифасини ҳал этиш учун эмпирик

маълумотлардан фойдаланиш. Бунда муайян вазифани бошқача нуқтаи назардан таҳлил этиш учун йиғилган ва қайта ишланган маълумотлар кўзланилади.

**СОЦИОЛОГИК АХБОРОТНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ** — социологик тадқиқотда олинган эмпирик маълумотнинг умумий тавсифи. У икки ҳолатда ишончли ҳисобланади: 1) ахборотда ҳисобга олинган хатолар бўлмаслиги керак; 2) ҳисобга олинган хатолар маълум меъордан ошмаслиги керак.

**СОЦИОЛОГИК АХБОРОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ** — социологик тадқиқот давомида олинган маълумотларни тушунарли, ихчам, таҳлил ва изоҳлаш учун яроқли қилиш мақсадида тартибга келтириш.

**СОЦИОЛОГИК ИНДЕКС** (лат. index - рўйхат) — статистик кўрсаткич. У бирор ижтимоий обьект ёки жараённинг ҳусусиятларини бирламчи социологик ўлчаш пайтида олинган белгилар қўллашнинг ҳосиласи ҳисобланади.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ГИПОТЕЗАСИ (ТАҲМИНИ)** — ўрганилаётган ижтимоий ҳодисанинг тузилиши (хоссаси) ёки унинг қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг ҳусусиити ҳақидаги илмий асосланган таҳмин. Социологик тадқиқот гипотезаси мавжуд далиллар асосида қурилади. У тадқиқотнинг таянч нуқтаси бўлиб, батъзан синаб кўриш учун дастлабки (пилотаж) тадқиқот ўтказилади. Умуман, социологик тадқиқот гипотезаси эмпирик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш учун мантиқий асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Тадқиқотчи гипотезани илгари сурар экан, эмпирик маълумотлар уни текшириш, тасдиқлаш ёки инкор этиш учун хизмат қиласи. Агарда аввал бошдан гипотеза илгари сурилмаган бўлса, социологик тадқиқотнинг илмий даражаси тушиб кетади.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ДАСТУРИ** — тадқиқот максади, умумий концепцияси, тахминлар, шунингдек, уларни текшириш бўйича услубларнинг тўла баён қилиниши.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ МУАММОСИ** — илмий ўрганиш ва ҳал этиш учун зарур социологик услублар ҳамда тартиб-қоидаларни талаб этувчи муаммоли вазият, объект.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ** — тадқиқот натижалари сифатининг хусусияти, хулосаларнинг ўрганилаётган объектга мос келиши даражаси.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ** - ижтимоий мавжудликнинг илмий билиш жараёнига жалб этилган соҳаси.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ** — ижтимоий мавжудликни мақсадли ўрганиш учун ажратиб олинган хоссалари, томонлари, муносабатлари ва жараёнлари.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ТЕХНИКАСИ** — маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишининг ташкилий ҳамда услубий воситалари мажмуаси.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ҚУРОЛ-АСЛАҲАСИ** - маҳсус ҳужжатлар (анкеталар, сўров варакалари, кузатув карточкалари, социометрик карточкалар, эксперт хулосалари, жадваллар ва х.к.) мажмуаси. У ёрдамида социологик тадқиқот (кузатув, ҳужжатларни таҳлил қилиш, сўров) амалга оширилиб, ўрганилаётган объект ҳақида эмпирик маълумотлар тўпланади.

**СОЦИОЛОГИЯ** (лот. *societas* – жамият, юнон. *logos* – таълимот) — яхлит тизим сифатида жамият ва алоҳида ижтимоий институтлар, ижтимоий гурухлар, жамият тузилмаларидағи ижтимоий жараёнларни ўрганувчи фан.

**СОЦИОМЕТРИЯ** (лот. *societas* – жамият, *metron* – меъёр) — ижтимоий руҳшунослик соҳаси, у миқдорий услублар ёрдамида кичик гуруҳлардаги шахслараро муносабатларни руҳий муносабатларга эътибор берган ҳолда ўрганади.

**СОЦИОМУҲАНДИС** — ижтимоий муҳандислик, ижтимоий лойиҳалаштириш, ижтимоий жараёнларни резжалаштириш соҳаси мутахассиси.

**СОЦИУМ** (лот. *socium* - умумий, биргаликда) — катта ва мустаҳкам ижтимоий бирлик.

**СТАНДАРТЛАШТИРИШ** (лот. *standard* - намуна) — стандартларни аниқлаш ва қўллаш жараёни.

**СТАТИСТИК УСЛУБЛАР** - ахборотни миқдорий қайта ишилашда қўлланиладиган тадбиқий математик ва статистик услублар.

**СТРАТИФИКАЦИЯ** — жамият тузилмаси ҳамда алоҳида қатламларини, ижтимоий табақаланиш белгилари тизими ва тенгсизликни ифодаловчи социологик тушунча.

**СУИЦИД** — руҳий тушкунлик ҳолатида инсоннинг ўз жонига қасд қилиши, бунда инсон учун қадрият сифатидаги шахсий ҳаёти ўз маъносини йўқотади.

**СУХБАТ** — социологик тадқиқотда қўлланиладиган услуг. Тадқиқотчининг мақсадига мувофиқ турли шаклларда бўлиши мумкин.

**СЎРОВ** — социологик, психологияк, демографик ва бошқа тадқиқотларда қўлланиладиган бирламчи вербал (огзаки) ахборот йиғиш услуби.

**СЎРОВ ВАРАГИ** — эмпирик социологик ахборот учун респондентларнинг ёзма жавобларини тўплаш учун қўлланиладиган ҳамда ўз мазмуни ва шаклига кўра тартибга келтирилган саволлар тўплами.

**ТАНЛАШ** — 1) социологик тадқиқотнинг бевосита ўрганилиши керак бўлган объекти элементларининг мажмуаси; 2) объект элементлари, оммавий социологик тадқиқотларда қўлланиладиган кузатув ва ўрганиш бирликларини саралаб олиш услублари, усуллари ва тартиб-қоидалари мажмуаси.

**ТАНЛАШ (ЖАРАЁН СИФАТИДА)** — тадқиқотнинг бутун обьектини (мамлакатнинг бутун аҳолиси, оиласалар, мактаблар) ташкил қилувчи бирликлардан (одамлар, оиласалар ва ҳ.к.) маълум бирликлар сонини танлаб олиш.

**ТАНЛАШ (УСЛУБ СИФАТИДА)** — 1) бевосита ўрганишга мансуб социологик тадқиқот обьекти элементларининг мажмуи; 2) оммавий социологик тадқиқотлардаги услублар, объект элементларини саралаб олиш тартиб-қоидалари, кузатув ва ўрганиш бирликлар мажмуи.

**ТАНЛАШ (ҲАЖМ СИФАТИДА)** — танлаб олинган бирликлар (одамлар гурӯҳи, оиласалар).

**ТАНЛАШ АСОСИ** — энг катта (генерал) сифим элементлари йиғиндиси бўлиб, аниқлик, кенг қамровлилик, мослик, қулайлик, кузатиш бирликларини ортиқча тақороламаслик мақсадига хизмат қиласди.

**ТАНЛАШ БИРЛИГИ** — танлаб олиш жараёнининг маълум босқичида ажратиб олиш учун қаралаётган элемент ёки элементлар гурӯҳи. Оддий бир даражали танлашда элементнинг ўзи танлаш бирлиги ҳисобланади. Кўп босқичли мураккаброқ танлашда турли даражадаги бирликлар ҳисобга олинади. Масалан, тадқиқотчи дастлаб кварталларни, сўнгра ундаги уйларни, сўнгги босқичда эса, ўша уйларда яшовчи оиласаларни танлаб олиши мумкин. Бу ҳолда танлаш бирликлари

бўлиб кварталлар, уйлар ва оиласлар ҳисобланади. Улар қайси босқичда танлаб олинганига қараб бирламчи, иккиламчи, якуний бирликларни фарқлаш мумкин.

**ТАНЛАШНИНГ ВАКИЛЛИЛИГИ** — умумий ҳажмни мос равишда тадқиқотчини қизиктирадиган хусусиятларни аниқ акс эттира олиш қобилияти. Бунда умумий ҳажмдан келиб чиқиб, танлаш амалга оширилади.

**ТАНЛАШНИНГ СИЛЖИШИ** - танлаш тузилмасининг энг катта (генерал) сифимнинг амалдаги тузилмасидан оғиши.

**ТАНЛАШНИНГ СТАНДАРТ ХАТОЛАРИ** - танлашни якуний ўлчашнинг энг катта (генерал) сифим параметрларидан (кўрсаткичларидан) оғиши, яъни фарқланиши.

**ТАНЛАШНИНГ ТАРҚАЛИБ КЕТИШИ** - танлаш жараёнидаги кенг тарқалган хато бўлиб, бунда танлашни тақсимлашдаги стандарт оғиш юз беради.

**ТАНЛАШНИНГ ТАСОДИФИЙ ХАТОЛАРИ** - репрезентативлик хатоси.

**ТАНЛАШНИНГ ТИЗИМЛИ ХАТОЛАРИ** — танлашдаги умумий хатолар бўлиб, улар қуидагилардан келиб чиқади: 1) ишлаб чиқилган танлашнинг тадқиқот вазифаларига мос келмаслиги; 2) энг катта (генерал) сифимдаги тақсимотни билмаслик ёки бу тақсимотни нотўғри акс эттирувчи саралаш услубларини қўллаш; 3) тадқиқот учун қулай, аммо энг катта (генерал) сифимни тўла акс эттирмайдиган элементларни танлаш ва ҳ.к.

**ТАНЛАШ СИФИМИ** — умумий (генерал) сифим элементларининг маҳсус услублар ёрдамида саралаб олинган қисми.

**ТАНЛАШ СХЕМАСИ** — танлов бирликлари ҳақидаги дастлабки маълумот. Унинг таркибига ажратиб олишни амалга ошириш учун зарур маълумотларни қайта ишлаш тартиб-қоидалари ҳам киради. Мисол тариқасида манзилгоҳлар рўйхати, тадқиқот ўтказиш жойлари кўрсатилган жўғрофий хариталарни келтириш мумкин.

**ТАНЛАШ ХАТОЛАРИ** — танлаш статистик тузилмасининг энг катта (генерал) сифим тузилмасидан оғиб кетиши.

**ТАНЛАШ ҲАЖМИ** — танлаш сифимиға киритилган кузатув бирликларининг умумий сони (микдори).

**ТАСОДИФИЙ ТАНЛАШ** — энг катта (генерал) сифимдан танлашни вужудга келтириш услуби.

**ТАШКИЛОТ** — муайян мақсадга эришиш йўлида меҳнат тақсимоти, ҳуқук, вазифа, бурч ҳамда погонали тузилма асосида бирлашган гуруҳлар, одамлар бирлиги; ижтимоий бирлашма, давлат муассасаси.

**ТАҚСИМОТ МУНОСАБАТЛАРИ** — ҳаётий неъматлар юзасидан ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўртасидаги муносабатлар.

**ТЕЗКОР СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ** - амалий социологик тадқиқот тури. У бирор жараён тез таъсир ўтказишини талаб қиласан ҳолатда қисқа вақтда ишончли ахборот олиш мақсадида ўтказилади. Тезкор социологик тадқиқот ўз ечимини кутаётган муаммо кескинлашган вақтда ўтказилади. Унинг вазифаси — маълум ижтимоий механизмнинг нормал ҳолатда амал килишига ҳалақит берадиган муайян зиддиятнинг вужудга келиш сабабини қидириб топишидир.

**ТИЗИМЛИ ЭХТИМОЛИЙ ТАНЛАШ** - алифбо рўйхати, ташкилотлар картотекалари, уй-жой бошқармалари.

ридаги яшовчилар рўйхат китоблари асос қилиб оли-нувчи танлаш. Бунда бирликлар дастлабки алифболи ёки номерлаштирилган рўйхатдан бир хил оралиқни ташлаб, танлаб олинади

**ТОЛЕРАНТЛИК** (лот. tolerantia — чидам) — ўзгалар-нинг турмуш тарзи, хулқ-автори, одатлари, фикр-мулоҳазалари, гоялари ва эътиқодларига нисбатан чи-дамлилик.

**ТОТАЛИТАРИЗМ** (лот. totalis — барча, тўлиқ) - ҳокимият тузилмаси бир партиявийлик тизими ва ҳукмрон мафкурунинг иқтисодга, маданият, ижтимоий ва шахсий ҳаётга тўла кириб боришига асосланган ижтимоий тартибни ифодаловчи тушунча.

**ТРИАДА** — уч кишидан иборат гурух.

**ТУРМУШ ДАРАЖАСИ** — турмуш сифатига нисбатан одамларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришнинг миқдор сифатини ифодаловчи тушунча.

**УРБАНИЗАЦИЯ** (лот. urbanus - шаҳар) - жамият ри-вожида шаҳарлар мавқеи ва ролининг ошиш жараёни.

**ФРУСТРАЦИЯ** (лот. frustratio — ёлғон, муваффаки-ятсизлик) — инсоннинг руҳий ҳолати, у ўзига хос ке-чинма, хулқ-автор ва хатти-харакатда ифодаланади, мақсадга эришиш йўлидаги (шахс субъектив равишда ҳал этилмайди деб талқин этувчи) қийинчиликдан ке-либ чиқади.

**ФУТУРОЛОГ** — футурология фани бўйича мутахассис.

**ФУТУРОЛОГИЯ** (лот. futurum — келажак, logos -таъ-лимот) — кенг маънода: инсоният келажаги, умумба-шарий муаммолар ҳақидаги тасаввурлар мажмуаси; тор маънода: ижтимоий жараёнлар ҳақидаги фан. Фу-турология ижтимоий жараёнлар келажагини ўрганиш,

башорат қилиш ва олдиндан айтиб беришни ифодаловчи фан соҳаси деб ҳам талқин этилади.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** — жамиятнинг таркибий қисми, яъни унинг ҳокимият, давлат ва бошқарувдан ташқари соҳаси. Фуқаролик жамияти давлатнинг вужудга келиши билан юзага келиб, мавқеи демократиклик даражасига мувофиқ бўлади. Фуқаролик жамияти билан давлатнинг алоқалари ўзаро боғланиб кетган. Давлат ҳокимияти тизими ва фаолиятида демократик тамойиллар ва меъёрлар қанчалик мужассам бўлса, фуқаролик жамиятининг ҳаётий фаолияти ҳам шунчалик кенг, унинг давлат билан муносабатлари турли туман бўлади. Давлат ва фуқаролик жамияти манфатлари ўртасидаги зиддият давлатнинг инқирозига сабабчи бўлиши мумкин.

**ХАРИЗМА** (юнон *charisma* — илоҳий неъмат) — етакчи шахснинг ўзининг фавқулодда лаёқатга эгалигини бошқаларга ишонтира олиш қобилияти.

**ХАРИЗМАТИК ҲОКИМИЯТ** — етакчига содикликка асосланган ҳокимият, бунда унга олий қобилият хос деб ҳисобланади.

**ЦИВИЛИЗАЦИЯ** (лот. *civilis* — давлатга хос) — жамият ривожидаги босқич, меҳнат тақсимоти билан боғлиқ ижтимоий ва маданий ривожланиш даражаси.

**ЧИКАГО МАКТАБИ** — социология фани ривожига катта таъсир кўрсатган ва Америка социологиясида 1915—1935 йилларда ҳукмрон мавқега эга бўлган мактаб. Чикаго мактаби А.Смолл (1854—1926) бошқарган дунёда биринчи социология факультети (1892) асосида шакллана бошлаган. У А.Смолл, Ж.Винсент ва У.Томас фаолияти билан боғлиқ бўлган. Чикаго мактабининг оёққа туришида Америка социологияси асосчила-

ри — Л.Уорд, У.Самнер, Ф.Гиддингс, Ч.Кули, шунингдек, Ж.Дьюи ҳам катта хизмат кўрсатишган. Айнан шу даврда (1895 й.) дунёда дастлабки социологик журнал («Америка социология журнали») ва Америка социология жамиятига (1905 й.) асос солинди. Чикаго мактаби эмпирик тадқиқотларни назарий хулосалар билан мувофиқлаштира олганлиги, турли услугуб ва ёндашувларни бирлаштира олганлиги билан ажралиб туради.

**ШАХС** — одам ижтимоий хусусиятларининг яхлит мажмуи, ижтимоий тараққиёт ва индивиднинг фаол хатти-харакати ҳамда муомаласи воситасида ижтимоий муносабатлар тизимиға қўшилишининг маҳсули. “Шахс” тушунчаси ижтимоий муносабатларни, шунингдек, онгли фаолият субъекти сифатидаги индивидни (алоҳида олинган инсонни) ифодалайди.

**ШАҲАР** - жамият мавжудлигининг тарихий-муайян, ижтимоий-маконий шакли.

**ЭКВИВАЛЕНТ** (юон. *aequivalens* - тенг қимматга эга) — бошқа нарсаларга муайян муносабатда тенг қимматга эга мисдор ёки муносабат.

**ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ УСЛУБИ** — муайян соҳа бўйича эксперт сўрови ўтказиш ва мутахассис фикрини олиш йўли билан социологик ахборот йиғиши услуби.

**ЭКСТРЕМИЗМ** (лот. *extremus* - энг кескин) — кескин қарашларга интилиш.

**ЭЛИТА** (фр. *elite* — энг сара) — ҳар қандай ижтимоий тузилманинг бошқарув, маданият, фанни ривожлантириш функцияларини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатлами. Элита ҳақидаги назариялар даставвал Платон, Ницше қарашларида баён қилиниб, XX аср бошларида В.Перето, Г.Моска, Михельс таълимоти орқали тизимли кўринишга эга бўлди. Ҳозирги фарб

социологиясида элита турли күрсаткычга асосан олиб қаралди. Бунда элита ҳокимиятга йўналган, сиёсий жиҳатдан фаол одамлар (Моска), жамиятда энг кўп обрў, мақом, бойликка, ақлий ва ахлоқий устунилликка эга одамлар (Х.Ортега-и-Гассет), жамиятнинг ижодий қисми (Тойнби), малакали мутахассислар, менежерлар ва бошқарув тизимидағи олий хизматчилар (технологик детерминизм) билан изоҳланади. Ҳозирги замон социологияси элита назарияси Миллс, Рисмен, Белл қарашларида ўз ифодасини топган.

**ЭМАНСИПАЦИЯ** (лот. *emancipatio* - озод бўлиш) - эскирган барча кўникмалар, қарашлар, тобелик ва жабр-зулмдан озод бўлиш.

**ЭМИГРАНТ** — ўз мамлакатидан бошқа бирор мамлакатга турли сабабларга кўра кўчиб ўтувчи шахс.

**ЭМИГРАЦИЯ** (лот. *emigrare* - кўчиб кетиш) — бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтиш.

**ЭМПИРИК СОЦИОЛОГИЯ** — маҳсус услублар (сўровлар, анкета усули, интервью олиш, тажриба, математик ва статистик услублар ва ҳ.к.) ёрдамида ижтимоий ҳаётнинг муайян далилларини йиғиш ва таҳлил қилишга қаратилган социологик тадқиқотлар мажмуи. Дастрлабки эмпирик тадқиқотлар (XIX аср) ижтимоий статистиканинг тарқибий қисми сифатида амалга оширилган. Ҳозирги кўриниши XX аср 20-30 йилларида АҚШда шаклланди, сўнг гарб мамлакатларига тарқалди. Вебер, Дюркгейм, Тенис ижодида ривожланган эмпирик социология Лазарсфельд каби социологлар қарашларида мазкур фан тимсолига айланиб қолди. У ҳозирда назарий хуносалар ўрнига математик услубларни кент жорий этмоқда.

**ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ** — ўрганилаётган ижтимоий

ҳодисалар, объектлар ва жараёнлар учун хос, воқеаларни бевосита ёки билвосита қайд этиш орқали ижтимоий далилларни (фактларни) аниқлаш ва умумлаштириш.

**ЭНГ КАТТА (ГЕНЕРАЛ) СИФИМ** — социолог ўз хуносаларини тадбиқ этишни мўлжаллаётган сифим, яъни тадқиқот элементларининг (одамлар, оиласлар, автомобиллар) чекли ёки чексиз гуруҳи. Бу гуруҳни ўрганиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

**ЭРКИН ТАНЛАШ** — эҳтимоллилиги асосланмаган эмпирик танлаш. Бунда танлаш тасодиф асосида шаклланади, муайян ҳодисани танлаш бошқасига таъсир қилмайди (масалан, «биринчи дуч келганни танлаш»).

**ЭТНИК ГУРУХ** — асосий қисми бошқа ижтимоий организмда бўлган этнос (қабила, элат, миллат) қисми. Этник гуруҳлар яхлит ёки бўлак-бўлак (диаспора) ҳолатда бўлиши мумкин.

**ЭТНОМЕТОДОЛОГИЯ** (юон. ethnos - халқ, methodos - услуб, logos - таълимот) — Америка социологиясидағи назарий ва методологик йўналиш, у этнография ҳамда ижтимоий антропологияни ижтимоий фанларнинг умумий методологиясига айлантиришга асосланган.

**ЭТНОЦЕНТРИЗМ** (юон. ethnos - халқ, лот. centrum - доира маркази) — жамиятга нисбатан муайян гуруҳни (одатда, ўз гуруҳини) асосий деб билиб, қолган гуруҳларни шунга мос равища тушуниш.

**ЭҲТИМОЛЛИ ТАНЛАШ** — энг катта (генерал) сифимдаги тақсимланиш қонунини ўзида акс эттирувчи танлаш.

**ҚИШЛОҚ** — жамият мавжудлигининг тарихий-муайян, ижтимоий-маконий шакли.

**ҲАЁТ РАҒБАТИ (СТИМУЛИ)** — шахс ёки ижтимоий гуруҳ хатти-харакати ва хулқ-авторининг муайян хили, у

мустаҳкам ва қатъий равищда қайта шаклланадиган хусусиятлар, одатлар, фаросатни қайд этади, ифодалайди.

**ҲАЁТ СИФАТИ** — ҳаёт даражаси ва стандарти (намунаси) билан солиштирганда одамларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришнинг сифат жиҳатини ифодаловчи тушунча.

**ҲАЁТ ТАРЗИ** — одамларнинг маълум ижтимоий, иқтисодий, маданий шароитда шаклланган ҳаётий фаолият услуби. У одамларнинг муомаласи, хулқ-атвори ва тафаккур тарзида намоён бўлади.

**ҲОКИМИЯТ** — алоҳида шахс, бир гурӯҳ одамлар, ташкилот, сиёсий партия, давлатнинг ижтимоий ҳамкорликнинг бошқа иштирокчиларига куч ишлатиш ёки куч ишлатмаслик воситалари ва услублари ёрдамида ўз иродасини ўтказиши, уларнинг ҳаракатларини бошқариш. “Ҳокимият” тушунчаси сиёсий социологиянинг асосий категорияларидан бири бўлиб, сиёсий институтлар, сиёсат ва давлатнинг моҳиятини англаш тушунилади. Ҳокимиятнииг сиёсий тизимдаги аҳамиятини пулнинг иқтисодий тизимдаги ўрнига қиёслаш мумкин (Парсонс). Ҳокимиятни, шунингдек, одамлар ва ижтимоий гурӯҳлар фаолияти, хатти-ҳаракати хусусияти ҳамда йўналишига таъсир кўрсата олиш қобилиятини ифодаловчи ижтимоий муносабатлар шакли дейиш ҳам мумкин. Бунда таъсир ўтказиши иқтисодий, мафкуравий ва ташкилий-хуқуқий воситалар, шунингдек, обрўэътибор (авторитет), анъаналар ёки куч ишлатиш ёрдамида амалга оширилади. Ҳокимият назорат ва раҳбарлик функцияларига эга бўлиб, ташкилий ҳамда институционал асослариз мавжуд бўла олмайди. Шунингдек, унинг сиёсий ҳаракатлар, институтлар ва ижтимоий тузилмада амал қилишини эътиборга олиш керак.

**ҲУДУД** — вилоят, мамлакатнинг табиий ва тарихан шаклланган, иқтисодий, ижтимоий, маданий ўзига хослиги билан ажралиб турадиган қисми.

**ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ** — социологик тадқиқотда маълумотлар йиғишнинг асосий услубла-ридан бири. Бу услуб қўлёзма ёки босма матн, магнит тасмаси ва киноплёнкаларда қайд қилинган ахборотни қўллашни кўзда тутади.

**ҲУКМРОНЛИК** — сиёсий социологияда ҳокимиятни амалга оширишни ифодаловчи тушунча. Ҳукмронлик институционал қўринишга эгалиги, жамиятнинг ҳукмронлик қилувчи ва бўйсунувчи гурӯҳларга бўлиниши, шунингдек, алоҳида бошқарув аппаратининг ажралиб туришини назарда тутиши билан ифодаланади. Зоро, ҳокимият ва ҳукмронликни фарқламоқ керак. Ҳокимият ҳукмронликдан аввал вужудга келиб, унга замин яратади, лекин доимо ҳукмронлик хусусиятига эга бўлавермайди. Бунинг учун ҳукмронлик бўйсунувчиларда ҳокимиятнинг қонунийлигига ишонч билан мустаҳкамланиши керак.

**ҲУҚУҚ** — мажбурий жорий этилган юриш-туриш, хатти-ҳаракат қоидалари. Ҳуқуқнинг мажбурийлиги давлат томонидан ўрнатилиб, бажарилиши таъминла-нади. Конституциявий ҳуқуқлар конституциявий меъ-ёрлар билан, оддий ҳуқуқлар оддий қонунлар билан тартибга солинади. Ҳуқуқ, ўз навбатида, тармоқларга бўлинади: конституцион ҳуқуқ, хўжалик ҳуқуқи, маъ-мурий ҳуқуқ ва б.

# ТЕЗКОР ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ \*

Қарор қабул қилиш таваккал қилишdir: бирор ҳаракат ус-лубини танлаб, бошқа варианtlар чиқариб ташланади.

Қарор қабул қилишга тайёрлик – муваффакиятта эришишнинг ягона имконияти.

Қарор қабул қилиш жараён бўлиб, қуидагилардан иборат:

- ваколатларни вакиллаштириш;
- қарорлар қабул қилиш;
- қарорларни амалга ошириш;
- ижрони назорат қилиш.

Ушбу жараёнларни енгиллатиш қоидалари:

1-коида. Қарор қиладиган муаммолар доирасини аниқ чега-  
ралаш.

Бунда:

- қарорларни табакалаштириш;
- вақтнинг асосий қисмини муваффакият келтирувчи қарор-  
ларга сарфлаш зарур.

2-коида. Қарор қабул қилиш масъулиятни ўз зиммангизга  
олишdir.

Бунда:

- муассаса менга тегишли, мен бу ерда хўжайинман деган  
фикрда туриш;
- ҳеч қачон ўзингиз тўла жавоб бермайдиган қарорлар қабул  
қилмаслигингиз зарур.

3-коида. Ҳеч қачон стресс ҳолатида қарор қабул қилманг.

Бунда:

- жаҳдл чиққанда, қаттиқ хафа пайтда ёки шошилинг ҳолатда  
қарор қабул қилмаслик;
- вақт етарли бўлгандагина тўғри қарор қабул қилиш мум-  
кинлигини тушуниш лозим.

Куидагиларни амалга оширинг:

- вазиятни баҳоланг, бунда мавжуд тажриба ва ҳозирги ҳолат  
билин келажакни тасаввур қилинг;
- муаммога тегишли факт ва материаллар, унинг пайдо  
бўлиш шароитини атрофлича ўрганинг;
- муҳим барча мавжуд ахборотни таҳлил қилмасдан, якун-  
ловчи хуносага келманг, холисликни сақланг.

\* Манба: "Пресстиж" газетаси, 2005, № 40.

4-коида. Тўғри қарор қабул қилиш учун қанча ахборотга эҳтиёж сезилса, шунча ахборотга эга бўлиш зарур.

Ахборотнинг маълум қисми иш учун муҳим ҳисобланади. Яхши раҳбарнинг кучли томони – энг муҳим фактларни аниклаш, керакли вақтда унга эътибор қаратса билишдир.

Бунда:

- кўплаб фактларни аниклаб берувчи маълумотларни ўрганиш;
- тўпланган маълумотларни муҳимлигига қараб (биринчи даражалидан иккинчи даражалига ва ҳ.к.) тартиблаш;
- муайян муҳим ҳолатни аниклаб, унинг асосига қарорни кўйиш;
- маълумотлар гуруҳлари хусусиятларини аниклаш;
- вужудга келган ҳолатнинг барча элементлари орасидаги боғлиқликни аниклаш зарур.

Яхши раҳбар барча маълумотларни қўлга киритишнинг иложи йўқлигини, вактида тўхташни билади.

5-коида. Қарор қабул қилишдан аввал маслаҳатлашиб олинг. Бунда:

- қарорингиз таъсир қилиши мумкин бўлганлар билан маслаҳатлашинг, чунки одамлар ҳаётларини маълум даражада ўзгаририб юборадиган ўзгаришларни (сюрпризларни) ёқтирамайди;

- гояларингиз амалга ошишига ёрдам берадиганлардан маслаҳат сўранг;

- ўз фикрини қадрлайдиган одамлар билан маслаҳатлашинг.

6-коида. Қарор қабул қилишдан кўрқманг.

Мавжуд ахборотни ўрганиб, маълум хulosага келгандан сўнг дадил қарор қабул қилинг. Самарали қарорлар қабул қилишда тажрибангизга таянинг.

7-коида. Қарор қабул қилганингиздан сўнг навбатдаги ишга киришинг.

Бунда:

- ижод қилишдан тўхтаманг;
- танлаган йўлингизда қатъий туринг;
- турли тахминлар билан ўзингизни қийнаманг;
- қабул қилган қарорингиз билан тегишли барча одамлар танишиб чиқсин, чунки бу унинг ўз вақтида амалга ошишининг шартидир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. -Т., Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. 2-ж. - Т., Ўзбекистон, 1996. -380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж. -Т., Ўзбекистон, 1996. -366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-ж. -Т., Ўзбекистон, -349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш -- давр тала-би. 5-ж. -Т., Ўзбекистон, 1997. -384 б.
6. Каримов И.А. Хафвасизлик ва барқарор тараққиёт йўли-да. 6-ж. -Т., Ўзбекистон, 1998. -429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-ж. -Т., Ўзбекистон, 1999. -413 б.
8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъ-улмиз. 9-ж. -Т., Ўзбекистон, 2001. -439 б.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тарақ-қиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. -Т., Ўзбекистон, 2003. - 319 б.
10. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамиз-га боғлиқ. 12-ж. -Т., Ўзбекистон, 2004.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққи-ёт кафолатлари. -Т., Ўзбекистон, 1997. -326 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асос-ларини шакллантиришишнинг асосий йўналишлари. // Халқ сўзи. -2002 йил 30 август.
13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т., Ўзбекистон, 1995. -74 б.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т., Ўзбекистон, 1999. -48 б.

15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т., Ўзбекистон, 2005.
16. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т., Ўзбекистон, 2005. –160 б.
17. Аверин Ю.П. Люди управляют людьми: модель социологического анализа. –М., 1996.
18. Атаманчук Г.В. Управление – социальная ценность и эффективность. –М., 1995.
19. Блэк С. Паблик рилейшнз. Что это такое? -М., 1989.
20. Бабосов Е.М. Прикладная социология. -Минск, 2000.
21. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. - Тошкент, Фан, 1999.
22. Григорьева Н. Работа учреждения с общественностью. -СПб., 1999.
23. Галкина Т.П. Социология управления: от группы к команде. -М., 2001.
24. Зборовский Г.Е., Костина Н.Б. Социология управления. -Москва, Гардарики, 2004. 270 с.
25. Кайковус. Кобуснома. Форсчадан Огаҳий таржимаси. -Т., Мерос, 1992.
26. Калиниченко Л.А. Социальная организация государственной службы. -М., 2000.
27. Кравченко А.И. Социология менеджмента. -М., 1999.
28. Колесников Ю.С. Прикладная социология. -Ростов – на-Дону, 2001.
29. Магомедов Ю.О. Социология государственной службы. -М., 2000.
30. Мальцев В.А. Государственный служащий современного типа. -М., Н.Новгород, 1995.
31. Почепцов Г. Паблик рилейшнз или как успешно управлять общественным мнением. -М., 1998.
32. Тульчинский Г. Public Relations. Репутация, влияние, связи с прессой и общественностью, спонсорство. -СПб., 1997.

34. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б., Бекмуродов М.Б., Қаюмов Ў.К. Социологик тадқиқотлар амалиёти (ўқув-услубий қўлланма). -Тошкент, Ижтимоий фикр, 2001.
35. Удальцова М.В., Аверченко Л.К. Социология и психология управления. Ростов-на-Дону, Феникс, 2001.
36. Холбеков А.Ж., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. -Т., Янги аср авлоди, 2004.

## Мундарижа

Кириш.....	3
1-мавзу. Жамиятнинг ўзини-ўзи ташкил этиш тизимида бошқарув ва маъмуриятчилик.	
Бошқарув ва жамият ижтимоий таркибининг социологик таҳлили .....	6
2-мавзу. Давлат хизмати институти. Раҳбарлик фаолиятини такомиллаштириш муаммолари .....	25
3-мавзу. Бошқарувда эмпирик социологик тадқиқотлар натижаларини қўллаш .....	68
4-мавзу. Бошқарув ва раҳбарнинг касбий фаолияти. Раҳбар шахсини социологик ўрганиш муаммолари .....	88
5-мавзу. Давлат хизмати, бошқарув ва маъмуриятчилик тизимининг ташкилий, маданий, социал ҳамда жамоатчилик билан алоқалар омилтари .....	122
«Бошқарув социологияси» ўқув курси бўйича индивидуал (шахсий) машғулотлар сценарийиси .....	129
Хулоса .....	134
Атамалар лугати .....	137
Тезкор қарорлар қабул қилиш .....	178
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	180

*4000*  
Абдугани Холбеков

# Бошқарув социологияси (ўкув қўлланма)

Akademiya  
Тошкент 2007

Муҳаррир М. Абдуллаева  
Мусаҳҳиҳ Г. Абдуллаева  
Бадиий муҳаррир Р. Султонов  
Техник муҳаррирлар С. Файз, Н. Курбонова  
Нашр учун масъул Б. Умаров

Теришга берилди 04.05.07. Босилига рухсат этилди 11.06.07.  
Бичими 84x1081/32. Офсет босма. Шартли босма табоги 11,5.  
Нашриёт ҳисоб табоги 11,5. Адади 500. Баҳоси шартнома асосида.